

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№12. 2022

30 yil



Xalqimizni, agrar sohaning barcha tarmoqlari xodimlarini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 30 yilligi hamda Qishloq xo'jaligi xodimlari kuni bilan muborakbod etamiz.



**Қорақалпоғистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги
жамоаси**

**Халқимизни, республикамыз
аграр соҳа вакилларини,
ирригаторларни, фермерларни
Конституция қабул қилинган –
лигининг 30 йиллиги ҳамда
Қишлоқ хўжалиги ходимлари
куни билан чин дилдан
табриклайди.**

**Осмонимиз мусаффо, дастур-
хонларимиз тўкин бўлсин!**



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Муҳтарам фахрийлар!

Меҳнат мавсуми охирида, соҳадаги ишлар сарҳисоб қилинаётган мана шу қутлуғ дамларда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги касб байрамингиз – Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шуқуҳли айёмда, аввало, ҳалол пешона тери, фидокорона меҳнати билан ердан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга қут-барака, файзу қувонч олиб кирадиган миришкор деҳқонларимиз, барча соҳа ходимларига энг эзгу тилакларимизни билдираимиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўз касби ва бурчига содиқ қолиб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган заҳматқаш, мард ва олижаноб инсонларни кўраимиз.

Айниқса, бутун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари бора-сида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намоён этиб, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Шу маънода, бозор ва дўконларимиздаги тўкинлик ва арзончилик, шаҳар ва қишлоқларимиз, хонадонларимиз ободлигида сизларнинг ҳиссангиз беқиёс, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда инсон қадрли ва ман-

фаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида биринчи ўринга қўйилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, бошоқли дон етиштириш ва харид қилишнинг янги тизими жорий этилиб, деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғори қут-баракага тўлаётгани, аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро имтиёзли кредитлар ажратилгани, маҳсулот етиштириш, суғориш, уруғ ва кўчат сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар субсидия ҳисобидан қоплаб берилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўзбек пахта-сига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очик электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 минг дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Биз соҳани барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттираимиз. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаймиз.

Пахтачилик ва ғаллачиликда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, илмий асосда маҳсулот етиштириш,

фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш чоралари кучайтирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий шароитга мос, арзон қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, уларни фермер ва деҳқонларимизга имтиёзли шартларда етказиб бериш, субсидиялар ажратиш ва қўшимча молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, амалиёт ва илм-фан интеграциясини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бандликни таъминлаш мақсадида бошланган ижобий тажриба давом эттирилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун қўшимча 100 минг гектардан ортиқ ер аҳолига тарқатилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана шу қувончли айёмда ўзининг фидокорона меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган деҳқон ва фермерларимиз, агрокластерлар раҳбарлари ва ходимларига, соҳада меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Доимо меҳнатингизнинг роҳатини кўриб юринг!

Ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Азиз ВОИТОВ:

ЎЗБЕКИСТОН 2019-2022 ЙИЛЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭРИШДИ



Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини XXI асрнинг асосий ва инсоният олдидаги энг жиддий муаммолардан бири эканлигини тан олмоқда. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Хўш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳа ва тармоқларида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?

Маълумотларга кўра, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очиқ электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилган. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилган. Эътиборлиси, ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилинди. Ўтган машаққатли даврдан кейин тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида шулар ҳусусда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов Президент номидан қишлоқ хўжалиги ходимларини табриклади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитовнинг таъкидлашича, жорий йилда соҳани ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси доирасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, “Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги” индексида Ўзбекистоннинг ўрни 113 та мамлакат орасида 85-ўридан 73-ўринга ёки 12 поғонага кўтарилди.

– Ўзбекистон 2019-2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган 10 мамлакат ичида 1 – ўринни эгаллади, – дейди А.Воитов. – Келгусида фермер ва деҳқонлар таклифлари, илғор халқаро тажрибалар асосида аграр соҳада молиялаштириш, кредитлаш, суғурталаш ва субсидиялашни мутлақо янги тизимлари жорий этилади. Маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни тизимли ташкил этишда ўзаро кооперацион ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қонуний асослар яратилади. Ҳар бир вилоятдаги 3-4 тадан туманда Агрохизматлар марказлари ташкил этилади. Экинларни жойлаштириш, имтиёзли кредитлар ажратилишини мониторинг қилиш бўйича “Агроплатформа” ахборот тизими ишга туширилади. Худудларда замонавий инфраструктурага эга “Озиқ-овқат саноат парки” ташкил этилади.

Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат дастурлари доирасида кўплаб илмий лойиҳалар молиялаштирилган. Хусусан, илмий ташкилотлар томонидан “Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси” фанлари йўналиши бўйича умумий қиймати 226 миллиард 889 миллион сўмлик 165 та лойиҳа бажарилган. Умумий қиймати 34,1 миллиард сўмлик 33 та илмий лойиҳаларнинг бажарилиши яқунланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шуҳрат Ғаниев бу йилги баҳор ва ёз ойларининг ноқулай келиши деҳқону-фермерларга қатор қийинчиликларни юзага келтирилганини қайд этди.

– 2022 йил қишлоқ хўжалиги ходимлари учун ҳақиқий синовли йил бўлди, – дейди Шуҳрат Ғаниев. – Об-ҳавонинг ноқулай келиши соҳада бир-қанча муаммоларга сабаб бўлди. Бу каби муаммолар улардан ўз ишларига масъулият билан ёндашишни талаб этди. Кейинги йилларда аграр соҳада яратилган тизим туфайли шундай оғир йилда ҳам барча тармоқларимизда юқори кўрсаткичларга эришилди. Соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати сабабли жорий йилда 7,2 миллион тонна ҳосил етиштирилиб, шундан давлат ресурсларига 2,6 миллион тонна дон харид қилинган. 4,6 миллион тоннадан ортиғи деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолди. Фермерлар ихтиёрида қолдирилган бошоқли донни ўзи хоҳлаган муддатда эркин нархларда сотиш имконияти яратилган.

Шунингдек, бу йил 22 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 3,5 миллион тоннадан зиёд пахта, 24 минг тонна пилла, 2,7 миллион тонна гўшт ва 11,7 миллион тоннадан ортиқ сут, 8,7 миллиард дон тухум, 500 минг тонна балиқ маҳсулотлари олишга эришилган. Худди шундай, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни экспорт қилиш бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Албатта, буларнинг ҳаммаси деҳқону-фермерларнинг, кластерларнинг, чорва пиллакорларнинг, сувчию-механизаторларнинг, олим мутахассисларнинг машаққатли меҳнати ва пешона тери эвазига яратилди.

Ўз мухбиримиз.

ҚУШ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

ВАЗИРЛИКДА ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Сув хўжалиги вазирлигида бир гуруҳ ходимларга «Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев топширди.

Тақдирланганлардан ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Ибрагимов ўз хурсандчилигини шундай баён қилди:

– Бу мукофот вазирлигимизнинг аҳли жамоасига кўрсатилган юксак эътибор намунасидир. Барчамизни руҳлантирган ҳолда янада шижоат билан ишлашга, топшириқлар ижроси ва вазифаларимизни катта масъулият билан бажаришга ундайди.

Шунингдек, вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида байрамлар байрамларга уланиб, Қишлоқ хўжалик ходимлари куни ҳам кенг нишонланди.



МЕҲНАТИНГИЗ ҚАДР ТОПАВЕРСИН



Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов очиб, мамлакатимизда аграр соҳани трансформация қилиш ва аграр соҳани барқарор ривожлантиришдаги сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришлар, мамлакатимиз Қомусининг тараққиёт ва мамлакат келажагидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

Вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларда соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган раҳбар ва ходимлар «Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирландилар.

Конституциямиз байрамига Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни – Ҳосил байрами ҳам уланиб кетди. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда кенг миқёсда нишонланди.



«ДЕҲҚОН ОДАМ ДОН СОЧАР, ЭЛ-ЮРТИГА НОН СОЧАР»

Азал-азалдан маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – бу нафақат инсонлар, балки барча жонзотлар учун озиқ-овқат, тириклик манбаидир. Шу боис уларни етиштирувчи фермерлар, деҳқонлар, қўйингки, зироатчиларнинг ҳаммаси доимо эл ардоғида бўлиб келганлар.

Тарих китобларини varaқласангиз нафақат узоқ, ҳаттоки, яқин ўтмишда бўлиб ўтган уруш-жанжалларнинг заминада бошқаларнинг нефти ёки гази, олтини ёки кумушига эгалик қилиш эмас, балки серҳосил ерлар ва катта дарёларни қўлга киритиш илинжи ётганлигига гувоҳ бўласиз. Зеро, унумдор ер ва мўл-қўл сув, кўп пахта – иссиқ кийим-кечак, сифатли ёғ, тўйимли кунжара ва шелуха, кўп буғдой – қоп-қоп ун, тандирдаги гижда нон эканлигини одамлар яхши билганлар.

Ўзбекистон заминада ҳамма даврларда ва тузумларда ҳам деҳқончилик қилиш, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш энг ардоқли касб ҳисобланган. Уйда сигир, қўй-эчки ва парранда боққан, боғидан узум ва ўрик, полиздан қовун-тарвуз йиғиб олган ота-боболаримиз, момо ва эналаримиз дастурхонидан гўшт, сут-қаймоқ, тухум, майиз, туршак, қовун қоқи каби егуликлар узилмаган ва шу туфайли очарчилик балолари ва уруш қийинчиликларига дош бериб, оилаларини, ҳамқишлоқларини, қўйингки, бутун эл-юртни эсон-омон сақлаб қолганлар.

Мамлакатимизда кейинги йилларда агрокластерларни ташкил этилиши билан бирламчи далачилик ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб

ҳам, таклиф ҳам ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Фермерлар ва кластерлар экинлар ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, қайта ишлашга мослашган, яъни пишиқ ип берувчи пахта толаси, кўп ун чиқадиган буғдой, оқшоғи кам гуруч каби хомашё олишга катта эътибор бермоқдалар. Пишиқ ипдан сифатли газлама тўқилади, ундан эса чиройли уст-бош тайёрланади. Қаттиқ буғдойдан ёпишқоқ ун чиқади, тандирга ёпилган нон узилиб тушмайди. Пўстлоғи энгил ажраладиган шоли қайта ишлаш жараёнида кам шикастланади, оқланган гуруч ошбоп бўлади.

Чорвадорларимиз томонидан биз учун ноанъанавий бўлган туяқуш, «Оқ великан» қуёни каби чорва зотларини парваришlash йўлга қўйилаётгани, иссиқхоналарда йил давомида «Брокколи» карами ва «Ремонтант» қулупнайи сингари сабзавот экинлари ва апелсин, мандаринга ўхшаш цитрус мевалари етиштирилиб, халқимиз дастурхонига тортилаётгани ҳам қувончлидир.

Бу йўлда уларга илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш қўл келиши шубҳасиздир. Чунки, нафақат бирламчи хомашё, ҳаттоки, қайта ишланган иккинчи – ярим тайёр ва учинчи – товар маҳсулотининг салмоғи ҳам, сифати ҳам экинларнинг кластер-



боп навлари, товарбоп ҳосил олишга йўналтирилган янги инновацион агротехнологиялар ва техника воситаларини яратиш ва уларни амалиётга дадиллик билан жорий этишга боғлиқдир. Биз олимлар бу жабҳада деҳқонларимизнинг доимий мададкоримиз.

Пахтақору, ғаллақорларни, зироатчилар, чорвадору томорқачиларни касб байрами – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни – билан табриклайман.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
ҚХМИТИ директор
ўринбосари, «Фидокорона
хизматлари учун» ва
«Меҳнат шухрати»
орденлари соҳиби.



ЭЛ ХИЗМАТИ – ҲОРИТМАС

**Ҳар кунимиз байраму тўй-томошага
йўғрилгани билан қадрли ва фусункор. Ўзбе-
кистон фаровонлик, бахт-саодат ўлкаси,
гостонларда кўйлашга арзирли диёр. Ҳамид
Олимжоннинг:**

**Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур!...**

**— деган ўлмас сатрлари хаёлимдан кетмайди. Осмонига кўёш порлаб, тупроғига
барақа унаётган, деҳқонлари, фермер хўжаликлари, томорқачилари, сувчилари
“Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни”га муносиб тухфа ҳозирлаган ўлкам!**

Истиқлол айёми арафаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида Хоразм вилоят Қўшқўпир туманидаги “Ҳамроҳ” фермер хўжалиги бошлиғи, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Бекдурди Ортиқов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирланди.

“Хонобод” қишлоғида дурадгор уста Саъдулла Ортиқов хонадонда камол топган, болалигидан устачилик билан шуғулланган Бекдурди Ортиқов анча йиллар ширкат хўжалигида ишлади. Бир йигитга қирқ хунар оз деганларидек эшик, ром, мебеллар ясаб сотувчи “Барс” кичик корхонасини очиб, элга беминнат хизмат кўрсатди. Йиллар ўтиб устачиликдан деҳқончиликка йўл олди.

1998 йилда 9 гектар ерда иш бошларкан, меҳнатдан чўчимай хўжаликни юксалтириш ҳаракатига

тушди. 2014 йилга келиб “Ҳамроҳ” фермер хўжалиги ерлари 154 гектарни ташкил қилди. Чорвачиликка, паррандачиликка эътибор қаратилди. Мевали боғ бунёд бўлди, балиқчиликка асос солинди.

Яқинда туманда ўтказилган фермер хўжаликлари бошлиқлари ўқувида “Пахта ва ғалла уруғини етиштириш” борасидаги фикрлари билан тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Йиллар давомида малакаси ошган фермернинг ўз фикри ва мулоҳазаси бор. 40 йилдан ошибдики унинг ҳар бир куни ширин ташвишлар, югур-югурлар билан ўтади. Йўқотишларидан гоҳо қайғуриб, топишларидан севиниб яшаётган фермернинг ўқиган касби курувчи-техник, ўрганган хунари устачилик, ўзи эса элга танилган орденли, унвонли деҳқон.

Ҳозирда хўжаликнинг умумий ер майдонлари 182,9 гектарни ташкил қилади. 7,5 гектар боғ майдонлари мавжуд. 76 гектарга пахта экилган бўлиб, белгиланган ҳосил олинди. 68 гектар ерга экил-

ган ғалладан 160,6 тонна ўрнига, 206,6 тонна ҳосил олинди. Шартнома бўйича 128 фоизи кластер ташкилотга етказилди.

— Қадимда ота-боболари-миз бешиқдан то қабргача илм излаб, хунар ўрганганлар, — дейди Б.Ортиқов. — Мен ҳам ўрганганларимни амалда қўллайман. Хўжаликка курувчи ҳам, техник ҳам, деҳқон ҳам керак. Керак бўлса трактор рулига ўтираммиз, ер сураммиз, текислайммиз.

Хўжаликнинг бу йилги умумий даромади 4 млрд. 10 млн. 400 минг сўмни, соф фойда эса 862 млн. 200 минг сўмни ташкил қилди. Ҳаёт бу қаҳрамонимизни оддийликдан мураккабликка томон ҳаракатга ундади. Бироқ унинг чеҳрасида соддалик, ишчанлик уфуриб туради. Асл деҳқон у, имтиҳонни далада топширадиган, кунни тунга улаб меҳнат қиладиган юрт фарзанди у.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: юксак унвон соҳиби, “Ҳамроҳ” фермер хўжалиги раҳбари Бекдурди Ортиқов.

ДЕҲҚОНДАН ДЕҲҚОНГА ТИЛАКЛАР

Бугун аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар сабаб, юртимизда деҳқончилик маданияти яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришга, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, кўплаб миришкорлар фермерликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромадлар топаётир ва ердан самарали фойдаланиб, оиласи фаровонлигини ошириш ба-робарида, бозорларни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Албатта, соҳада фидойилик билан касбини ардоқлаб, ўзи ҳам касбидан эъзоз топаётган ва кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётган миришкорлар бисёр. Қизилтепа туманида ана шундай ташаббуслар кўрсатиб, фидойилиги билан атрофидагиларга ўрнак ва намуна бўлаётган Ўртачўл ҳудудида 23 йилдан буён “Валиобод” фермер хўжалигини бошқариб келаётган “Эл юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Раъно Валиева ҳам меҳнатидан барака топганлардан. Ҳозирда опа 100 гектарга яқин экин майдонида деҳқончилик қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

– Юртимизда бошқа кўплаб касб эгалари катори фермер аёллар ҳам фидойилик билан фаолият юритмоқда. Бугун, шубҳасиз, уларнинг манфаатларини муҳофазалашнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада, фермер аёллар пахта, ғалла етиштиришда, умуман, қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида катта муваффақиятларга эришмоқда, – дейди Раъно Валиева. – Фермер хўжалигимизда 52 гектар ғалла, 30 гектар пахта майдонида деҳқончилик қиламиз. Очиғи, илгари оддий қишлоқ аёлининг мулк эгаси бўлиб, бундай ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Президентимизнинг яқинда вилоятимизга амалга оширган

ташрифи давомида, биз каби қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатини эътироф этганлиги ва бизга билдирган ишончи қаддимизни янада тоғдек кўтарди, бизга шижоат бағишлади. Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда мен катта кўтаринкилик билан нишонланаётган “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан барча заҳматкаш фидойи касбдошларимни табриклаб қоламан.

Бу йил Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани миришкорлари учун ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса, пахтачиликда юксалиш йили бўлди. Бунга асосий омил бир неча йилдан буён туманда пахта етиштириш технологияси замон талабларига мос тарзда ислоҳ қилиниб, ғўза парваришида инновацион технологияларни қўллаш ва қўл меҳнатини камайтиришга этибор қаратилганлиги ва, энг асосийси, ҳудудда тажрибали пахтакор Ўзбекистон қаҳрамони Аваз Ҳосилов каби ўз ишининг билимдонлари борлигидир.

– Кейинги йилларда туманимизда эски чигит экиш сеялкаларидан воз кечилиб, хориждан келтирилган 116 та



замонавий аниқ экиш (пневматик) сеялкалари ёрдамида тўлиқ туксизлантирилган чигит экишни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, униб чиққан ғўза ниҳолларига ишлов беришда маҳаллий культиваторлар билан бир қаторда, Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий ва фрезали культиваторлардан фойдаланилади. Ғўза парваришида суғоришнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, сув таъминоти оғир майдонларга томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Аввало, Яратганнинг берган баракаси ва ана шу ҳаракатларимиз самараси, яратилган шароит, жорий этилган янгиликлардан унумли фойдаланиб меҳнат қилаётган туманимиз пахтакорлари мўл ҳосил яратиш келмоқда, – дейди Ўзбекистон қаҳрамони Аваз Ҳосилов. – Мен жорий йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритаётган туманимиз аҳлини, барча юртдошларимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами билан қутлайман. Келгуси йиллар ҳам ҳосиллар мўл бўлиб, юзимиз ёруғ бўлсин!

Албатта, эътироф этиш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча фидойиларнинг заҳматли меҳнати сабаб, экинлар ҳосили салмоғи ортмоқда, тармоқлар ривожланмоқда, экспорт ҳажми ортиб, пировардида ҳудудларнинг моддий манфаати, фаровонлиги, равнақи ва эртанги кунга бўлган умиди ошмоқда.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда:

- 1) “Эл юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Раъно Валиева;
- 2) Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Ҳосилов фарзандлари билан.

НАВБАТ ТАДБИРКОРЛИККА

Мастурахон Пўлатова. Бу ном Олтиариқликлар орасида маълум ва машҳур. Хўжалик ҳудудига кириб борар эканмиз, пахтазор оралаб юрган жиккаккина, серғайрат аёл кутиб олди. Гарчи 60 ёшларни қоралаб қолган бўлса-да, ҳаракати, сўзлашидан 50 ёшлар атрофида бўлса керак деган фикр ўтади ҳаёлингиздан. “Олтинкўз” фермер хўжалиги раҳбари, “Ўзбекистон республикаси илғор фермери” кўкрак нишони соҳибаси Мастурахон опа билан суҳбатлашар эканмиз, унинг қишлоқ хўжалигида олиб бораётган фаолияти ҳақида сўрадик.

— Далада меҳнат қилаётганимга ҳам эллик йилдан ўтибди, — деб сўз бошлади опа. — Аввалига оддий ишчи, сўнгра тракторчи, бригадир, ҳатто, дефолиацияни амалга оширувчи самолёт учувчиси бўлиб ишладим. Чунки ўша пайтларда рус учувчилари дефолиация майдонини адаштириб, пахта теримчилари устидан ҳам дори селиб кетишаверар эди. Кейинчалик хўжалигимда Олтинкўз, трихограмма, бракон каби фойдали ҳашаротлар етиштириб, туманимиз фермерларига тарқата бошладим.

Ҳозир ишчиларимиз билан 67 гектар экин майдонида фаолият олиб бормоқдамиз. 45 гектар экин майдонида агротехник ишловлар бериб, Аёллар, Темир ва Ёшлар дафтарларида турувчи фуқароларга аукцион асосида уч йиллик шартнома билан бир гектардан ажратиб бердик. Жорий йил 12 гектар экин майдонида ғалланинг “Таня” навини экиб, ҳар гектар майдондан 60 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдик. Режадан ортган 20 тонна ғаллани 30 нафар доимий ишчиларимизга тақсимлаб бердик. 15 гектар майдонга экилган С8290 навли пахтаимиз ҳам ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил



бериб, янада қувончимизга қувонч қўшди. Хўжалигимизда бир нечта бўш турган бинолар мавжуд. Туманимизда узумчиликнинг янада ривожланишини инobatга олган ҳолда узум махсулотларини консервалашни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун туман хокимлигига ариза билан мурожаат қилганмиз: яқин кунларда инвесторларни жалб қилиш кўзда тутилган.

Фермер билан суҳбатлашар эканмиз, унинг кўзидаги ғайрат ва шижоатини кўриб қойил қолдик. Ҳа, Олтиариқликлар шунақа, ким билан гаплашсангиз, олдига қўйган эзгу мақсади бор. Зеро, ҳар бир эзгу мақсаднинг замирида юрт тинчлиги, ободлиги ва дастурхон тўкинлиги ётади. Мастурахон опанинг эзгу мақсадлари, албатта, рўёбга чиқишини тилаб хайрлашдик.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: — Мана буни пахта деса бўлади, — дейди “Олтинкўз” фермер хўжалиги раҳбари Мастурахон Пўлатова (Сурат пахта терими даврида олинган).



Конституциямиз қабул қилинганнинг 30 йиллиги ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан барча юртдошларимизни табриклаймиз.

Халқимиз дастурхонини тўкин, мамлакатимизни обод қилишдек шарафли ва хайрли ишларингизга зафарлар тилаймиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ жамоаси

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ, БОҒЛАРНИ ВАҚТИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИБ ТУРИНГ

**Боғ ва токзорларда декабрь ойида
бажариладиган агротехник тадбирлар**

Бу йил фермер ва деҳқон хўжалиklarининг боғ ва токзорларида мўл мева-узум ҳосили етиштирилди. Келаси йили ана шу боғ ва токзорлардан янада мўл ва сифатли ҳосил олиш учун замин тайёрлаш керак.

Ноябрь ойи ёғингарчиликлар кўп бўлганлиги боис декабрь ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, боғ-токзорларда кузда қатор оралари ҳайдалмай қолган бўлса, ҳайдашдан олдин боғ қатор ораларига 10-15 тонна маҳаллий ҳамда минерал ўғитлардан 90-120 кг соф ҳолда фосфор ўғити солиб, 25-30 см чуқурликда ҳайдалади.



Янги боғ ва токзорлар барпо қилиш учун ажратилган ерларга 30-40 тонна маҳаллий ўғит (гўнг) ҳамда 300-400 кг фосфорли ва калийли ўғитлар солиб, тупроқ 40-50 см чуқурликда ҳайдалади. Агар боғ-токзорларга ажратилган ерлар шўрланган бўлса, декабрь ойида гектарига 10-12 минг метр куб ҳажмида сув сарфланиб, тупроқ яхшилаб ювилади.

Ҳосилли боғларда дарахтларнинг ҳолати ва улардан юқори ҳосил олишда асосий агротехник тадбирлардан бири – бу қиш ойларида гектарига 1500-2000 минг метр куб ҳажмида яхоб суви берилиб, 4-5 кун давомида суғорилади.

Яхоб сувини сифатли ичган боғларда дарахтлар ва токзорларнинг асосий

илдизлари жойлашган 1,5-2 метр чуқурликдаги тупроқ қатлами тўлиқ намланади. Бу ўсув даврида 1-2 та суғоришни қисқартиради, яъни 700-1400 метр куб ҳажмдаги сув тежалади. Шўрланган ерлар атрофидаги коллектор ва зовурлар тозаланади. Об-ҳаво иссиқ кунлари жанубий минтақаларимизда катта ёшдаги уруғли мевали дарахтларга шакл бериб, буташ ишларини бошланса ҳам бўлади. Биринчи галда катта ёшдаги олма, нок дарахтлари буталади.

Ҳаво очик ва илиқ кунларда боғларни зараркунанда ва касалликлар захираларига қарши ишлов ноябрь ойи учун кўрсатилган тавсифлар асосида бажарилади.

Боғларни дорилашда кейинги йилларда кам тарқалган монилюоз, клястероспориоз, парша, дарахт таналарини шикастлайдиган рак касалликларига қарши ишлов беришга жиддий эътибор берилади. Касаллик юқумлари дарахтлардан тўкилган баргларида сақланади. Шунинг учун барча боғларда дарахт атрофидаги тупроқ ағдариб чопилади ва шу йўл билан тўкилган барглари йўқотилади.

Қорағатзор ва малиназорлар декабрь ойида тупроқ намига қараб бир марта яхоб суви 1200-1500 метр куб ҳажмда берилади. Малинанинг илдизи тупроқнинг юқори қисмига яқин жойлашганлиги туфайли тупроқда намни сақлаш мақсадида малина тупи тагига органик ўғит (гўнг) солиб мулчланади. Бунда тупроқда нам тўлиқ сақланиб,

илдизлари озиқланиб, келаси йили мўл ва сифатли ҳосил беради.

Қишнинг илиқ кунларида жанубий минтақалардаги кўмилмайдиган токзорларда токларни кесиш, шакл бериш ишлари олиб борилади.

Токзорларда таъмирлаш ишлари, темир бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб тўғрилаш ишлари бажарилади. Токзорлар қатор ораларига 10-15 тонна маҳаллий ўғит (гўнг) солиниб, 25-30 см чуқурликда ҳайдалади. Декабрь ойининг иккинчи ярмида токзорлар гектарига 1200-1500 метр куб миқдорда яхоб суви билан 3-4 марта суғорилади.

Омборхоналарга узоқ муддатга сақлашга қўйилган мева-узум маҳсулотлари ҳар кун қўздан кечирилмади. Омборхона ичидаги ҳавонинг нисбий намлиги назорат остида бўлади. Ҳаво ҳарорати 0+5°C, нисбий намлик 85-90% бўлиши керак. Агарда ҳавонинг нисбий намлиги камайиб кетган бўлса, хоналарга сув сепилади, кечаси деразалар очилиб, ҳароратни пасайтиришга ҳаракат қилинади. Энг асосийси, омборхоналар ҳар ҳафта олтингургурт ёқиб тутатиб (дудланиб) турилади. Мева қоқилари, туршаклар ва майиз сақланаётган хоналар, ҳам албатта, юқорида тавсия этилганидек, ҳар 6-7 кунда олтингургурт билан дудланиб турилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф.ф.д. (PhD),

Академик М.Мирзаев номидаги
БуваВИТИ катта илмий ходими,
Мевали дарахтлар селекцияси ва
нав ўрғаниш бўлими бошлиғи.

МАШИНАЛАРНИ

АВАЙЛАБ САҚЛАЙЛИК

Мамлакатимиздаги пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, шолчилик, мева-сабзавотчилик кластерларининг машина-трактор парклари "EUROPAL

8(3+1) N100" русумли тўрт корпусли айланма плуглар, "RUBIN 9/250U" типидagi диски бороналар, "ZIRKON 7/250" русумли комбинациялашган ер тайёрлаш машиналари, VP-1 пахтачилик-боғдорчилик пуркагичлари, "Кейс-1200" пахтачилик, SL 360 "MASCHIO GASPARD0" ғаллачилик ва "SFOGGIA" сабзавотчилик сеялкалари, "DOMINATOR-130" ғалла ва "ЕНИСЕЙ 1200 НМ" шולי комбайнлари, МХ-1,8 вертикал, "ЖонДир" ва "КейсНьюхолланд" компанияларининг горизонтал шпинделли пахта териш машиналари каби замонавий техника воситалари ҳисобиға кенгайиб бормоқда. Бу техника воситаларининг конструкциялари мураккаб: электрлашган, электроника, гидравлик, автоматик қурилмаларға эға, қимматбаҳо резина ва металлдан тайёрланган детал ва қисмлар ўрнатилган, гидравлик ва механик узатмалар билан жиҳозланган.



Далачилик ишлари ниҳоясига етган бугунги кунларда бундай қимматбаҳо техника воситаларини баҳорги мавсумғача авайлаб сақлаш, бунинг учун уларни сақловға тўғри тайёрлаш ва қўйиш талаб этилади.

Плугларни сақловға тайёрлаш. Плуг бетонланган ёки асфальтланган, яъни қаттиқ юзали майдончаға олиб келинсин; лемех, ағдаргич ва бошқа узеллар тупроқ, лой ва ўсимлик қолдиқларидан тозалансин ва босим остидagi сув билан ювилсин; лемехлар, ағдаргич ва чимқирқарлар, дала доскалари, дисксимон пичоқ, гидроцилиндрлар штоги ва резьбали бирикмаларнинг ишчи сиртлари ПВК ихота мойлари билан қоплансин; лемехлар остига тахта тагликлар, рама учига тиргақ қўйилсин.



Пахта ва ғалла сеялкаларини сақловға тайёрлаш. Сеялка чангдан, тупроқдан, чигит ёки дон қолдиқларидан тозалансин, босимли сув билан ювилсин ва қисилган ҳаво пуфлансин; барча ғилдирак гупчаклари, подшипниклар ва узатмалар таянчлари, сошниклар, тарангловчи роликлар ва бошқа ишқаланувчи юзалар солидол билан ёғлансин; майдонлар текширилсин, тозалансин, яроқсизлари алмаштирилсин; тасмалар, зинжирлар ва уруғтказгичлар ечиб олиниб, тозалансин, ваннаға солиниб ювилсин; занжирлар 80-90 градусға қизиган дизель ёнилғиси билан 20 ми-

нут давомиди ваннада ювилсин; тасмалар текширилсин, яроқсизлари алмаштирилсин, созларига тальк кукуни сепилсин ва омборға топширилсин; уруғ бункерлари, маркер дисклари ва бошқа қисмлар сиртидаги занглар қириб ташлансин, жилвир қоғозлар билан тозалансин, ҳаво ёрдамида пуфлансин; сошниклар, экиш аппаратлари, ҳаракат узатувчи юлдузчалар, таянч ғилдиракларнинг сиртки қопламалари ва бошқа занглайдиган жойлар мойлансин; барча пружиналардаги тарангликлар йўқотилсин; сеялка рамаси тиргаққа қўйилсин, шинадаги ҳаво босими 30 фоизға камайтирилсин, сиртига АКС-4 алюминий бўёғи суркалсин ва тиргақ билан ердан кўтарилсин.

Культиваторларни сақловға тайёрлаш. Детал ва узеллар чангдан, тупроқдан, бегона ўт ва минерал ўғит қолдиқларидан тозалансин. Культиватор тепаға кўтарилсин, босимли сув билан ювилсин; майдонлар текширилсин, солидол юборгич ёрдамида эски мой янгисига алмаштирилсин, бунда мой тирқишлардан сизиб чиқсин; занжирлар ва ўғитўтказгичлар ечиб олинсин, ювиб, тозалансин, НГ-204 ҳимоя мойи суркалсин ва омборға топширилсин; ўғит солиш аппаратининг банккалари ва ҳамма деталлари ўғит қолдиғидан тозалансин. Экиш тарелкаси ва регулятори, ричағ ва шкала, тишли ғилдираклар, ҳаракат узатувчи валиклар ва банканинг ички сиртига ҳимоя ёғи суртилсин. Банккалар қопқоғи зичлаб бекитилсин; деталлар сиртлари зангдан тозалансин, ҳаво билан пуфлансин ва ПЭВ-74 мойи суркалсин; ишчи органлар, резьбали бирикмалар, детал ва шарнирларнинг ишқаланиш сиртлари, ишчи органлар ва осии механизми секциялари, таянч ғилдираклари сиртлари тозалангандан кейин ҳимоя ёғлари билан қоплансин.

Ғалла комбайнларини сақловға тайёрлаш. Барча дарчалар ва ҳимоя кожухлари очилсин. Комбайнни 10-15 минут ишлатинг — ичкаридаги дон ва ўсимлик қолдиқлари ташқарига чиқиб кетади; мой босган жойларни эритмаларнинг бири билан ювинг; электр ускуналарини полиэтилен



плёнкалар билан ғилофланг, радиаторнинг химоя тўрини ечиб олинг, босимли сув билан ювинг; двигатель картеридagi эски мойни тўкинг. Филтрлар, форсункаларни қиздирилган дизел ёнилғиси билан ювинг. Картерга 80 фоизи дизел ёнилғиси ва 20 фоизи мотор мойдан иборат эритмани қуйинг. Двигателни 10-15 секунд давомда салт ишлатгандан кейин бу суюқликни тўкиб ташланг, ўрнига янги мотор мойини қуйинг; тезликлар қутиси, кетинги кўприк ва охири узатмалар картеридagi эски мойларни ҳам шу тартибда алмаштиринг; занжирларни ечиб олиб, 90-100 ҳароратдаги дизел мойида 10-15 минут қайнатинг. Уларни мойдан олиб тўрли ваннага солинг ва мой қолдиқлари сирқигандан кейин ваннадан олиб қуритинг. Тоза занжирларни калавалаб сим билан боғланг, сўнгра мой шимдирилган қоғозга ўранг ва омборга топширинг; тасмаларни зангдан тозаланг, иплари чиқиб кетган, моғор босган жойларини 2 фоизли формалин эритмасида дезинфекцияланг, мой доғларини бензин шимдирилган латта билан артиб кетказинг, тасмаларни қуритинг, устига тальк сепинг. Олиниши қийин бўлган тасмаларни жойида артинг, совунли илиқ сувда ювинг, қуритиб, АКС-3 алюминий бўёғини сурканг. Шкивлар ва роликларнинг иш сиртларига зангдан химояловчи мой суртинг; жатка сегмент пичоғини ечиб олинг, тозаланг, химоя мойидан суртинг, ёғоч ғилофга жойлаштириб, омборга топширинг. Қия камерани тозаланг, транспортёр таранглигини камайтиринг, винтларга, занжир ва тароқларга химоя мойини суртинг. Жатка корпусини мувозанатловчи механизм пружинаси таранглигини камайтиринг; барча элеваторларнинг қопқоқларини очинг, шнеklar ва куракчаларни кирдан тозаланг. Ғалла бункерининг ичини ва шнеklarни дон қолдиқлари ва кирдан тозаланг. Ғалла бўшатиш шнеги учини ва резина тарновни полиэтилен плёнка билан ғилофланг ва сим билан боғланг; двигатель ҳаво тозалагичи деталларини ечиб олиб ювинг, жойига қайтадан ўрнатинг. Ёнилғи филтрини ювиб тозаланг. Картерлардаги тиқинни бўшатиб, эски мойни тўкиб ташланг, ювувчи суюқлик қуйиб чайқатинг, сўнгра уни тўкинг. Корпусларни 5 фоизли АКOP-1 қўшилмаси аралаштирилган янги мотор мойи билан тўлдиринг. Тутун чиқариш ва ҳаво тозалагич трубалари ва бошқа қисмлардаги тешиklarни тиқинлар билан зичланг; аккумулятордаги электролит зичлиги ва сатҳини меъёрига етказинг. Генератор ва стартер сиртлари, коллектор ва шлицаларини ҳаво билан тозаланг. Клеммаларни мойланг; гидросистема бакига 30 градусгача илитилган ва 5 фоизли АКOP-1 қўшилмаси аралаштирилган мой қуйинг. Гидроцилиндр штокларига ПВК химоя мойидан, шлангларга алюминий бўёғидан сурканг; шиналардаги ҳаво босимини 30 фоизга камайтиринг, сиртига АКС-4 алюминий бўёғидан сурканг. Шиналарни тиргак ёрдамида ердан озгина кўтариб қуйинг.

МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарини сақловга тайёрлаш. Терим аппарати ва вентиляторни очиқ жойда

3-5 минут ишлатинг, бункерга йиғилган қолдиқ пахталарни тозалаб олинг. Бункер қопқоғи ва тўрларига илиниб қолган пахта толалари ва хас-чўпларни қўлда олиб ташланг; вентиляторни ўчириб, аппаратнинг ҳамма эшикчаларини жойидан ечиб олинг, аппаратни 5-10 минут ишлатиб, босимли сувда тўрт томонидан ювинг. Шпинделлар, ажраткич чўткалар ва вентилятор парракларига ёпишиб қолган пахта толалари ва чиркларни қирғичлар ёрдамида тозалаб ташланг. Эшикчаларни жойига ўрнатинг.

Пахта териш машинасини ёпиқ бино ичига ҳайдаб қиринг.

Агар зарур бўлса, тракторни ажратиб олинг.

Машинанинг чап ва ўнг бўйлама рамалари бошларининг остига мустаҳкам тагликлар қўйилсин. Уларнинг баландлиги шундай танлансинки, бунда рамалар ер юзасига параллел ҳолатда бўлсин.

Аппаратдаги иккита редукторнинг қопқоқлари очилсин, ичидаги эски мой олиб ташлансин, дизел ёнилғиси билан ювилсин, янги мой солинсин ва қопқоғлар беркитилсин.



Пневмосистема вентиляторлардаги иккита тасма ва шпинделларни тўғри айлантирувчи саккизта понасимон тасмалар ечиб олинсин, яроқсизлари чиқитга чиқарилсин. Яроқли тасмалар совунли сувда ювилсин, қуритилсин ва жойига ўрнатилсин.

Шпинделларни тескари айлантирувчи саккизта понасимон тасмалар (тескари айлантирувчи колодкалар)нинг созлари жойида қолсин, фақат тасмалар сиртига тальк кукуни сепиб қўйилсин.

Аппаратнинг қўзғалмас ва қўзғалувчан секцияларини бири-бирига тортиб турувчи пружиналар бўшатилиб, эркин ҳолатга келтирилсин.

Агрокластер муҳандислари ва фермерлар плуг, борона, сеялка, култиватор каби оддий машиналарни бостирма остида, трактор, ғалла комбайни ва пахта териш машинаси каби мураккаб техника воситаларини ёпиқ бинолар ичида сақлаш чораларини кўрмоқлари керак.

Шундай қилиб, машиналар тўғри сақланса занглашнинг олди олинадиган (қишлоқ хўжалиги машиналарининг 70-80 фоиз деталлари очиқ ҳавода занглаш туфайли ишдан чиқади), резина деталлари (тасмалар, втулкалар, шланглар) емирилмай, соз ҳолатда туради, машинани келгуси мавсум учун тайёрлашда кам эҳтиёт қисм талаб этилади, маблағ тежалади, энг муҳими, машина янги мавсумга соз ҳолатда етиб келади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор (ҚХМЭИ).

ТОМОРҚАЛАРДА ҚАЙСИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Шу нарсани унутмаслик керакки, касаллик келтириб чиқарувчи микроблар ва зараркунанда ҳашаротларга қарши фойдаланиладиган кимёвий заҳарли моддалар пестицидлар деб аталиб, ҳаммаси ҳам инсон соғлиги учун зарарлидир, фақат улар ўта кучли, ўрта ва кучсиз заҳарлилиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳар қандай пестицидлардан фойдаланилганда қайси экинларга қандай, қачон ва қанча миқдорда сарфланишини олдиндан билиш зарур. Бунинг учун шу пестицид қўлланимасини ўрганиб чиқиб, фойдаланиш чора-тадбирлари-га риоя қилган ҳолда фойдаланиш керак.



Томорқачиларимиз нисбатан тушунча ҳосил қилишлари учун пестицидларнинг сувдаги эритмаларини тахминий сарфлаш миқдорлари ҳақида тўхталамиз, Мисол учун, карбофоснинг 10% ли концентрацияси ёки 10% ли сувда эрувчи порошогидан ишчи суюқликлар тайёрлаганда, 10 литр сувга:

- олма, нок, беҳи ва узум тоқлари учун 75-90 грамм;
- олхўри, гилос, олча, дон экинлари, малина, манзарали гуллар учун 75 грамм;
- ўрик, шафтоли учун 60 грамм;
- сабзавот ва полиз экини учун 60 грамм;
- тамаки экини учун 100 грамм эритилади.

Ҳосил қилинган сувли эритмаларни экин турларига қараб қуйидагича миқдорларда сарфлаш мумкин: олти ёшгача бўлган ёш дарахтларга 2 литр, катта мевали дарахтларга 10 литр, малина ва бошқа дарахтларга 0,2 литрдан 1,0-1,5 литргача, 10 метр квадрат ердаги кулупнайга 1,5 литр, 10 метр квадрат ердаги картошка ва сабзавотларга 1 литр, бодринг ва помидор учун 2 литр, 10 кг картошка уруғлигини зарарсизлантириш учун 1 литр сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳосил пишиб етилгунга қадар, карбофос билан томорқада экинларга охириги мартаба ишлов бериш: ток учун 45 кун, полиз ва дон экинлари учун 20 кун, қолган экин ва мевали дарахтлар учун 30 кун қолганда ўтказилади. Ҳар бир кимёвий ва биологик воситаларни ишлаб чиқарувчи фирмалар заҳарли моддаларни сотувга чиқаришда фойдаланиш бўйича қўлланималар билан таъминлайди. Ушбу қўлланималарда қайси экин турларини ҳимоя қилиши учун ишлатилиши, қайси зараркунанда ёки касалликларга қарши ишлатилиши, 1 гектар ерга қанча миқдорда сарф этилиши кераклиги, 10 литр сувга аралаштириш кераклиги ёки 1 гектар ерга қанча миқдорда ишчи эритмаси сарф қилиниши, ишлатиш муддатлари ва усуллари, ҳосилни йиғишга қанча вақт қолганда ишлов беришнинг тугалланиши зарур бўлган кун ҳамда бир мавсумда кўпи билан неча мартаба ишлов бериш мумкинлиги ҳақида маълумотлар қайд этилади.

Акмаддин ИБРОХИМОВ,
Фарғона вилояти Бағдод тумани
“Иттифок” МФЙ ёшлар етакчиси.

Давлат Кадастрлар Палатаси Хоразм вилоят бошқармасининг Янгибозор туман филиали жамоаси

барча юрtdошларимизни, ўзларининг
фидокорона меҳнатлари билан озоd юртимизни
янада обод қилаётган аграр соҳа вакилларини

**8 декабрь – Конституциямиз қабул
қилинганининг 30 йиллиги ҳамда
Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни**

билан табриқлайди.

Обод юртимиз тинчлиги ва осудалигига
асло кўз тегмасин!



СУВНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИГИ ЯРАТИЛДИ

Инсоният тараққиётнинг энг юқори чўққиларига кўтарилган бугунги кунда оби-ҳаётга эҳтиёж муттасил ортиб борапти. Шу боис сувнинг ҳар қатрасини тежаш, ундан унумли ва самарали фойдаланиш йилдан-йилга тобора долзарб тус олмақда.

Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган. Ушбу ҳўжатларда мамлакатда сувни тежайдиган технологиялар қўлланилаётган майдонларни 2030 йилгача 2 млн. гектарга, жумладан, 2023 йилда 800 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилган. Давлат томонидан субсидия ва имтиёзлар яратилиши ҳисобига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар жадаллашиб, бугунги кунга қадар 904,4 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий этилди, унинг кўлами суғориладиган майдонларнинг 24 фоизига етказилди.

Ушбу жараёнда, албатта, сувдан самарали фойдаланиш технологияларини, сув тежовчи суғориш тизимларини жорий қиладиган, уларни ишлатадиган, сервис хизматлари кўрсатадиган малакали миллий мутахассис кадрларга эҳтиёж ортмоқда. Шу боис, сув ҳўжалиги соҳаси учун малакали маҳаллий кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда республикаимиз сув ҳўжалиги соҳасига олий маълумотли кадрлар, асосан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетиде тайёрланади. Шу билан бирга, сув ҳўжалиги йўналишида ўрта бўғин кадрлар тайёрлайдиган 9 та касб-ҳунар коллежи бўлиб, уларда сув тежовчи суғориш тизимларига хизмат кўрсатиш техникларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Айни пайтда соҳа олимлари сувни тежайдиган технологиялар бўйича янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмаларини яратишга киришган. Мана шу жараёнда “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич” доирасида “Сув тежовчи суғориш технологиялари” бўйича ўқув курси мажмуаси ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув курси мажмуаси тўрт китобдан иборат бўлиб, “Сув тежовчи суғориш технологиялари асослари” дарслиги, “Сув тежовчи суғориш технологиялари” ўқув қўлланмаси ва уларга қўшимча сифатида “Сув тежовчи суғориш технологиялари асослари фанидан ўқиш материаллари” тўпламларини ўз ичига олади. Уларнинг барчаси янги ўқув йили арафасида нашрдан чиқарилиб, ўқув юртларига тарқатилди.

– “Сув тежовчи суғориш технологиялари асослари” дарслигида соҳанинг назарий жиҳатлари чуқур очиб берилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирининг
б и р и н ч и
ўринбосари,
сиёсий фанлар

номзоди Комилжон Каримов. – Хусусан, суғориладиган экинлар ҳаётида сув ва тупроқнинг ўрни, экинларни суғоришнинг анъанавий усуллари, экинларни эгатлаб суғоришнинг сув тежовчи усуллари, сув тежовчи босимли суғориш технологиялари, томчилаб суғориш усуллари ва уларнинг аҳамияти, мазкур тизимларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда халқаро лойиҳалар томонидан сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар батафсил ёритилган. Шу билан бирга, соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатларга ҳам шарҳ берилган.

Экинларни парваришлашнинг сув тежовчи босимли суғориш усуллари қўллашда кўзланган самарага эришиш учун уни татбиқ қилувчи ҳар бир қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиси сув тежовчи босимли суғориш усуллари тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиши ва суғориш тизимларини тўғри ишлатиши лозим. Масалан, пахта парваришида сув тежовчи босимли томчилатиб суғориш усулини қўллаш натижасида пахта ҳосили эртарақ ва бир вақтда пишиб етилишининг ўзиёқ нафақат ҳосилни иссиқ кунларда қийналмасдан йиғиштириб олиш, балки ҳосили эрта йиғиштириб олинган далада кейинги тадбирларни ҳам ёруғ ва қуруқ кунларда ҳеч қийинчиликсиз амалга ошириш имкониятларини яратади.

– Замонавий сув тежовчи суғориш тизимларига ижодкорона ёндашиш, уларни такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш масалалари кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда ва буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси Равшан Мамутов. – Шу маънода, “Сув тежовчи суғориш технологиялари асослари” номли дарслик ва ўқув қўлланмалари суғоришнинг сув тежовчи усуллари кенг қамраб олган, мукамал ўқув мажмуаси сифатида яратилди. Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги касб-ҳунар коллежларидан тортиб, соҳа учун олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган таълим даргоҳлари, илмий-тадқиқот институтлари тадқиқотчилари учун ўта қимматли маълумотларни ўзида жамлаган.

Мухтасар айтганда, мазкур ўқув қўлланмалари мамлакатимизда ресурстежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш илмини такомиллаштириш йўлида ташланган янги ва залворли қадамлардан бири бўлди. Шу билан бирга, соҳани тарғиб қилиш, такомиллаштириш, сувни тежайдиган технологияларга қизиқиб, уни жорий этмоқчи бўлганларга муҳим қўлланма сифатида асқотади.

Матлуба МУҲАМЕДОВА.





“КЕГЕЙЛИ” КАНАЛИДА ИШЛАР ЯКУНЛАНМОҚДА

Ўлкамизнинг қай томонига нигоҳ ташласангиз ҳам матонатли инсонларга дуч келасиз. Қорақалпоғистон сув хўжалиги вазири Адилбек Римбаев айтганидек режадаги вазифаларни тугаллаш арафасидаги “Кегейли” каналидаги ишчилар ҳаётини ўрганиш иштиёқи билан Чимбой тумани қайдасан, деб йўлга отландик. Ҳамроҳимиз сув хўжалигида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Эрсуйди ака йўл бўйи олиб борилаётган иш тафсилотлари билан таништириб борди. Нукусдан Чимбойгача 60 км йўл босдик чамаси ва кўзланган манзилга етиб келдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь кунги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида лойиҳалаштирилган “Кегейли” каналининг ПК 471+00 гача қисмини реконструкция қилиш (бетонлаш) ишлари давом этаётган манзилда бўлдик. Каналнинг икки томонига ташланаётган сеткалар атрофини тўсиқлаб, қора қоғоз билан ўраётган ишчи-ходимларнинг тинимсиз ҳаракатларини кузатамиз. Улар тўғрисида келиб тўхтаган бетон ташувчи машина ва қоришмани олиб сетка устига ташловчи экскаватор келиши билан қўлларидаги белкураклар билан қоришмани текис ёйишга интилардилар. Қишнинг изғиринли, совуқ об-ҳавосини писанда қилмай матонат билан ишлаётган йигитларга омад тилаб, уларнинг бир дамлик иш фаолиятини суратга муҳрладик.

“Кегейли” асосан Чимбой туманининг марказидан ўтайдиган канал ҳисобланади. Объектнинг қиймати 12 млрд. 237 млн. 394 минг сўм, шундан қурилиш монтаж ишлари 11 млрд. 443 млн. 520 минг сўм. ни ташкил қилади. 2020 йил 18 апрелдаги 51/3-20- сонли тендер натижаларига кўра пудратчи ташкилот “Бунёдкор Мерос” МЧЖ (раҳбари Сардор Абдурамонов) билан буюртмачи “Қорақалпоғистон сувқурилишинвест” давлат муассасаси билан шартнома тузилган.

Бу ерда 2 та экскаватор, 2 та бетон машина, 2 та автосамосвал, 1 та юкловчи, 1 кран, 1 донна БСУ агрегати 30 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Жадаллаштирилган график асосида давом этаётган иш жараёни 15 декабрга тугаланиши керак. Тажрибали ишчилардан Қоржов Туракбаев, Мирзабой Холмедов, Азат Матқулбаев, Азамат Холбаевлар кунига 70 куб бетон ишларини амалга оширмоқда.

Бу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида канал қиялиги паст бўлган туман марказида сув тезлиги ошиб, Чимбой туман марказидаги 1750 та турар жой ва бошқа ижтимоий-иқтисодий объектлар ва бозор ҳудудида ерости сизот сувларининг

– Биз каналнинг ПК-471 дан ПК-496 гача қисмини реконструкция қилиш учун иш олиб боряпмиз, – дейди 6 йилдирки участка бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Қовендер Жарекеев кўлини каналнинг иш давом этаётган томонига чўзиб кўрсатаркан. – Ҳозиргача 9 млрд. 402 млн. 281 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Мана бу қолган 500 метр қисмини йил охиригача яқунлаб, ишни топширамыз.



сатҳи пасаяди. Шунингдек, сувнинг шимилиши камайиши натижасида каналдан сув олувчи “Абат жап” ва “Бег жап” каналларини лойқа босиши камайиб, жами 31627 гектар фермер ва бошқа ер майдонларига кафолатли сув етказиб бериш ва сувдан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилади. Демак, бу қилинаётган ишдан катта натижа кутилмоқда. Қорақалпоғистонлик матонатли сувчилар, ирригаторларнинг бугунги самарали меҳнати келгуси йилларда ерлардан самарали фойдаланишга замин яратади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗАНИ МУСТАҲКАМ ДАРЁ

РАВОН ОҚАДИ



Жиззах худудида Сангзор деб номланган мўъжазгина дарё мавжуд. Туркистон тоғлари бағридаги булоқлар сувидан ҳосил бўладиган бу дарё салкам 200 чақирим “йўл босиб”, номи “Бобурнома”да қайд қилинган ваҳшатли дара – Илон ўти (айрим манбаларда Тему́р дарвоза)дан ўтади ва Жиззах воҳасининг каттагина қисмини оби-ҳаётга қондиради.

Сангзор ўзи кичик бўлса-да, шарқираган, ўйноқи дарё. Денгиз сатҳидан салкам 3 ярим минг метр баландликдан тушадиган сувлари ўз оқимиға қарши чиққан ҳар қандай тош, гил ва тупроқни парчалашға қодир. Шунинг учун ҳам унинг ўзани тез-тез ўзгариб туради, қирғоқлари емирилади. Фанда абразия, деб номланган ушбу ҳолат, айниқса, ёгингарчилик ва сел келиши жуда кўп бўлган жорий йилда яққол кўзга ташланди.

Ана шундай жараёни, айниқса, сув йўлининг айнан Илон ўти дарасига кираверишдаги қисмида яққол кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу йил бир томони республика миқёсидаги автйўл, иккинчи тарафи эса, темир йўл бўлган дарё қирғоғининг ана шу 2 ярим километрлик қисмини мустаҳкамлашға қарор қилинди.

– Бизнинг зиммамизға масъулиятли вазифа юкланди, – дейди “Мирзачўл махсуссупдурат” МЧЖ раиси Шухрат Аманов. – Дарё асоси ўз номи билан фақат тошлоқдан иборат, бунинг устиға, ундан озми-кўпми сув мунтазам равишда оқиб туради, қирғоғи турли даражада емирилиб кетган. Ана шу мураккабликларға қарамасдан, ишларни муддатидан анча аввал, декабрь ойининг ўрталарига якунлашни кўзлаб турибмиз. Умумий қиймати 5 ярим миллиард сўмни ташкил қилган ушбу ишларға ёрдамчи пудратчи корхоналар – Жиззах ва Учтепа “Махсуссупдурат” МЧЖ жамоалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтаман.

Сув объектларини барпо этиш борасида ўзига хос тажриба ва кўникмаға эга бўлган мазкур бунёдкорлик жамоалари томонидан объектдаги ишларни амалға ошириш учун 8 та экскаватор, 2 та бульдозер, 10 га яқин юк ташиш машиналари, 55 нафардан ортиқ ишчилар жалб қилинган.

– Муҳим ишға ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнун-

миз, – дейди “Натурал рокк” МЧЖ раҳбари Зафар Саримсоқов. – Дарёдаги ишлар учун қуниға ўзимизға тегишли техникалар ёрдамида 200 куб метрга яқин бетон етказиб беряпмиз.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз: дарё ўзанини мустаҳкамлаш учун ётқизиладиган бетон қопламанингда янада пишиқ бўлиши учун инновацион маҳсулот – базальт арматуралар ишлатилапти. Аҳамиятли томони, ушбу муҳим қурилиш ашёси ҳам Жиззах вилоятининг ўзида, Фориш туманидаги корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда.

– Базальт арматуранингда афзалликлари жуда кўп ва катта, – дейди “Жиззахсувқурилишинвест” давлат муассасаси бош муҳандиси Убайдулла Мамараҳимов. – У мутлақо зангламайди, чиримайди. Сув ва намгарчиликни писанд қилмайди. Пулат арматурадан 4-5 марта енгил бўлгани учун ундан фойдаланиш, яъни транспортта ортиб-тушириш, объектта ташиб бориш, энг тор ва қийин худудларда ҳам ишлатиш осон.

Сангзор дарёси Шароф Рашидов тумани худудига киргач, “Эски туятортар” каналиға қўшилиб кетади. Сўнг бир ирмоғи Жиззах сув омборига қараб йўл олса, иккинчи тармоғи “Туятортар-Қили” ИТБға қарашли каналлар ва ариқлар орқали туман далаларига тақсимланади. Дарё қирғоғини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар якуниға етгандан кейин 20 минг гектардан ортиқ майдонни суғорадиган сувнинг равон оқишиға, экинзорлардан олинандиган ҳосилнинг янада мўл бўлишиға замин яратилади.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратларда: Сангзор дарёси қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларидан лавҳалар.




**30
ЙИЛ**

Азиз юрtdошлар, аграр соҳа
ходимлари, деҳқону фермерлар,
барчангизни Конституциямиз
қабул қилинганлигининг

*30 йиллиги ва
Қишлоқ хўжалиги
ходимлари*

куни билан самимий
табриклаймиз.

Халқимиз дастурхони
ҳамиша тўкин, деҳқончили-
гимиз баракали бўлсин!



**Аму-Бухоро ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси жамоаси**

БУГУНГИ МЕҲНАТ — КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Иқтисодиётимиз ривож, халқимиз турмуш фаровонлигию дастурхонимиз файзу баракаси, барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги соҳаси истиқболига ҳам боғлиқ. Шу боис, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур муҳим тармоғи самарадорлигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Бугун аграр соҳада, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик йўналишларида эришилаётган ютуқлар, етиштирилаётган мўл-ҳосил, соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлмоқда.



Суратда: Кўкдала туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Улуғбек Тожиев "Аҳмад Яссавий" ҳудуди миришкорлари билан



Суратда: Тумандаги "Наврўз" ҳудуди миришкорлари

Жорий йилда ўзларининг ҳалол ва машаққатли меҳнати билан юксак хирмон яратиб, улкан меҳнат зафарларини қўлга киритган Кўкдала тумани заҳматкаш миришкор, ғаллакору, пахтакор фермерлари 2022 йилни мағрур ва масрур ҳолда яқунламоқдалар. Туманнинг улкан зафарларида барча аграр соҳа вакилларининг улуши катта бўлди. 2022 йил туманда баҳорги об-ҳавонинг серёғин келиши ва бошқа синовли унсурларга қарамай, ўз соҳасининг билимдони бўлган миришкор-деҳқонларнинг саботи ва меҳнати билан гектаридан 35-45 центнердан пахта, 70-75 центнердан ғалла ҳосили олинди.

Айни кунларда эса бош вазифа, ризқ-рўзимиз ва фаровонлигимиз омили саналган ғалла етиштиришга қаратилган. Дарҳақиқат, бошоқли экинларнинг баравж ўсишида деҳқондан улкан машаққат ва тажриба талаб этилади. Бу борада туман бўйича жами 3 минг 028 гектар майдонга экилиб, кўм-кўк майсалаган ғалла майдонларини озиқлантириш, уни қишлоқга тайёрлаш мақсадидаги агротехник тадбирлар кечиктирмай олиб борилмоқда. Бугун ғалла парваришини барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бораётган туманнинг "Аҳмад Яссавий" ва "Наврўз" ҳудудларида ҳам эндиликда униб чиққан бошоқли дон экинларини пешма-пеш суғориш ишлари ташкил этилмоқда. Кўрсаткич ҳам шунга яраша, бўй чўзиб

кўклаган майсалар кейинги йил мўл ҳосилидан дарак бериб турибди.

– Ҳудудларимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, униб чиққан ғаллани пешма-пеш суғориш учун, суғориш штаби ва отрядлар фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлимимиз томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, тунги суғориш ишлари ташкил этилмоқда, ҳозирда ғалламизнинг авжи яхши, – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Улуғбек Тожиев.

Дарҳақиқат, туманда ноябрь ойидаёқ барча майдонларда буғдой тўлиқ ундириб олиниши ва унинг кейинги парвариши учун юқори агротехник тадбирлар талаб этилади. Нон ўзбекнинг дастурхони кўрки бўлгани ҳолда унинг хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб келмоқда.

Дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободехқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади, деб умид қилиб қоламиз.


Ўз мухбиримиз.



Кластер тизимида тежамкор технологиялар

Бугунги кунда жойларда фаолият олиб бораётган, бозор механизмларига асосланган янги хўжалик юритиш шакллари бўлган агрокластерлар фермерларнинг чинакам таянчига айланмоқда.

Когон туманида ҳам ана шундай агрокластерлардан “Бухоро Агрокластер” МЧЖ ва “Bahor Chance textile” МЧЖ фаолият олиб бормоқда. Жумладан, “Bahor Chance textile” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан соҳада механизация даражасини ошириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва шу орқали саноат ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тўқимачилик корхонаси Швейцариядан келтирилган ип-йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ушбу технологик линиялар ёрдамида йилга 3 минг тоннагача калава ип тайёрлаш мумкин. Корхонада айни кунларда экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши билан бирга 40 дона замонавий тикув машинасига эга тикув фабрикаси ва пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Энг эътирофлиси, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Когон туманида 2022 йилда соҳага тежамкор технологияларни қўллаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида пахта тўқимачилик кластери томонидан 700 гектарга яқин майдонда томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилди. Натижада, суғориш учун сув сарфи 40-50 фоизга, ёнилғимойлаш маҳсулотлари сарфи 30-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга оширишга эришилди.



– Йилдан-йилга корхонамиз ташаббуси билан сув сарфини қисқартириш йўлида қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Ушбу технологияларни қўллаш оқибатида эса, аввало, сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўлишига эришилмоқда ва, энг асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежалиб, техника харажатлари қисқармоқда. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил ҳам янада кўпроқ экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, – дейди масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Когон пахта заводи” АЖ директори Фурқат Фаттоев.

Шунингдек, тумандаги яна бир корхона “Бухоро Агрокластер” МЧЖ аъзолари ҳам бугунги кунда тумандаги 144 нафар фермер хўжалиги аъзолари билан шартнома асосида 4 минг 389 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Мазкур кластер хўжалиги ташаббуси билан ҳам экин майдонларининг суғорилиши қийин бўлган жойларида тежамкор технологияларни қўллаш ишлари амалга оширилмоқда.

Албатта, туманларда фаолият олиб бораётган бу каби корхоналарнинг тизимли фаолияти натижасида, аввало, ҳудудларда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмининг ошишига, янги иш ўринлари яратилишига эришилади. Шунингдек, улар томонидан суғориш тизимида инновацион технологиялар жорий этилиши натижасида эса, сув сарфи қисқариб, ҳосилдорлик ошишига ва бу омил ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий раванқига сабаб бўлади.

Ўз мухбиримиз.



ДАРЁҚАЛЬ МИРИШКОРЛАР

Саҳифаларимиз Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани фермерлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланади

Бир пайтлар жўшиб оққан Амударё бўйларини кезаман. Бугун у жуда сокин, бағрини қумлар тўлдирган, кўк оролчаларга йўл берган. Балки Жалолиддин Мангубердиннинг тулпор чанқаганда сувларидан симириб ичган, озуқа олган. Унга қувват берган ширин дарём! Қанча сулувларнинг сочларини силаган, Тоҳирларни бағрида асраган, дилларини ғурурга ошно айлаган суюк дарём... Момоларимни, боболаримни кўрган, қалъаларга оби ҳаёт берган жаҳоним менинг! Хоразм ерларидан ўтиб ўз номига эга туман сарҳадларига келадиган сўлим дарё - Амударё ҳамиша ҳисларимни тоширади. У гўё юракка битилган шеърга ўхшайди. У ҳақда шоирлар кўп ва хўп шеърларга эзган, буюк хонандалар қуйлаган...

Ана шу Аму бўйларида жойлашган бекиёс Қорақалпоғистоннинг Амударё

тумани Ўзбекистон Республикасидаги ер майдони ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан йирик туманлардан биридир. Унинг қадим тарихи муқаддас "Авесто" қўлёзмаси ёзилган, 30 аср муқаддам икки дарё ораллиғида яшаган аждодларимизга бориб тақалади. Бир вақтлар гуркираб ривожланган сирли синоатли қалъаларнинг 14 таси Амударё тумани сарҳадларида эди. Уч минг йиллик тарихдан сўйловчи "Чилпиқ" қалъа-кўрғони бунга мисол бўла олади. Туркий халқларнинг 92 та уруғи истиқомат қиладиган туманда кўнғирот, қипчоқ, хитой, найман, уйғур, тома, туркман, қорақалпоқ, назархон, ос, сангар, оча, қангли каби қавм, овул, элатлар ўтмиши илмий тадқиқотлар ўтказишга арзирли манбадир.

1957 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши раёсати қарорига мувофиқ Хоразм вилояти-

нинг Манғит, Қорақалпоғистон автоном совет социалистик Республикасининг Қипчоқ туманлари бирлаштирилиши натижасида бунёд бўлган Амударё тумани мустақиллик шарофати билан ўзгача шуқуҳ касб этди. Она Ўзбекистонимизнинг бу чекка ҳудуди давримизга келиб қишлоқ хўжалиги соҳасида кўзга кўринган фермерлар, аграр соҳа вакиллари, тадбиркорлар, ижод, маданият, маърифат аҳли меҳнат қилаётган гўшага айланди. Меҳмондўст, самимий одамлари билан танилди. Ватанимиз аҳли "Қишлоқ хўжалик ходимлари куни" байрамини муносиб кутиб олаётган бир даврда туманнинг бир қанча фермер хўжаликларида бўлиб, улар ҳақида лавҳа ва бадиалар тайёрладик. Сокин оқаятган бўлса-да, элни таъминлаётган Амударёдан сув ичадиган халқнинг бугунги ишлари диққатимизни тортди.

ФЕРМЕР ОМИЛКОР БЎЛСА

Туманнинг "Ўрта қалъа" қишлоғида жойлашган "Жавоҳир Жавлонбек Шоҳзодбек" фермер хўжалиги 2016 йилда ташкил қилинган. Жами 54 гектар ернинг 7 гектарига ғалла, 30 гектарига пахта экинни экилар, ишловчилар сони кам эди. Иш жараёнида хўжалик раҳбари Улуғбек Йўлдошевнинг тажрибаси, малакаси ошди. Йиллар уни эътиборли бўлишга, заковату билимни ишга солишга, омилкорликка ўргатди.

Мақтаб таҳсилдан кейин "Бўстон агро тадбиркорлик" коллежида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таълим олди. 2001 йилдан бошлаб беш йил мобайнида "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Амударё филиалида ҳуқуқшунослик қилди. Кейин "Минерал ўғит тарқатиш" шохобчаси мудир вазифасида 10 йил ишлади. Нимадир уни далаларга чорлагандай бўлар, фермерликка ҳаваси бор эди. 2016 йилдан хўжалик тузди, илхоси тушган ишга банд бўлди.

Жорий йил хўжалик 12 гектар экин майдонларига ғалла эқди. "Амударё ғалла" кластери билан қилинган шартномага кўра келишилган 25 центнер ғалла етказиб берилди. Такрорий экинлар ҳам қутилган натижа берди. 5 гектар ерга мош, 3 гектарга сабзи экилди. 1 гектар ер майдони камхарж оилаларга, ёшларга 15 сотихдан бўлиб берилди. Олинган ҳосилдан ҳамма хурсанд бўлди.

– Опа, исмиимни Улуғбек қўйишган. Мирзо Улуғбек бобомиз осмондаги юлдузларни яхши кўрган бўлса, мен далага маҳлиёман. Ғаллазорлар, пахтазорларда меҳнат қилаётган сабрли нигоҳлар юлдузлар каби кўзларимга жо бўлади. 2022 йил чиндан деҳқон йили бўлди, – дейди Улуғбек Йўлдошев.



Суратда: Фермер Улуғбек Йўлдошев ва қишлоқ хўжалиги мутахассиси Баҳодир Матёқубов.

– 28 гектар ерга пахта экиб, белгиланган 32 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олдик. 92 тонна ўрнига 97 тонна пахта хомашёси "Амударё текст" кластерида топширилди.

Ҳа, даромадига яраша буромад деганлари каби хўжаликнинг умумий йиллик даромади 1 млрд. 100 млн. сўмни ташкил қилди. Бу албатта аъзоларнинг саъйи-ҳаракатларига, табиатнинг саховатига, қиш, баҳордан то ёзу куз қилган самарали меҳнатига боғлиқ. Тракторчилар Шерипбой Исмоилов, Ойбек Йўлдошев, сувчилар Фарход Йўлдошев, Мухтор Жуманиёзовларнинг ҳам далада кеча-кундузни бир қилиб ишлаган дамлари юқори ҳосилга гаров бўлди.

Биз турган дала "Бўбак карта" деб номланган. Бўбак исми одам шу ерларда яшаб ўтган, қарангли, бир дала унинг номида қолибди. Бу ҳам халқнинг меҳридан, самимиятидан

нишона. Даладаги кўкликка маҳлиё боқиб турган Улуғбек Йўлдошевнинг ёнида турган туман кишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Баҳодир Матякубов: “Қаранг, бугун осмон нотинч, мовий булутлар айланмоқда, ёмғир ғаллага кони

фойда бўлади”, деди. Ўзимча бир нақл қилдим: Пахта оқар сувга, ғалла эса ёмғирга муштоқ. Майли, ҳосиллар йиғиб олинди, энди ёмғирлар ёғсин, қорлар ёғсин. Кейинги йил ҳосили яна мўл бўлсин!

ХЎЖАЛИҚДА ТЕКИН ЎҚУВ МАРКАЗИ

Орадан анча йиллар ўтиб, Эркин Расулов раҳбарлигидаги хўжаликка яна йўлим тушди. Кўрдимки, ишлар жойида. У ҳали ҳам шижоат билан қадам ташлайди, сўзи ўткир, нигоҳи теран.

Амударё туманининг “Ўрта қалъа” қишлоғидаги “Панашам” элатида жойлашган бу фермер хўжалик “Эркин Расулов асалчи” деб номланган. Эркин ака ҳозир 63 ёшда, 42 йилдирки, кишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. 2017 йилда пахта-ғалла, асаларичилик билан иш бошлаган хўжалик юксалиш йўлидан дадил бормоқда.

Жорий йил хўжалик аъзолари учун омадли келди. “Қипчоқ дон” кластерига 62 тонна буғдой хомашёси етказиб берилди. Гектарига 60 центнердан ошириб олинган ҳосилнинг қолгани эҳтиёжга кўра сарфланди, кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Майдонлардан ҳосил йиғиштириб олинган, сабзи, пиёз, карам, картошка, мош ва шולי экинлари экиб етиштирилди. 8 гектар ер майдонлари зарур оилаларга бўлиб берилди. Улар ҳам мош, маккажўҳори, сабзи каби керакли экинларни етиштириб, оила тўқинлигига эришдилар.

85 гектар ерга пахта, 25 гектар ер майдонларига ғалла экилади. Ҳосил кўнгилдагидай. 72 нафар пудратчи иш олиб бораётган пахта майдонларининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олиниб, “Мангит пахта” кластерига етказиб берилди. Эрта баҳордан то кеч кузгача тиним билмайдиган тракторчилар ўз ишларидан мамнун.

– Вақтида ойлик, даромад бўлгандан кейин рўзғор бут, кўнгил шод, – дейди Қаҳрамон Эшмонов. Унинг гапларини ҳамкасблари Каримбой Болтабаев ва Жамол Эшмоновлар ҳам тасдиқлашди. Кўриниб турибдики, аҳил хўжалик аъзоларининг керакли эҳтиёжлари вақтида қопланади. Сувчилар Сададдин Муродов, Зариф Холмуродовлар аллақачон далаларда кузги, қишки суғориш ишларини бошлаб юбордилар.

Йил сайин тармоқлар кенгайиб, ишчилар сони ўсди. Ҳозирда хўжалиқда жами 100 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Гўшт йўналишида 120 бош қорамол ва 55 минг дона парранда боқилмоқда. Қорамол боқувчи 8 нафар, парранда боқувчи 12 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Дурбек Абдурахмонов чорвачилиқда танилган ходим бўлса, Ғуломжон Расулов, Каромат Қодировлар парранда боқиш ишларини яхши ўзлаштириб олганлар.

Эркин ака оиласининг бекаси Ҳосият опа Ибрагимова ҳам бекорчи эмас. 5 фарзанду 13 нафар неваранинг онажониси шохобча ишлари билан банд. Шохобчада хўжалиқда етиштирилган гўшт ва турли асал маҳсулотлари сотилади.

Ҳар йили 1 млрд. 500 млн. сўм умумий даромадга, қарийб 1 млрд. сўм соф фойдага эга хўжалик 100 фоиз техникага, офис биносига ва бошқа талай қулайликларга эга. Улуғвор ишлар доимо натижалидир. 2019 йилги Ўзбекистон Республика асаларичиларининг “Асал байрамида 1-ўринни, 2021 йил Қорақалпоғистонда 1-ўрин, Ўзбекистон бўйича 3-ўрин соҳиби бўлди. Диплом, сертификат, совғалар ва шу қатори “Саховат” кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Отам айтганлари каби умр оқар дарё экан, биздан яхши иш, яхши натижа қолсин, – дейди Эркин ака биз билан

Аслида хўжаликнинг номида “асалчи” деган сўзга урғу берилади. Бу бежиз эмас. Эркин ака болалигидан асалнинг фойдали хусусиятлари ҳақида ота-онаси ва момоларидан кўп эшитган. Кейинчалик ўқиб ва ўқиб ўрганди, изланди. Аслида асаларичиликка қизиқиши, туфайли бу соҳага маҳкам боғланди. Хўжалик қарамоғида 1 900 оила асалари боқилмоқда. Йилига 20 тоннадан зиёд асал маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бу осон иш эмас, албатта. Асалари ноёб, ўзига хос парвариш талаб қиладиган жонзот. Уқувини тоза ўрганган Эркин ака хўжалик қошида “Асаларичилик” ўқув маркази ҳам очиб, ёшларга сабоқ бермоқда. Ўқув маркази жойлашган офис биноси боғида 150 оила асалари боқилади. Асал олиш ва боқиш сирлари амалий тажриба орқали ўргатилади. Қишлоқ ёшлари асаларичилик сир-асрорларини бепул ўқиб, ўрганиб, хоҳловчилар шу ерга ишга таклиф қилинади. Бу давлатимиз раҳбарининг, Ватанимизнинг биздан кутгани, айна кўнгилдаги иш. Етти хазинанинг бири асаларичилик, дейилишини ҳисобга олсак, ёшларни иш билан таъминланишнинг савобли шаклидир.



хайрлашар экан. Ҳа, умрининг ҳар дами ғанимат. Яшаш, ўзинг, фарзандлар, келажак ва эл учун меҳнат қилмоқ, яхшиларни йўқлаш ва дийдор, меҳр-муҳаббат асосига қурилган ҳаёт гўзалдир. Буни унутмайдиган инсонлар билан ўтган ҳар бир дақиқа файзли, саодатлидир.

Она Ўзбекистонимиз деҳқонлари, аграр соҳа ходимларининг қутлуг байрамига муносиб совға тайёрлаб, меҳнатда ютуқларга эришаётган хўжалик раҳбари билан хайрлашар эканмиз: Байрамингиз муборак, ҳаётингиз фаровон, умрингиз узоқ бўлсин, деган тилакларни дилдан айтдик.

Суратда: “Эркин Расулов асалчи” фермер хўжалиги раҳбари Эркин Расулов

Амударё тумани “Эркин Расулов асалчи” фермер хўжалиги жамоаси

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг
30 йиллиги ҳамда Қишлоқ
хўжалиги ходимлари кун

муносабати билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Меҳнаткаш халқимизга сиҳат-саломатлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, мамлакат тараққиёти йўлидаги эзгу ташаббусларида улкан муваффақиятлар тилаб қолади!

Ҳар биримизга меҳнатимиз ва билимимизни шу азиз диёримизнинг гуллаб-яшнаши йўлида сафарбар этишда зафарлар ёр бўлсин!



МУЗАФФАРНИНГ ЯШИЛ ДАЛАСИДА

Йўлимизда давом этдик. Амударё туманидаги Намуна ёшлар оқибати йиғини ҳудудида жойлашган “Музаффар Эшчанов” фермер хўжалиги ҳам эътиборда эътироф этилаётган хўжаликлардан бири. Хўжалик раҳбари Музаффар Эшчанов 1985 йилда шу қишлоқда деҳқон оиласида туғилди. Болалиги деҳқонлар орасида, далалар бағрида ўтган йигит 2004-2008 йилларда Тошкент Давлат аграр Университетининг “Фермер хўжалигини бошқариш” факультетини битказди. Кейин бир йил туман қишлоқ хўжалиги бўлимида мутахассис бўлиб ишлади. Унинг кўнгли кенгликларни кўмсади, фермерликка ихлос тинчини ўғирлади.



2009 йилда 70 гектар ер майдони олиб пахта ва ғалла экиб, иш бошлади. У кўп ўйланар, хўжаликни нима қилсам, юқори ўринга олиб чиқа оламан, деган савол билан яшарди. Илк даврлар бироз қийинчиликлар техника ва ер имкониятларини ўрганиш борасида бўлди. У бошқа фермерлардан билмаганини сўради, ўрганди, кўп ўқиди, изланди.

140 гектар экин майдонларини асосан пахта ва ғалла экинлари ишғол этади. Йилда тушган фойда эвазига лизинг, кредит асосида техника сотиб олаётган фермер ишида қийинчилик сезмайди. Аста-секин ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб бормоқда. 38 гектарга экилган ғалладан 62 центнердан ҳосил олинди “Қипчоқ ғалла” кластерига топширилди. Экиндан бўшаган майдонларга маккажўхори, мош, сабзи каби экинлар экиб, йиғиб олинди. 20 нафар оила бошига ҳам ерлар ижарага берилиб, улар ўзларига керакли маҳсулотни етиштирдилар.

70 гектар ерга экилган пахта ҳосили “Амударё текс” кластерига белгиланганидан ортиқ қилиб топширилди. Фермернинг укаси Жамшид Эшчанов хўжаликда иш бошқарувчилик қилади.

Хўжаликда сувчилар Абад Худойбергенов, Абдулла Қалаңдаров, Бахтиёр Шаймонов, Сардор Сабуров, тракторчилар Нуриббат Тангриберганов, Шокир Юсупов, Музаффар

Сейтановлар ўз ишларига масъулиятли бўлиб, доимо етакчилик қиладилар.

Бугунги кунда 50 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоанинг умумий даромади 3 млрд. 600 млн. сўм, соф фойда 800 млн. 900 минг сўмдан ошиқни ташкил қилади. Фойда эвазига ун ва шоли тегирмонлари қурилди. Тегирмонга 5 нафар ходим ишга олинди.

Айни деҳқон аҳли ўз байрамига муносиб зафарларга эришганидан хурсанд яшаётган бу палла фермер билан суҳбатимиз кун қайтиб кеч тушгунигача давом этди. Сокин кузнинг охириги кунлари совуқ шабада эсади. Яшилликка бурканган ғалла даласининг ўзига хос ифори таралади. Бу янги кунга ошиқаётган туннинг кириб келишига дақиқалар қолган вақт эди. Хайрлашар эканмиз, байрамлар муборак бўлсин, келаётган йил омад олиб келаверсин, деб амударёлик фермерларни табрикладик. Булут ва куёш бир бири билан бахшлашаётганга ўхшарди. Дарё бўйларида эсаётган экин гўё янги кунни чорлаётганга ўхшарди...

Суратда: фермер хўжалик раҳбари Музаффар Эшчанов.

Шукуржон ЖАББАРОВА тайёрлади.

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚЛАРИ – СУД ҲИМОЯСИДА

Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси Боғот туманлараро иқтисодий судига ариза билан муурожаат қилиб, “XIVA KLAS TER” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан 685.617.648 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.



Боғот туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилиб, жавобгарга нисбатан 670.741.760 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ҳал қилув қарорига нисбатан “XIVA KLAS TER” масъулияти чекланган жамияти апелляция шикоятни бериб, унда биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқламаганлиги, импорт шартномасида белгиланган муддат бузилмаганлигини, етказиб бериладиган асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ муддат белгиланганлигини кўрсатиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 23 бандига асосан, товарларни республикага олиб кириш ва “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтартириш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган контрактлар бўйича ёки контрактлар Маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда, шунингдек, асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ белгиланганда - импорт контрактларида белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилган.

Низомнинг 27-банди, олтинчи хатбошисида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш, шу жумладан, уларни узоқ муддатли ижарага бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 календарь кундан ортиқ белгиланган бўлса, хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо

операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги 2021 йил 30 декабрь ПҚ-72-сонли Қарори билан тасдиқланган лойиҳа (6-Илова)га кўра, жавобгарга 2021-2022 йилларда ODDO BHF BANK (Германия) билан ҳамкорликда умумий қиймати 9,2 млн АҚШ доллари бўлган ип-калава ва мато ишлаб чиқаришни ташкил қилишни йўлга қўйиш белгиланган.

“XIVA KLAS TER” масъулияти чекланган жамияти ва “Truetzschler GmbH & Co KG” хорижий корхонаси ўртасида юқоридаги импорт шартномаси тузилиб, жавобгар томонидан 2021 йил 30 август куни шартнома қийматининг 15 фоизи яъни 1 165 000 евро миқдоридagi пул маблағлари “Truetzschler GmbH & Co KG” хорижий корхонасига ўтказиб берилган ва импорт шартномасининг 3.1-бандида импорт маҳсулотни ускуналарини тайёрлаш ва етказиб бериш муддати олдиндан тўлов қилинган кундан бошлаб 450 кун муддатни ташкил қилиши назарда тутилган, яъни товарларни етказиб бериш импорт шартномасида белгиланган муддатдан ошмаган.

Бироқ, биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли бўлган ушбу ҳолатларни ўрганмасдан, яъни жавобгар томонидан бажарилиши лозим бўлган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Қарорига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган контракт (шартнома) ҳисобланиши, контракт (шартнома)да назарда тутилган технологик ускуналарни тайёрлаш ва етказиб бериш муддати аванс маблағлари ўтказиб берилганидан бошлаб, 450 кунни ташкил этиши белгиланганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 29 августдаги қарори билан Боғот туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 22 июлда қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинди ва “XIVA KLAS TER” масъулияти чекланган жамиятининг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси таъминланди.

Музаффар БОБОНАЗАРОВ,

Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси.



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

ЕР МУНОСАБАТЛАРИ ТАРТИБИ БУЗИЛСА...

Амалдаги қонун ҳужжатларида ерга эгаллик қилиш, қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонларидан белгиланган мақсадларда тўғри фойдаланиш аниқ баён қилинган. Қонунга амал қилиш барчамизнинг бурчимиз. Афсуски, уни четлаб ўтишга уринаётганлар учраб турибди. Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.



Даъвогар кадастр агентлигининг Қўшқўпир туман бўлими судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Қўшқўпир туман “Хайробод” маҳалласида яшовчи жавобгар Атажанов Исвандиёр ноқонуний равишда, тегишли ташкилотларнинг рухсатисиз, Қўшқўпир тумани Хайробод қишлоғи, И.Бекманов массиви қишлоқ хўжалик ер харитасининг 338к-контуридан жами 0,06 гектар ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу эгалланган ер майдонининг 180 кв.метрида турар жой қурганлигини билдириб, жавобгар томонидан қурилган ноқонуний қурилмани унинг ҳисобидан буздиришни ва ер майдонини яроқли ҳолатга келтиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2022 йил 13 майдаги ҳал қилувчи қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар Атажанов Исвандиёр Қутлимуратович томонидан Қўшқўпир тумани Хайробод қишлоғи И.Бекманов массиви қишлоқ хўжалик ер харитасининг 338к-контурида ўзбошимчалик билан 180 кв. метрда қурилган турар жой Атажанов Исвандиёр Қутлимуратовичнинг ҳисобидан бузиб олинishi ва ер майдони яроқли ҳолатга келтирилиши;

Жавобгар Атажанов Исвандиёр Қутлимуратовичдан даъвогар Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси Қўшқўпир туман бўлими фойдасига почта харажати учун тўланган 18.900 сўм, 1.080.000 сўм давлат божи давлат фойдасига ундирилиши белгиланган.

Жавобгар Атажанов Исвандиёр Қутлимуратович суд қароридан норози эканлиги билдириб юқори турувчи органга апелляция шикоятни билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди иш юзасидан маърузани, тарафларнинг тушунтиришини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни фуқаролик ишида мавжуд ҳужжатлар асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келишни лозим топди:

Аниқланишича, кадастр агентлиги Қўшқўпир туман бўлими инспекторлари Қ.Холбаев, Ш.Худайберганов, “Хайробод” МФЙ раиси С.Рўзметов ва фуқаро Қ.Отахановлар томонидан 2022 йил 8 февралдаги тузилган далолатномада Атажанов Исвандиёр Қўшқўпир туман “Хайробод” қишлоғи И.Бекманов массиви қишлоқ хўжалик ер харитасининг 338к-контуридан жами 0,06 гектар ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, шундан 180 кв.метр ер майдонида турар жой қурганлиги аниқланган. Жавобгар Атажанов Исвандиёр ушбу қурилмани бартараф қилиш юзасидан тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, ноқонуний равишда қурган қурилмани бузиб олмасдан келган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура

ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиши, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини олмаслиги, бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга, сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмаслиги, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозимлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди ишда аниқланган ҳолатлар ва қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантириб, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани буздиришни лозим деб топиб, иш бўйича қонуний тўхтама келган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг апелляция шикоятда келтириб ўтилган ушбу қурилма ноқонуний эмаслиги, МФЙ раиси томонидан ер майдони ажратиб берилганлиги, шу сабабли ушбу ер майдонида турар жой қурганлиги, бундан ташқари 60 дан ортиқ фуқаролар томонидан турар жойлар қурилганлиги, ўн йилдан буён ушбу турар жойдан фойдаланиб келаётганлиги ҳақидаги важлари билан келишмайди. – Ҳар бир тараф Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 72-моддаси 1-қисмида белгиланганига кўра ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Жавобгар И.Атажановда унга турар жой қуриш учун ер участкаси ажратиш ҳақида туман ҳокимининг қарори ёки ер майдонини аукцион савдосидан сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас. Шу боис жавобгар И.Атажанов томонидан қурилган қурилма ўзбошимчалик билан қурилган қурилма деб ҳисобланади. Шу билан бирга, жавобгар томонидан ушбу ер майдонида қурилиш ишларини амалга ошириш учун тегишли ташкилотлар томонидан берилган рухсатнома тақдим этилмаган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важлар суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмайди деб ҳисоблаб, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2022 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди. Бинобарин, судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 397, 399-моддаларини қўллаб, мазкур иш юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2022 йил 13 майдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилиши тўғрисида ажрим чикарди.

Ғайбулло МИРЗАЕВ,
Хоразм вилояти фуқаролик ишлари суди судьяси.

ЧИГИТЛИ ПАХТАНИ САҚЛАШ

Аннотация: Пахтани узоқ вақт сақлаганда тола ва чигитнинг табиий хусусиятлари бузилмаслигига яхши эътибор бериш керак.

Аннотация: При длительном хранении хлопка следует следить за тем, чтобы не были повреждены естественные свойства волокна и семян.

Annotation: When storing cotton for a long time, care should be taken to ensure that the natural properties of the fiber and seed are not damaged.

Пахта, асосан, сентябр, октябр ва ноябр ойларида тайёрланади. Пахта тозалаш заводлари шу уч ой давомида бир мавсумда тайёрланган пахтанинг тахминан 20% ини ишлаш олади. Пахтанинг қолган кўп қисмини узоқ вақт сақлашга тўғри келади.

Пахтани узоқ вақт сақлаганда тола ва чигитнинг табиий хусусиятлари бузилмаслигига яхши эътибор бериш керак. Пахтани яхши сақлаш учун керакли шартларнинг асосийси уни омборларга жойлаш вақтидаги намлиги ГОСТ га мувофиқ: I сорт учун 9,0; II сорт учун 10,0; III сорт учун 11,0 ва IV сорт учун 13,0% дан ошмаслиги керак. (1,2,3) Машиналар билан терилган ва намлиги рухсат этилган нормадан юқори бўлган чигитли пахта вақтинча (5 кунгача) сақлаш учун қабул қилинади. Бундай пахтани жойлашда унинг баландлиги I ва II сортлар учун 4 м дан ва қолган сортларники 3 м дан ортиқ бўлмаслиги керак. Чигитли пахтани сақлаш учун сизими 750, 1500, 3000, 4500 ва 6000 т ва темир-бетон деталлардан йиғилган, пишиқ ёки хом гишдан қурилган ёпиқ омбор, тўрт томони очиқ шийпонлар ёки бутунлай очиқ майдончалардан фойдаланилади. Сақланаётган пахта ерости сувларининг таъсири бўлмаслиги учун омборларнинг поллари 50 мм қалинликда асфальтланади ёки 150 мм қалинликда йирик тош терилиб, ораси майда шағал билан тўлдирилади, ёки 25 мм қалинликда сомонли лой билан сувалади, агар ерости сувлари анча чуқур жойлашган бўлса, тупроқ яхшилаб текисланиб, суваб қўйилади. Чигитли пахтани ёпиқ омборларда сақлаш вақтидаги зичлиги, намлиги 10-11% гача бўлган I ва II сорт пахта учун 150-190 кг/м³ ва намлиги 12-14% бўлган III ва IV ва пахта учун 130-160 кг/м³ бўлиши керак. Чигитли пахтани очиқ майдончаларда сақлаш учун пахта тайёрлаш, бунтлаш майдончалари тартибли равишда қурилади. Бунтлаш майдончаларининг ўлчамлари 25х14, 22х11 ва 11х10 м бўлади. Сақланадиган пахтанинг ўртача зичлиги 200 кг/м³ бўлганда 25х14х3 м ли бунтга 560 т ва 22х11х8 м ли бунтга 380 т I, II ва III сорт пахта жойлаш мумкин. IV сорт пахтанинг намлиги юқори бўлганлиги ва толаларининг илашиш кучи кам бўлгани учун одатда ёпиқ омборларда сақланади.

I ва II сорт пахта бунтлангандан 12-15 кун ўтгач, узунасига бир ва кўндалангига бир тоннель, III ва IV сорт пахта учун узунасига бир ва кўндалангига ҳар 5 м га бир тоннель қовланади. Тонелларнинг баландлиги 1,5 м, эни 0,6 м бўлиши керак. Ёпиқ омборларда сақланадиган пахта учун ҳар бир бўлим ўртасида битта қудуқ қавланади ёки ораси очиқ қўйилади.

Сақланаётганда қизиб кетмаслиги учун I ва II сорт пахтани ҳар 5 кунда лаборантлар текшириб туришлари керак. Пахтанинг температурасини аниқлаш учун термощуп бунтнинг 8 нуқтасида 3 м чуқурликка, ёпиқ омбор ва шийпонларда эса 4

нуқтада пахта баландлигининг ярмигача киритилиб ўлчанади. Агарда пахта температураси сентябр-октябр ойларида 30° гача ва бошқа ойлarda 20° гача бўлса, нормал ҳисобланади. Пахтанинг температураси келтирилган чегарадан юқори бўлса ёки иккинчи марта ўлчанганда олдинги ўлчовга қараганда 2-3° ортиқ бўлса, албатта, уни совитиш чораларини кўриш керак.

Бунтларда сақланаётган пахта қизиганда ундан нам ҳавони сўриб олиш учун махсус стационар ускуна қурилади. Бу ускуна 25х14 м ли майдончада металл панжара қопқоқлар билан ёпилган 14 та канал дан иборат бўлиб, бу каналлар трубалар орқали умумий трубага ва икки бунтдан ҳаво тортадиган ВЦ-10 маркали вентиляторга уланган.

Бунда ускуна 1-жадвалда келтирилган муддатларда ишлатиб турилса, сақланадиган пахтанинг табиий сифати 5-6 ойгача бузилмайди.

I ва II сорт пахтанинг намлиги 14% гача ва паст сортларники эса 16% гача бўлганда ўрнатма бўлмаса ҳам бунтдан нам ҳавони тортиш мумкин. Бунинг учун бунтдаги тоннелнинг бир томониغا диаметри 400 мм ва узунлиги 4 мм ли труба билан ВЦ-10 маркали вентилятор уланади. Тоннелнинг иккинчи томони шолчага ўралган пахта билан яхшилаб беркитилади, сўнгра нам ҳаво тортиб олинади.

1- жадвал.

Сақланаётган пахтадан ҳавони тортиш муддатлари

Пахтанинг намлиги градус (°C)	Ҳавони тортиш вақти			Ҳавонинг нисбий намлиги, кўпи билан
	Биринчи марта тортиш бунтлаш битгандан кейин неча кун ўтгач	Иккинчи марта тортиш неча кун ўтгач	Кейингилари хар гал неча кун ўтгач	
I ва II сорт пахтани сақлаганда				
12-14	7-10	15	20	75
14-16	5-8	10	15	85
16-18	5	8	10	95
18 дан юқори	3-4	5	10	исталганча
III ва IV сорт пахтани сақлаганда				
14-16	7-10	10	20	75
16-18	5-8	7-8	15	85
18-20	5-7	7-8	10	95
20 дан юқори	5	5	10	исталганча

Пахта заводидида ишлаб чиқариладиган тола, линт, чигит ва толали чиқиндилар жўнатиш учун қулай ҳолга келтирилиб, тарозидида тортилади ва маркаланади.

Фурқат РАХМОНОВ,
ЖизПИ катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Cotton world statistics. ICAC. 2002
2. Устюгин В.Е. Узбекистан на пути реформ систем стандартизации и сертификации хлопка. Ж. "Хлопководство", 1994, №1-2.
3. Fakhridin Isroilov, Alisher Bozorov, and Bobur Altmishev. "METHOD OF DETERMINATION OF STANDARD UNCERTAINTY OF MEASUREMENT MEASURING." International Engineering Journal For Research & Development 6.ICDSIIL (2021): 5-5.

ДЎЗАНИНГ УЗОҚ ГЕОГРАФИК ТИЗМАЛАРИДА ТОЛА СИФАТИ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Annotation: The article presents an analysis of fiber quality parameters in geographically distant cotton lines. In the results of the research, lines with an increase in the quality of the fiber were identified: Л-Т x S-6593, Л-Ю x S-6596.

Дзанинг тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлари - унинг узунлиги, микронейр кўрсаткичи ва солиштирма узилиш кучидир [1; 31-б.]. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган давлат стандарти бўйича толанинг юқори ўртача узунлиги (дюймда) 0,96 - 1,10 дюйм - калта, 1,11-1,23 дюйм - ўртача узун, 1,24-1,36 дюйм - узун тола ҳисобланади [2].

Олиб борилган тадқиқотларда ўзанинг вертициллэз вилтга бардошли, тола сифати ва чиқими юқори бўлган янги селекцион ашёларни яратиш асосий мақсад қилиб олинган. Толанинг узунлиги оналик шаклларида 1,25-1,26 дюйм оралиғида бўлган бўлса, оталик сифатида олинган хорижий давлат навларида 1,07-1,25 дюйм оралиғида бўлди. Чатиштиришларда ота-она шакллари сифатида қўлланилган тизма ва навлар тола узунлиги белгиси бўйича ўртача узун толар синфига киради. Толанинг солиштирма узилиш кучи оналик тизмаларида (Л-578, Л-Т, Л-Ю) мос равишда 32,7; 38,5; 34,5 тенг бўлган бўлса, оталик сифати олинган намуналарда 30,3 дан 39,4 гача ораликда бўлди. Узоқ географик дурагайлаш усулида олинган тизмаларда тола узунлиги 1,15 (Л-578 x S-6082) дюймдан 1,24 (Л-578 x S-489) дюймгача ораликда бўлди. Ўрганилган 7 та тизмадан 3 тасида тола узунлиги 1,2 дюймдан юқори, 2 тасида 1,18 дюймдан юқори бўлди. Бу ўзанинг *G. trilobum* S. ёввойи тури иштирокида олинган интрогрессив тизмаларда тола узунлигининг устунлиги намоён бўлаётганлигини билдиради. Андоза St. "Наманган-77" ва St. С-6524 навларида ушбу кўрсаткич мос равишда 1,15 ва 1,17 дюймга тенг бўлиб, бу ўрганилган тизмаларнинг ўртача тола узунлигидан 0,03 дюймга паст. Тажрибаларда ўзанинг *G. trilobum* S. ёввойи тури иштирокида олинган интрогрессив тизмаларни чатиштиришларда қўлланиш натижасида тола узунлигини нисбатан оширишга эришилди.

Маълумки, тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири - микронейрдир. Микронейр кўрсаткичи ўрганилган барча тизмаларда оптимал ораликда тўғри келиб, 4,3-4,7 ораликда бўлди. Буни оналик шакллари сифатида олинган интрогрессив тизмаларнинг бизнинг иқлим шароитга мослашган навлар иштирокида олинганлиги ва ҳар бир авлодда олиб борилган танловларнинг самарадорлиги билан изоҳлаймиз.

Дзанинг тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан яна бири - солиштирма узилиш кучидир. Ўрганилган 7 та тизмадан 4 тасида толанинг солиштирма узилиш кучи 38 дан юқори бўлди. Солиштирма узилиш кучи бўйича энг юқори кўрсаткичлар 40,3 ва 41,4 тенг бўлиб, Л-Т x S-2515, Л-Т x S-6593 тизмаларида намоён бўлди. Андоза St. "Наманган-77" ва St. С-6524 навларида толанинг солиштирма узилиш кучи 29,4 ва 30,2 гк/текс га тенг бўлди. Яъни, юқори кўрсаткичлар кузатилган Л-Т x S-2515, Л-Т x S-6593 тизмаларида ушбу белги андоза навларига нисбатан ўртача 11,0 га юқори бўлган бўлса, қолган тизмаларда 6,8 дан 8,3 гача юқори бўлиши кузатилди. Ўрганилган барча тизмаларда толанинг солиштирма узилиш кучи кўрсаткичлари бўйича V тип тола сифатига тўғри келади. Олиб борилган тадқиқотлар нати-

жасида тола сифати кўрсаткичлари юқори бўлган, жумладан, тола узунлиги 1,22 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4,3 мкг/дюйм, солиштирма узилиш кучи 41,3 гк/текс га тенг бўлган Л-Т x S-6593 тизмаси, мазкур кўрсаткичлар мос равишда 1,21; 4,5; 38 га тенг бўлган Л-Ю x S-6596 тизмаси, ва 1,18; 4,5; 40,3 га тенг бўлган Л-Т x S-2515 тизмалари ажратиб олинди. Маълумки, ўзанинг тола сифати ва чиқими ўртасида тескари салбий корреляцион боғланишлар кузатилиб, бу мазкур белгиларни битта генотипда мужассамлаштиришни қийинлаштиради. Мазкур муаммонинг ечимига селекционерлар комплекс белгилар бўйича танлов олиб бориш билан эришиши мумкин. Тола сифати бўйича ажратиб олинган тизмаларнинг тола чиқимини таҳлил қиладиган бўлсак, Л-Т x S-6593 тизмаси ушбу кўрсаткич 39,1%, Л-Ю x S-6596 тизмасида 39,2%, Л-Т x S-2515 37,6% ни ташкил этди. Тадқиқотлар натижасида юқори тола сифати ва чиқимига эга бўлган Л-Т x S-6593 ва Л-Ю x S-6596 тизмалари селекцион жараёнларни давом эттириш мақсадида ажратиб олинди.

Дзанинг узоқ географик тизмаларида тола сифати параметрлари шаклланиши

Андоза навлар ва тизмалар	LEN	MIC	STR
St. Наманган	1,15	4,9	29,4
St. С-6524	1,17	4,8	30,2
Л-578	1,26	4,5	32,7
Л-Т	1,25	4,7	38,5
Л-Ю	1,25	4,4	34,5
S-6003	1,25	4,2	34,2
S-2515	1,10	4,4	33,5
S-489	1,13	5,1	33,2
S-6082	1,10	4,4	33,5
S-6593	1,20	4,1	30,3
S-6596	1,07	4,6	39,4
Л-578 x S-6003	1,16	4,5	37,5
Л-Т x S-6003	1,19	4,6	36,0
Л-Т x S-2515	1,18	4,5	40,3
Л-578 x S-6082	1,15	4,7	38,2
Л-578 x S-489	1,24	4,3	36,4
Л-Т x S-6593	1,22	4,3	41,4
Л-Ю x S-6596	1,21	4,5	38,0
ЭКФ _{0,5}	0,05	0,07/	2,8

Тиллахан СЕЙТНАЗАРОВА,

"Цитогенетика ва селекция" лаборатория мудири,
қ.х.ф.ф.д.,

Жамил ТУҒОНОВ,
кичик илмий ходим,

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот
институтини.

АДАБИЁТЛАР

1. Волокно хлопковое (технические условия). Государственный Центр стандартизации, метрологии и сертификации республики Узбекистан. Ташкент, 2001 г.
2. Худайкулиев А. Селекция хлопчатника рода *Gossypium* на качество волокна // Ашхабат: Ылым, 1976.-205 с.

КУЗГИ БУҒДОЙ ЯНГИ НАВЛАРИ ҚИШГА ЧИДАМЛИЛИГИНИНГ НАВ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Annotation. The dependence of winter wheat hardiness on planting dates and the biological feature of sorts. The article presents an analysis of the causes of thinning of new winter wheat sorts during the winter season on irrigated lands. It sets out the effect of the content of monosaccharides, disaccharides, total sugar in the leaves, in the tillering nodes of winter varieties of wheat and Chillaki and Krasnodar99 in the autumn, winter, spring time of plant hardiness.

Кузги буғдой ўсиши, ривожланиши ва шаклланишида асосан иккита фаслдан: куз ва баҳордан фойдаланилади. Кузги ривожланиш даври уруғ экилишидан доимий совуқлар тушгунча давом этади. Баҳорги ривожланиш даври ўсимликнинг ҳосил поялари пайдо бўлишидан ўсимликнинг нобуд бўлишигача бўлади. Ўсимликларда ҳароратнинг пасайиши ва ёруғликнинг қисқариши билан ўсиш жараёни тўхтайдди. Тупланиш тугунида ва баргларида асосан қанд ва бошқа пластик моддалар захирада тўпланиб боради. Қишда совуқлар тушиши билан ўсимлик тиним даврига ўтади. Натижада кузги буғдойда муҳим жараёнлардан бири паст ҳароратга мослашиш жараёни содир бўлади. Ўзбекистонда об-ҳаво шароити донли экинларда ўзига хос хусусиятларда ўтади. Энг паст ҳаво ҳарорати айрим йилларда ноябр ойида нол градусдан пастга тушгани $-11,1 - 14,1^{\circ}\text{C}$, шу билан бир вақтда, айнан шу ўн кунликда энг юқори об-ҳаво ҳарорати $+18,0 - 12,0^{\circ}\text{C}$ етганлиги аниқланган. Шунинг учун кузги буғдойда физиологик фаол жараёнлар ва ўсиш жараёни тўлиқлигича яқунланмайди. Бундай хусусият баҳорги дуварак навлар кузда экилганда кузатилади. Қишга чидамсиз навлар баҳор ойларида қор эригандан кейин илиқ ҳавода ҳам ҳосил органлари ривожланишда давом этади. Ҳаттоки, киш ойларидаги илиқ ҳароратдан ҳам фойдаланиб ривожланишда давом этади. Бу жараён ўсимликнинг қишга чидамсизлигини ошириб, нобуд бўлишига ҳам олиб келади. Қишга чидамли кузги буғдой навларига ҳаво ҳарорати ошгани кўп ҳам таъсир қилмайди. Уларда фаол ривожланиш жараёнлари фақатгина қулай ҳароратда ва ёруғлик етарли бўлгандагина жадаллашади. Бу киш илиқ, баҳор эса совуқ келган йиллардагина ўсимликларнинг сақланиб қолишини таъминлайди. Шунингдек, кузги буғдой қишки тиним даврига ўтганда ўсидан тўхтайдди.

Долзарблиги ва илмий янгилиги. Буғдойнинг қишга чидамлилиги навнинг хусусиятларига ва ўсиш шароитига ҳам боғлиқ. Бу асосий омиллар ўсимликдан юқори ҳосил олиш манбаи булиб хизмат қилади. Буғдойнинг “қишга чидамлилик” атамаси бизнинг шароитда нисбатан эскирган атама ҳисобланади. Ўсимликнинг ҳосилдорлиги куз, киш ва баҳор ойларидаги ривожланиш даврига боғлиқ. Қиш фасли эса ҳар доим ҳам кузги буғдойнинг ривожланиши учун нуқулай давр бўлиб ҳисобланмайди.

Кузги буғдойнинг қишга чидамлилиги Ўзбекистонда Г.А. Лавронов, А.Аманов томонидан, шунингдек, Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида Келдиёрова Х.Х., Хаджаев Ж.Х.,

Сиддиқов Р.И., Халилов Н., Бобомирзаев П.Х., томонидан ўрганилган.

Аммо янги навларда қишга чидамлилик кузги ва дуварак навларда етарлича ўрганилмаган. Сентябрьдан декабр ойларидаги илиқ ҳарорат буғдойга ижобий таъсир этгани учун ўсиши ва ривожланиши учун қулай давр бўлиб ҳисобланади. Куз келиши билан кунлар қисқариб бошлайди (22 сентябрдан кун ва тун тенглашади) ёруғлик камайиб, ҳарорат ҳам пасая бошлайди. Бунда ўсимлик ривожланишдан тиним даврига ўта бошлайди. Ўзбекистонда кузги буғдой қишки совуқдан эмас, балки кузги ва қишки қурғоқчиликдан, ёгингарчиликнинг етишмаслигидан, тупроқда нам етишмаслигидан нобуд бўлади. Тупроқдаги сув муз ҳолатида бўлиши ҳароратнинг паст бўлиши, ўсимлик уни ўзлаштира олмаслиги сабабли нобуд бўлади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда кузда экилган янги буғдой навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда қишлаб чиқиш механизмини ўрганиш, кузги буғдой навларининг қишга чидамлилигини ўрганиш орқали ҳосилдорлигини ва дон сифатини оширишдаги аҳамиятини аниқлаш дончиликдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари. Дала тажрибалари Тошкент вилояти “Ўсимликлар генетик ресурслари” илмий-тадқиқот институти тажриба майдонида ўтказилган. Тажриба 4 қайтариқда кўйилган. Ҳисобга олинган пайкалча катталиги 50 кв.м. Тупроғи типик бўз тупроқ. Тадқиқот объекти сифатида кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва дуварак “Чиллаки” навлари олинган. Экиш меъёри 5 млн. уруғ/га. Кузги буғдой тупланиш фазасида, тупланиш тугуни ва барглари таркибидаги моносахаридлар, дисахаридлар ва умумий эриган қанд миқдорлари Хроматографик (А.Павлюшина) усулида аниқланди. Тажрибада кузги буғдой учун минтақада қабул қилинган етиштириш технологияси қўлланилган.

Қишлоқ даврида айрим пайтлари ҳароратнинг илиқлашуви натижасида қанд нафас олишга сарфланиши туфайли

Кузги ва дуварак буғдой навлари барглари ҳамда тупланиш тугунида сувда эрийдиган қанд миқдори, %

Ўсимликдан намуна олиш муддати	Моносахаридлар		Дисахаридлар		Умумий қанд	
	баргларида	тупланиш тугунида	баргларида	тупланиш тугунида	баргларида	тупланиш тугунида
Краснодарская-99						
15.12	3.6	6.2	17.0	23.5	20.8	29.6
15.01	7.3	10.3	14.8	20.1	22.1	30.6
20.03	1.4	2.7	6.0	15.9	7.3	18.9
Чиллаки						
15.12	2.8	4.8	14.6	20.6	16.4	24.7
15.01	5.4	7.6	12.9	17.3	17.8	24.5
20.03	1.3	2.3	4.4	13.9	5.6	16.4

баҳорги вегетациянинг бошланишига келиб ўсимликда унинг миқдори камайиши кузатилди. Кузги буғдойнинг тупланиш тугунида барглр таркибидагига нисбатан қанд миқдорининг бир неча баробар кўп бўлиши аниқланди.

Кузги буғдойнинг тупланиш тугунида қанд миқдорининг тўпланиши регенерация жараёни учун жуда муҳим ҳисобланади. Қиш даврида нобуд бўлган илдиз ва барглрнинг тикланишида пластик моддалар захираси янги ўсиш нуқтаси ва тупланиш бўғинидан ҳосил бўладиган поя ва илдизларнинг шаклланишига сарфланади.

Кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навининг қиш давомида тиним даври узоқ, дуварак “Чиллаки” нави қиш давридаги илиқ кунларда ҳам тиним даврига тўлиқ кирмаганлиги, янги барглр ҳосил қилганлиги кузатилди. Шунинг учун “Чиллаки” навининг барги ва тупланиш тугунида қандлар миқдори кам бўлиши аниқланди.

Кузги буғдой ўсимлиги таркибидаги эрийдиган қандлар куздан қишга томон ошиб бориши, ўсишни бошланиши қишдан баҳорга томон камайиб бориши аниқланди. 15 декабрда “Краснодар-99” навида умумий қанд миқдори барглрда 20,5%, тупланиш тугунида 29,6%, 15 январда мувофиқ ҳолда 22,1; 30,6 бўлса, 20 мартда 7,3 ва 18,9% бўлиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, иккала навда ҳам барглрда қанд миқдори тупланиш тугунидагига нисбатан кам бўлиши аниқланди. Биологик кузги нав “Краснодар-99” да қанд миқдори барг ва тупланиш тугунида “Чиллаки” навиникига нисбатан юқори бўлиши, “Чиллаки” навида нисбатан барглр ва тупланиш тугунида қанднинг миқдори барча вариантларда кам бўлиши аниқланди.

Лола ХАЛИЛОВА,

ТошДАУ докторанти (қ.х.ф.ф.д).

АДАБИЁТЛАР

1. Аманов М.А. Устойчивость пшеницы Узбекистана к неблагоприятным факторам среды. – Ташкент.
2. Келдиёрова Х.Х., Хўжаев Ж.Х. Зарафшон водийсида ҳар хил муддатларда экилган буғдой навларининг иқтисодий самарадорлиги. //Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция материаллари, Тошкент.
3. Лавронов Г.А. Ўзбекистон буғдойлари. Т.: Ўзбекистон.
4. Сиддиқов Р.И. Суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштириш технологиясини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари: Қ.-х. фан. док. Дис... автореферати. Тошкент.
5. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси (Монография).

УЎТ: 664.854.28

ТАДҚИҚОТ

ҚУРИТИЛГАН УЗУМ ТЎППАСИНИНГ МАКРО- ВА МИКРОЭЛЕМЕНТАР ТАРКИБИ

Аннотация: Мақолада узум мевасидан гўра тайёрлаганда чиқадиган узум тўппасининг макро- ва микроэлементар таркиби бўйича тадқиқот ишининг натижалари келтирилади.

Аннотация: В статье приводятся результаты научно-исследовательской работы макро- и микроэлементарного состава виноградной выжимки.

Annotation: The article presents the results of the research work of the macro- and microelement composition of grape pomace.

Узум тўппаси узум гўрасини тайёрлаш учун узумни майдалаб шарбатини сиқиб олгандан кейин қолган масса ҳисобланади. Биз ана шу тўппани табиий шароитда офтобда 3-4% намлик қолгунча қуритиб, қуруқ узум тўппасини олдик. Узумдан гўра тайёрлаганда қуруқ тўппанинг чиқиши 4-5 фоизни ташкил этди.

Маълумки, узум мевасининг таркибида сувда эрувчан моддалардан ташқари сувда эримайдиган моддалар ҳам мавжуддир. Уларнинг миқдори узумнинг нави ва ширинлик даражасига қараб 6-8 фоизини ташкил этади (1). Шундай моддалар қаторига минерал моддаларни киришиш мумкин. Илмий адабиётлардаги маълумотлар шундан далолат берадики, узум тўппаси одам организмида ҳазм бўлмайдиган углеводлар, бир сўз билан айтганда, балласт моддаларига бой ҳисобланади (2). Биз

ана шу юқоридагилардан келиб чиқиб, қуритилган узум тўппасининг макро- ва микроэлементар таркиби билан қизиқдик. Шунингдек, майдалаб қуруқ ҳолига келтирилган массани озик-овқат маҳсулотларининг таркибини бойитишда қўллаш мумкинлиги борасида тадқиқотлар ўтказишни вазифа қилиб қўйдик.

1- жадвал.

Узум тўппасининг макро-ва микроэлементар таркиби

т/р	Макро- ва микроэлементлар	Миқдори, мг/100 г	т/р	Макро- ва микроэлементлар	Миқдори, мг/100 г
1.	Na (натрий)	306,51	10.	Sr (стронций)	47,60
2.	Mg (магний)	673,07	11.	Ti (титан)	1,78
3.	Ca (кальций)	2031,28	12.	Cr (хром)	222,7
4.	P (фосфор)	1253,76	13.	Sn (калай)	1,08
5.	Fe (темир)	136,19	14.	Mo (молибден)	499,8
6.	S (олтигугурт)	1,43	15.	Zr (цирконий)	13,0
7.	Al (алюминий)	25,98	16.	Se (селен)	2,6
8.	B (бор)	35,75	17.	Mn (марганец)	8,72
9.	Ba (барий)	1,88	18.	Co (кобальт)	49,0

Узум тўппасининг макро- ва микроэлементар таркиби ЎзФАнинг Биоорганика илмий-текшириш институтининг Инструментал кимё лабораториясида спектрофотометрик усулда аниқланди. Тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвал маълумотларида келтирилди.

Бу узум тўппаси таркибида асосан сувда эримайдиган моддалар (клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва минерал моддалар) бўлади.

Келтирилган жадвалдаги маълумотлар шундан далолат берадики, микдор жиҳатидан олинганда узум тўппасидаги энг асосий макроэлементлар (мг/100 г): кальций (2031,28), фосфор (1253,76), магний (673,07), натрий (306,51) лар ҳисобланади.

Кальций, фосфор, магний тузлари суякларнинг ҳамда тишларнинг тузилиши учун зарур элементлар бўлиб ҳисобланади. Фосфор суякларнинг мустаҳкамлигини ошириш билан бирга бутун организмнинг ҳаёт фаолиятида муҳим ўрин тутди. Фосфор асаб тўқималари таркибига кириб, асаб системасининг нормал ишлаб туриши учун ҳам зарурдир, магний тузлари суяк тўқималарини мустаҳкамлашда ва юрак-қон

томири системасининг нормал ишлаб туришида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, тадқиқот натижалари асосида узум тўппаси таркибида селен, кобальт, хром, цирконий, молибден каби ноёб микроэлементлар борлиги ҳам аниқланди. Бу микроэлементлар инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Масалан, селен инсон организмда ҳосил бўладиган эркин радикалларни нейтраллаб, ҳужайраларни кадмий, қўрғошин, симоб, маргимуш каби заҳарли элементларнинг таъсиридан ҳимоя қилади.

Умуман олганда, узум тўппаси макро- ва микроэлементларга бой бўлганлиги учун бу хомашёни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини бойитувчи қўшимча манба сифатида ишлатиш мумкинлигини изоҳлаш ва тавсия бериш масалалари кейинги бажариладиган тадқиқот ишларимизнинг мавзусини ташкил этади.

Акрам ҒАФУРОВ,
катта ўқитувчи,
Рузбой НОРМАХМАТОВ,
т.ф.д., профессор,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизов А.Ш., Юсупов Н.Ш. Химико-технологические показатели различных сортов винограда Ферганской долины Республики Узбекистан. Ж. "Химия и биология", 2020, №6 (72).

2. А.А. Рыбаков, С.А. Остроухова. Виноградоводство. Учебное пособие для студентов сельскохозяйственных институтов. Ташкент, «Мехнат», 1988 г.

ЎЎТ: 635.25

ТАДҚИҚОТ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ПОРЕЙ ПИЁЗИ ЕТИШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада порей пиёзининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига оид маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В данной статье приводятся данные о росте, развитии и урожайности лука-порей.

Annotation: This article provides information on the growth, development and productivity of leeks.

Кириш. Инсонлар бир неча минг йиллардан буён пиёзнинг ҳар хил турларини озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилиб келмоқда. Порей пиёзини қадимги мисрликлар милoddан олдинги 3000 йилда озиқ-овқат ўсимлиги, яъни сабзавот сифатида етиштирган. Ҳозирги кунда порей пиёзи дунё мамлакатларида 0,126 млн. га майдонга экилиб, 2,1 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилади. Порей пиёзини кўп етиштирувчи мамлакатлар Индонезия (0,5 млн. т), Туркия (0,2 млн. т), Белгия (0,18 млн. т), Франция (0,16 млн. т), Хитой (0,15 млн. т) каби мамлакатлар ҳисобланади. Дунё бўйича порей пиёздан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 16,9 т/га бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик (38,5-46,2 т/га) Жанубий Корея, Германия, Хитой, Швеция ва Белгияда олинади.

Порей пиёзи маданий экин сифатида икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили майда, узунчоқ, йўғонлашган сохта пояга туташган бошпиёз ва узун ясси барглар ҳосил қилади. Иккинчи йили пиёзбошдан гулпоя чиқариб, йирик гул тўплам уруғ беради.

Порей пиёзининг тезпишар навлардан "Каратанский", "Kolambus", "Vesta", "Хобот слона", "Goliat", "Килима", ўртапишар навларидан "Djolant", "Kazimir", "Kamus", "Tango", "Bastion", кечпишар навларидан "Elefant", "Бандит", "Осенний гигант", "Asgeos", "Merkuriy" hamda Linkolin F₁, Chinuk F₁, Cherokee F₁, Takrima F₁ каби дурагайлари тарқалган.

Бизнинг тажрибаларимизда порей пиёзининг нав ва дурагайлари комплекс ўрганилиб, эрта ҳосил олиш учун мақбул экиш муддатлари ҳамда экиш схемалари ва озиқланиш майдони аниқланди.

Тажрибада порей пиёзининг танланган 2 та Linkolin F₁ ва Volgarskiy F₁ дурагайлари 3 та экиш муддатларида (20 апрел, 1 май (назорат), 10 май) ва 3 та экиш схемаларида (70×5 см, 70×10 см, 70×15 (назорат) см) экиб ўрганилди. Натижалар назорат варианты билан таққосланди. Ҳар бир вариант 4 қатор, 4 қайтариқда жойлаштирилди. Эгат узунлиги 10 м. Ҳар бир делянка майдони 28 м². Ҳар бир дурагай ва экиш схемаси бўйича қайтариқларнинг майдони 112 м² та шкил этди.

Тадқиқотларимизда порей пиёзининг Linkolin F₁ ва Volgarskiy F₁ дурагайлари 3 та экиш муддати, яъни 20 апрел, 1 май (назорат), 10 май экиш муддатларида кўчатларидан экиб ўстирилганда ўсимлик бўйи 82,3-86,2 см ни, сохта поя узунлиги 16,0-16,5 см ни, сохта поя диаметри 3,7-4,0 см ни ташкил этди. Ушбу биометрик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижа 20 апрел муддатида экилганда олинди. Тажрибаларда ўрганилган Linkolin F₁ ва Volgarskiy F₁ дурагайларида ушбу муддатда экиб ўстирилган ўсимликлар вегетатив қисмларининг ўртача вазни бўйича ҳам юқори натижа кўрсатиб, бир дона порей пиёзи ўсимлиги вазни

313,8–341,9 граммни, товар маҳсулот ҳисобланган сохта поя вази 182,2 – 198,3 граммни, бир дона порей пиёзининг барглари вази 105,8–110,9 граммни, илдиз вази эса 25,8–32,7 граммни ташкил этди.

Порей пиёзи кўчатларининг турли экиш муддатлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинганда, ушбу ўрганилган иккала дурагайда вариантлараро ўртача ҳосилдорлик гектаридан 21,9–25,1 тоннадан иборат бўлди.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижа 20 апрелда экилган муддатда олиниб, ўртача гектаридан 23,9–25,1 тоннани ташкил этди.

Тажиба мақсад ва вазифаларини бажариш доирасида порей пиёзининг давлат реестрига киритилган Linkolin F₁ ва истиқболли Bolgarskiy F₁ дурагайлари турли экиш схемаларида ҳам экиб ўстирилди. Бунда порей пиёзининг иккала танланган дурагайлари 70×5 см, 70×10 см, 70×15 (назорат) см схемаларда экиб ўрганилди. Экиш схемалари бўйича олиб борган тажибаларимиз натижалари шуни кўрсатдики,

ўсимлик бўйи, сохта поя узунлиги, сохта поя диаметри, ўсимлиги вази, сохта поя вази, барглари вази, илдиз вази бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич порей пиёзининг кўчатлари 70×5 см схемада экилганда қайд этилди. Ушбу экиш схемасида гектаридан энг юқори ҳосилдорликка эришилиб, ўртача 35,7–38,4 тоннани ташкил этди.

Хулоса. Демак, порей пиёзининг Linkolin F₁ ва истиқболли Bolgarskiy F₁ дурагайлари 20 апрел муддатида 70×5 см схемада экиш ўсимлик бўйи, сохта поя узунлиги, барглари вази ҳамда сохта поя диаметрининг ортишини ва юқори товар ҳосил чиқимини таъминлаб, гектаридан 35,7–38,4 тонна сифатли ҳосил олинди.

Ҳаёт ҚУРБОНОВ,
таянч докторант, СамДУ,
Ғайрат САНАЕВ,
тадқиқотчи, ТДАУСФ,
Музаффар РОЗИҚОВ,
магистр, СамДУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Асатов Ш.И., Қодирхўжаев О., Мирзасолиев М.М. Пиёзни такрорий экин сифатида кўчатидан етиштириш технологияси. Тавсиянома. Т., Наврўз., 2018-б 22.
2. Мирсолиев М.М., Боликулов Ф.О. Порей пиёзи етиштириш. Қўлланма. Т., 2021.
3. Остонақулов Т.Е., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Дарслик. Т., 2018.
4. Санаев С.Т., Қурбонов Ҳ.У., Санаев Г.Ш., Ж.Ш.Юсуфов. Экиш муддатлари ва экиш схемасининг порей пиёз ҳосилдорлигига таъсири. Илмий-амалий конференция. 142-145 бетлар. Самарқанд., 2022.
5. <https://agro-olam.uz>.

УЎТ: 632.514.75.

ТАДҚИҚОТ

МЕВА БОҒЛАРИДАГИ ДАНАКЛИЛАР ТУРЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Аннотация. Мақалага Қорақалпоғистон шароитида мавжуд мева дарахтлари турларидан данаклиларга мансуб шафтоли ва ўрикга катта зарар келтирадиган шираларга қарши ишлатилган кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари киритилган.

Аннотация. Приведены результаты исследований по определению биологической эффективности химических препаратов, применяемых против тли, наносящей большой вред персикам и абрикосам, относящимся к бобовым плодовым деревьям, в условиях Каракалпакстана.

Annotation. The results of the research on determining the biological effectiveness of chemical preparations used against aphids, which cause great damage to peaches and apricots belonging to leguminous fruit trees in the conditions of Karakalpakstan, are included.

Қорақалпоғистон Республикаси агробиоценози мева боғлари биотопида мавжуд ва сўнги йиллари барпо этилган мева боғлари мева дарахтларидан данаклиларга мансуб ўрик (*Armeniaca vulgaris* Lam.), шафтоли (*Persica vulgaris* Mill.), олхўри (*Prunus domestica* L.), олча (*Cerasus vulgaris*) турлари экилиб, сўнги йиллари барча хўжалиқларда янгидан мевазорлар барпо этилаётганлиги ҳисобга олинган. Бу борадаги асосий муаммолардан бири уларни мазкур турларнинг асосий зараркунандаларидан ҳисобланган ширалар зараридан ҳимоя қилиш ҳисобланади [1;2;3].

Сўнги йиллари экологик омиллар элементлари ўзгариши туфайли мазкур агробиоценоз ўрик биотопида ўрик-қамиш (*Hyalopterus pruni* Geoffr.), шафтолида – шафтоли (*Myzodes persicae* Sulz.), катта шафтоли (*Pterochloroides persicae* Chol.) ширалари турлари кўпайиб зарар келтириб, мева дарахтларида эрта баҳордан бошлаб пайдо бўлиб, сони кўпайиши билан, ушбу далаларга яқин жойлашган сабзавот-полизи

экинларига хавфли зарар келтирадиган ривожланиш динамикаси аниқланди.

Мазкур турларнинг эрта баҳордан бошлаб тарқалиши ва ривожланишини бартараф этиш учун шираларнинг ривожланиш биоэкологиясидаги асосий хусусиятларини ҳисобга олиб кимёвий препаратларнинг ҳар хил турлари ва меъёрларини қўлланилгандаги биологик, хўжалик-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотларимизнинг давоми сифатида 2022 йили ўрик баргларида учраган ўрик-қамиш шираси сони ўртача 31,3–44,2 дона бўлган ўрик, 17,4–22,5 донага кўпайган шафтоли туллари белгилаб олиниб, қўлда олиб юриладиган пуркагичлар ёрдамида препаратларнинг ҳар хил меъёрлари танланиб ишлов берилди (жадвал 1.).

Натижа шуни тақозо этадики, мева дарахтларда ишлатиш учун ажратиб олинган кимёвий препаратлар меъёрларини мақбул усулда қўлланилганда биологик самарадорлиги ишлов

Шираларга қарши ишлатилган кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.
Қорақалпоғистон, 2022 йил, май-июнь, дала тажрибаси

Препаратлар	Сарф-меъёри, л/га	<i>Hyalopterus pruni</i> Geoffr.			<i>Myzodes persicae</i> Sulz.		
		Кунларда		Ишловгача сони, дона	Кунларда		Ишловгача сони, дона
		Сўнгги, %	1		14	Сўнгги, %	
Атилла супер, 10% эм.к.	02	32,3	56,0	97,5	20,3	65,3	97,1
Данадим эксперт, 40% эм.к.	08	36,8	66,7	98,5	18,5	65,4	93,6
Данадим эксперт, 40% эм.к.	1,5	41,4	81,2	99,4	21,6	80,4	98,8
Кинмикс, 5% эм.к.	03	39,5	54,4	96,2	22,5	68,1	97,3
Суми, 55% эм.к.	05	36,3	62,2	95,9	19,8	68,6	97,3
Суми, 55% эм.к.	1,0	38,1	75,7	98,7	20,6	80,9	98,4
Фуфанон, 57% эм.к.	1,0	31,3	58,0	97,5	17,4	70,0	95,8
Фуфанон, 57% эм.к.	2,0	44,2	81,0	99,4	19,8	82,1	99,0
Данитол, 10% эм.к. (андоза)	1,5	40,3	65,0	97,8	17,7	49,9	97,0
Назорат (ишлов берилмаган)	-	38,5	-	-	18,7	-	-

берилгандан кейинги куни 56,0-81,0% ташкил қилган бўлса, 14 кундан сўнг ўтказилган ҳисоботларда тадбирнинг биологик самарадорлиги 98,5-99,4% ташкил қилиб, зараркунандалар ривожига тўла бартараф этилди.

Мазкур препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш учун шафтоли баргларида шафтоли шираси кўпайган дарахтлар ажратилиб, махсус усулларда ишлов бериш ташкиллаштирилганда препаратларнинг биологик самарадорлиги ишлов берилгандан сўнгги 1-куни 49,9-80,9% ва 14-кунда 93,6-99,0% ни ташкил қилганлиги, ширалар келтириши кутилган ҳосилни тўла ҳимоя қилганлигини исботлади. Шафтоли дарахтларининг вегетация даври охиригача кузатувлар олиб борилганда мақбул вақт ва усулда ишлатилган кимёвий препаратлар таъсирдан нобуд бўлган шираларнинг қайта ривожланиши кузатилмади.

Кимёвий препаратлар ишлатилган ширалар вақтида йўқ этилиши туфайли ўрик ва шафтолидан олинадиган ҳосилнинг салбий таъсирлари бўлмаганлиги ва етарли даражадаги ҳосил олинганлиги, мазкур тадбирни берилган тавсияга асос

барча данакли мева дарахтларида ишлатиш кутилган самара бериши исботланди.

Хулоса. Қорақалпоғистон агробιοценози ўрик ва шафтоли мева турлари дарахтларида пайдо бўладиган шираларга қарши кураш усулларини сони кўпайишини ҳисобга олиб биотопда ишлатиш учун рухсат берилган кимёвий препаратлар қўлланилганда тадбирнинг биологик самарадорлиги етарли даражани таъминлаб, шираларнинг зарар келтириш мезонидан пастда ушлаб туриш имкони яратилади. Ўрик ва шафтоли дарахтларида тавсия этилган кимёвий препаратларни гектарига 300-400 литр ишчи суюқлик меъёрида томорқаларда қўлда ишлатиладиган пуркагичлар, катта далаларда тракторларга осилган агрегатлар ёрдамида ишлатилганда биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликка эришилади.

Тилеўмурат ТОРЕНИЯЗОВ,
таянч докторант.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Обиджонов Д.А. Опасный вредитель в садах Узбекистана // Защита и карантин растений. – Москва, 2009. – №3. – С. – 52.
2. Терениязов Е.Ш. Зьянкеслерге қарсы интеграциялык гүрес өткерийдиң илимий тийкарлары. – Неқис: Билим, 2014. – 176 б.
3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: «Наврўз», 2015. – Б. 102-186.

УО'Т: 619:636.3:616.9:591.2

TADQIQOT

QO'YLARNING BRADZOT VA YUQUMLI ANAEROB ENTROTOKSIMIYA KASALLIKLARINING KLINIK BELGILARI VA PATOLOGOANOTOMIK O'ZGARISHLARI

Аннотация. Ushbu maqolada qo'ylarning bradzot va yuqumli anaerob entrotoksimiya kasalliklarining klinik belgilari va patologoanotomik o'zgarishlaridagi o'xshashlik va farqlar haqida ma'lumot berilgan. Bu, o'z navbatida, kasalliklarga aniq tashxis qo'yishda hamda ushbu kasalliklarning oldini olish chora-tadbirlarini to'g'ri amalga oshirishga imkon beradi.

Аннотация. В статье приведены сведения о сходстве и различии клинических признаков и патологоанатомических изменений браздотозной и инфекционной анаэробной энтеротоксической болезни овец. Это, в свою

очередь, позволяет проводить точную диагностику заболеваний и правильно проводить мероприятия по предупреждению этих заболеваний.

Annotation. This article provides information on the similarities and differences in the clinical signs and pathoanatomical changes of bradzet and infectious anaerobic enterotoxemia diseases of sheep. This, in turn, allows for accurate diagnosis of diseases and the correct implementation of measures to prevent these diseases.

Mavzuning dolzarbligi: So'nggi yillarda qo'ylarning bradzet yuqumli anaerob enterotoksimiya kasalliklari yuqumli kasalliklar orasida alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiy zarar kasal hayvonlarning nobud bo'lishi, majburiy so'yish va profilaktika choralariga sarflangan xarajatlardan iborat. Bradzet o'tkir kasallikdir, shuning uchun terapevtik choralar har doim kerakli ta'sirni bermaydi. Kasallikka qarshi samarali choralar yaratish uchun uning epizootik holatini o'rganish kerak. O'z vaqtida, to'g'ri tashxis qo'yish asosiy vazifalardan biri bo'lishi kerak. Ushbu muammolarni hal qilish uchun bradzet kasalligining klinik belgilar va patoanatomik o'zgarishlarni o'rganish lozimdir.

Mavzuning o'rganilganlik darajasi: Bradzet yashin tezligida va o'tkir kechadi. Boshlanishda ular shirdon va ingichka ichakda alternativ eksudativ yallig'lanish chaqiradi, keyinchalik, umumiy intoksikatsiya natijasida, jigarda, buyraklarda, miokarda va boshqa organlarda distrofik-nekrotik jarayonlar avj oladi. Intoksikatsiyaning kuchli va tez rivojlanishi organizmning hujayra va gumoral reaktivligini susaytiradi, shuning uchun ham kasallik yashin tezligida (15-30 min ichida), kamdan-kam hollarda (3-24 soat) o'tkir kechadi. O'lim oldidan og'zidan ko'piksmon suyuqlik oqadi. Tana harorati bir oz ko'tarilishi mumkin. O'tkir kechganda ham tana harorati bir oz ko'tariladi, holsizlanadi, hech narsa yemay qo'yadi. Nafas olish va yurak-tomirlar faoliyati tezlashadi. Burun va og'iz bo'shlig'idan ko'piksmon shilimshiq suyuqlik oqadi. Ba'zan qon aralash ich ketadi, siydik tez-tez ajraladi, qorin shishadi, kasal qo'y tishlarini g'ichirlatadi. Ayrim hollarda bezovtalanib, oyog'ini tap-tap qilib tashlaydi, bir joyda aylanaveradi, yotgan joyida oyoqlarini suzib yurgandek harakatga keltiradi. Vaqti- vaqti bilan qaltiraydi. Odatda bezovtalanish umumiy holsizlanish bilan almashinadi. Kasal qo'y umumiy holsizlanish va qattiq hansirash natijasida 10-14 soat ichida halok bo'ladi. Kasallik cho'zilsa, 3-5 kun davom etishi mumkin.[3;4]

Bradzetdan o'lgan qo'yning o'laksasi 2-5 soat ichida juda shishib ketadi. Shish shunchalik kuchli bo'ladiki, ayrim hollarda, hatto, teri yorilib ketishi ham mumkin, rangi ko'karib ketgan bo'ladi. Juda tez iriy boshlaydi. O'laksadan iriyotgan hid chiqib, tabiiy teshiklardan qizg'ish suyuqlik oqib turadi. Bosh, bo'yin, ko'krak va boshqa joylarda havo aralash serozgemorragik infiltrat to'planadi. Juni yengil yulini. Og'iz, burun va ko'z shilliq pardalari ko'kimtir bo'lib ketadi. Traxeya va bronxlarda nuqtali qon quyilishi kuzatiladi. Ko'krak va qorin bo'shlig'ida qizg'ish suyuqlik to'planadi. O'pka shishgan bo'ladi, epikard va endokarda qon quyilish ko'zga tashlanadi. Oshqozonning oldingi bo'linmalari to'la. Shirdon va o'n ikki barmoq ichak shilliq pardalari shishib, qattiq qon quyilishi kuzatiladi. Jigarda turgun giperemiya va distrofiya, shuningdek, har xil kattalikdagi (no'xatdek hajmdan o'rmon yong'og'igacha bo'lgan kattalikda) kulrang-sariq nekroz o'choqlari uchraydi. Kechiktirib yorganda jigra kulrang-loy rangda, parenximasida gaz pufakchalari ko'p ko'rinadi. Buyraklar qoramtir-qizil, ba'zan kulrang-loysimon rangda bo'ladi, yumshagan, kesganda miya va po'stloq qismlarining chegarasi bilinmaydi. [3;5;6;8]

Entrotoksimiya kasalligi o'ta o'tkir, o'tkir va surunkali kechadi. Kasallikning yashirin davri bir soatdan 10-12 soatgacha davom etadi. Ayrim guruh ko'zatuvchilar enterotoksemiya komatoz va gemorragik holatda kechadi degan fikrdadir.[4;5]

O'ta o'tkir kechganda qo'ylar 2-3 soat ichida halok bo'ladi. Asosan qo'zichoqlar va semiz qo'ylarda kasallik klinik belgilar namoyon bo'lmasdan o'tadi. O'lgan qo'ylar qo'tonlar va yaylovlarda ertalab ko'rinadi. Kasallikka chalingan qo'ylar o'tlmasdan orqaroqda qoladi va bir oz holsizlanadi. Tana harorati normada yoki sal yuqoriroq, tomir urishi sekinlashgan va pasaygan bo'ladi. Kasal qo'ylarning yurishi beshiktebratarning chayqalib turish holatini eslatadi, ular sudralib borib yiqiladi. Yotgan joyida oyog'i bilan so'zish harakatini qilib, og'iz va burundan ko'piksmon suyuqlik oqadi, tez-tez siyadi, qon aralash ichi ketadi. Titroq tutib, tishini g'ichirlatadi, ko'zlari olayib ketadi, shilliq pardalar qizaradi. Oqibatda u o'ladi. [2;5]

O'tkir kechganda tana harorati 41°C ga chiqib ketadi, holsizlanish, ishtaha yo'qolib, qon va shilimshiq suyuqlik aralash ich ketishi kuzatiladi. Kasal qo'y chayqalib yuradi va oyoqda turib qoladi. Asab buzilishi ko'zga tashlanadi. Talpinib ilgari qarab yuradi, yiqilib turib yana yiqiladi. Og'zidan shilimshiq suyuqlik va ko'pik oqadi. Shilliq pardalar qonsizlanib, beixtiyor siyib yuboraveradi, oshqozon faoliyati susayib, kasal qo'y 2-3 kundan keyin o'ladi.

Yarim o'tkir kechishi ham yosh, ham katta yoshdagi qo'ylarda kuzatilib, o'ta o'tkir, o'tkir kechishning davomi bo'lishi mumkin. Bu shaklda ovqat hazm qilish buzilib, ishtaha bo'g'iladi, ichi kuyadi, ichi ketib, tez ozadi. Ichi ketganda o'ta yoqimsiz hid chiqib, shilimshiq modda yoki qon aralash bo'ladi. Ko'z qovog'ining shilliq pardalari qonsiz sarg'ish rangda bo'ladi. Qo'ylar ozib, ayrim joylaridan juni to'kiladi. Kasallik 10-12 kun davom etib, bo'g'oz sovlqlar bola tashlaydi. Agar qo'y sog'aysa, asta-sekin u-bu narsani yeya boshlaydi, oshqozon-ichak faoliyati tiklanga boshlaydi. Enterotoksemiya klostridiyaning S tipi bilan qo'zg'atilgan bo'lsa, ichak va parenximatuz a'zolarida gemorragik holat rivojlanadi. Agar kasallikning qo'zg'atuvchisi klostridiyaning D tipi bo'lsa (epsilon-toksin), toksemiya holatida kechadi. Bu kasallik o'ta o'tkir, o'tkir va surunkali kechib, glyukozuriya (siydikda qand ko'payishi) holati namoyon bo'ladi. [1;3]

Surunkali kechish oriq qo'ylarda ko'proq uchraydi. Kasal qo'ylar holsizlanadi, hech narsa yemay qo'yadi, shilliq pardalar qonsizlanadi, qo'y xomush bo'lib, mudrab turadi. Juda ozib ketadi. Qo'zilarining esa ishtahasi bo'g'ilib, bo'shshish qoladi, qaltirab, sanchiq tutadi, ichi ketib, asab buzilishi ko'zga tashlanadi. Kasal qo'ylarning bir qismi ba'zan sog'ayishi mumkin.

O'laksa tez shishib ketadi va iriy boshlaydi. Juni oson yulini va terida ko'kimtir katta-katta dog'lar bo'ladi. Og'iz va burundan qon aralash quyqa ko'pik chiqib turadi, terisi shilinganda gemorragik shish va qon qo'yilish kuzatiladi. Ko'krak va qorin bo'shlig'ida shilimshiq qizg'ish suyuqlik to'planadi. Epikarda qon quyulishi kuzatiladi. Katta qorinning shilliq pardasida qon quyulishi va yallishanish ko'zga tashlanadi. O'pka shishgan

va qontalashgan, qovuq qon aralash siydikka to'la, buyrak qontalashgan, kapsula tagiga qon quyulgan boladi. Buyrak shaklsiz massaga aylanib qoladi, juda ham bo'shab, xaltachaga to'ldirilgan atalasimon massaga ega bo'ladi. Qari qo'ylarda bu holat aniq namoyon bo'lmasligi mumkin. Limfatik tugunlar kesib ko'rilganda shilimshiq suyuqlik oqadi va kichik nekroz o'choqlari topiladi. [2;3;5]

Xulosalar. Entrotoksimiya kasalligida asosan qo'zichoqlar va semiz qo'ylarda kasallik klinik belglari namoyon bo'lmasdan o'tadi.

Bradzot va entrotoksimiya kasalliklarida patologoanatomik o'zgarishlarini farq qilishda asosiy belgilaridan biri bu entrotoksimiya kasalligi bilan o'lgan qo'yda buyrak shaklsiz massaga aylanib qoladi, juda ham bo'shab, xaltachaga to'ldirilgan atalasimon massaga ega bo'ladi.

Bradzot kasalligida shirdon va o'n ikki barmoq ichak shilliq pardalari shishgan, qizargan, qon quyulishlar ko'rinadi. Shirdonda eroziya va yaralar topiladi. Shirdon va ichaklar devori qalinlashgan bo'ladi.

Bradzot va entrotoksimiya kasalliklarini farqlashda klinik belgilari va patologoanatomik o'zgarishlaridan tashqari asosan bakteriologik usulning xulosasi bilan aniq tashxis qo'yiladi.

Nodir ERGASHEV,

tayanch doktorant,

G'ayrat MENGLIYEV,

ilmiy rahbar, v.f.n.,

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Toshkent filiali.

Fayoziddin Baxriddinov,

q.x.f.f.d. (PhD).

ADABIYOTLAR

1. В.Н. Кисленко, Н.М. Количев, О.С. Суворина. Частная ветеринарная микробиология и иммунология. Часть 3. Частная микробиология. // М. Колос, 2007. С. 75-92.
2. Z.J.Shapulatova. Mikrobiologiya. O'quv qo'llanmasi. //Toshkent, 2013. 169-171 b.
3. F.Ibodullayev. Qishloq xo'jalik hayvonlarining patologik anatomiyasi. // Toshkent, 2000. 280-282 b.
4. B.Sayitqulov, H.Salimov, A.Oripov, Q.Norboyev. Veterinariya mutaxassislari uchun qisqacha ma'lumotnoma. O'quv qo'llanmasi. //Toshkent, 2015. 120-130 b.
5. <http://www.cnshb.ru/AKDIL>. Польшковский М. Д., Браздот, в кн.: Болезни овец и коз. 3-изд., М., 1973; Ургув К. Р., Клостридиозы овец, М., 1977.
6. <https://scienceforum.ru/2015/>. II Международная студенческая научная конференция "Студенческий научный форум". – 2015, Салахутдинова Д.И., Андреева А.В.

УЎТ: 631.151.4

ТАДҚИҚОТ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ ЯЙЛОВЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОЛАТИ

Аннотация. Мақолада Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги яйловларнинг республика ер фондидаги улуши ҳамда уларнинг бугунги кундаги ҳолати ва маҳсулдорлиги тўғрисида сўз юритилган.

Аннотация. В статье рассмотрены доля, состояние и продуктивность пастбищ Ахангаранского района Ташкентской области по отношению к существующим пастбищам земельного фонда республики.

Annotation. The article highlights the share, condition and productivity of pastures of the Akhangaran district of the Tashkent region in relation to the existing pastures of the total land fund.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг табиий-иқлим шароитига кўра ўрта курғоқчил ҳудудда жойлашган. Табиий яйловлар ва пичанзорлар республика ҳудудининг катта қисмини эгаллаган. Шу боис, табиий яйловлар ва пичанзорлар республика қишлоқ хўжалиги секторининг chorvachilik йўналишини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасидаги яйлов ва пичанзорлар эгаллаган ҳудуд 21253,1 минг гектарни ташкил этади, шундан сув билан таъминланган яйловларнинг умумий ер майдони 18382,9 минг га тенг, яъни яйловлар умумий майдонининг 87 фоизни ташкил қилади [1]. Ўзбекистон умумий ер фондининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 27148,5 га ни ташкил этади, бундан яйлов ерлари улуши қарийб 80 фоизни эгаллайди [2].

Бир қатор маҳаллий олимлар, жумладан, М.И.Рузметов, Р.А.Тураев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма"да келтирилишича, Ўзбекистонда ўсимликлар тарқалишининг минтақавий

тизими қабул қилинган бўлиб, денгиз сатҳидан баландлигига қараб тўртта: чўл, адир, тоғ ва яйлов минтақаларига ажратилган [3].

Ўзбекистон ҳудудидаги яйловлар ўзининг жойлашган жойи, табиий ва иқлим шароитлари турлича бўлганлиги боис, унда тарқалган яйлов ўсимликлари турлари ҳар хил бўлиб, уларнинг озуқавийлиги ҳам турличадир.

Чўл яйловлари республика яйлов захирасининг асосини ташкил этади (81 фоиздан ортиқ), аммо табиий ва иқлим шароитлари ноқулайлиги учун чўл яйловларининг эгаллаган майдонига нисбатан озуқавийлиги паст бўлиши билан бирга, бундай яйловлар деградацияга учрашга мойиллиги ҳам юқоридир [4]. Республика кесимида адир (13,5 фоиз) ва тоғ (3,3 фоиз) яйловлари улуши нисбатан кам бўлишига қарамай, улар қулай иқлим зонасида жойлашгани учун яйлов ўсимликлари билан қопланиш зичлиги ва озуқавийлиги юқоридир. Шунинг учун бундай яйловлар мамлакатдаги chorvachilikни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида тарқалган яйловлар айнан адир, тоғ ва баланд тоғликлар минтақасидаги

яйловлар сирасига киради.

1-жадвал.

2-жадвалга асосан, Оҳангарон тумани 6 та: Ўзбекистон, С.Рахимов, Ангрэн, Оҳангарон, А.Навоий, Олмалик ва Дўстлик массивларидан ва бошқа ҳудудлардан иборат бўлиб, жами яйлов эгаллаган ҳудуд 71743 га майдонни ташкил этади, умумий деградацияга учраган майдон эса 18115 га ни, яъни умумий ҳисоб бўйича 21 фоиздан зиёдни ташкил этади. Энг кўп деградацияга учраган майдон Ўзбекистон, А.Навоий массивлари ва тумандаги бошқа ҳудудлардаги яйловларда учрайди. Туман бўйича яйловларда чорва боқиш асосан баҳор, ёз ва куз мавсумларида амалга оширилади. Туман бўйича жами 79 та яйлов ўсимликлари мавжуд бўлиб, шундан озуқабоп ўсимликлар сони 66 тани, зарарли, захарли ва чорва моллари емайдиган ўсимликлар сони 13 тани ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, умумий тумандаги яйлов ўсимликларининг 83 фоиз чорва молларини озиклантириш учун яроқли, қолган 17 фоиз эса чорва молларига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлардир. Тумандаги табиий яйловларнинг ўсимликлар билан қопланганлиги 75 фоизни ташкил этади. Тумандаги яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва озуқавийлиги ҳар бир массив кесимида ҳар хил бўлиб, яйлов ўсимликларининг энг юқори ҳосилдорлиги Ангрэн – 3,5 ц/га ва Оҳангарон – 3,1 ц/га массивларида кузатишган, энг паст ҳосилдорлик эса А.Навоий массивида – 2,5 ц/га ҳамда туманнинг бошқа ҳудудларидаги яйлов майдонларида – 2,1 ц/га ташкил этади. Озуқа бирлигининг энг баланд кўрсаткичи яна Ангрэн массивида кузатишган ва бу кўрсаткич 2,2 ц/га тенг, ўсимликларнинг энг паст озуқабоплиги эса Олмалик массивида – 1,5 ц/га ва бошқа ҳудудлар яйловларида – 1,4 ц/га ни ташкил этади. Ушбу яйловларда шартли 1 бош молни ўтлатиш учун ўртача 22,7 га табиий яйлов майдони талаб этилади.

Оҳангарон туманининг умумий ер майдони 316933 гектар бўлиб, эгаллаган ер майдони бўйича вилоятда 2-ўринни эгаллайди. Оҳангарон тумани 7 та массив ва 4 та алоҳида ҳудудга бўлинган, ундаги қишлоқ ҳўжалиги асо-

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича яйловларнинг тақсимланиши

№	Ҳудудлар номи	Майдони, минг га	Умумий яйлов ерларига нисбатан улуши
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5185,3	24,5%
2	Андижон вилояти	21,0	0,1%
3	Бухоро вилояти	2557,8	12,1%
4	Жиззах вилояти	723,9	3,4%
5	Қашқадарё вилояти	1406,6	6,6%
6	Навоий вилояти	8894,0	42%
7	Наманган вилояти	164,9	0,8%
8	Самарқанд вилояти	796,8	3,8%
9	Сурхондарё вилояти	825,2	3,9%
10	Сирдарё вилояти	20,0	0,1%
11	Тошкент вилояти	437,7	2,1%
12	Фарғона вилояти	9,5	0,04%
13	Хоразм вилояти	109,3	0,5%
Жами:		21152,0	100%

2-жадвал.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани яйлов ер фонди (01.01.2022 й.)

№	Қишлоқ ҳўжалик корхоналарнинг номи	Йўналиши	Умумий ер майдони, га		Пичанзор ва яйловлар, га		Умумий ер майдонига нисбатан улуши, %
			жами	суғор.	жами	суғор.	
1	Янгиҳаёт массиви	чорв.	4127,3	2830,8	632,0		15,3
2	А.Навоий массиви	уруғ.	16580,0	2983,7	10291,0		62,1
3	Олмалик массиви	сабз.	9108,8	1355,2	4452,3		48,9
4	Шодмалик массиви	сабз.	3227,0	824,0	870,5		27,0
5	Дўстлик массиви	сабз.	7939,1	3370,3	2650,6		33,4
6	Бирлик массиви	сабз.	2195,4	1334,0	353,8		16,1
7	Ангрэн массиви	сабз.	39553,0	1986,5	21291,0	114,0	53,8
8	С.Рахимов	сабз.	20214,0	2701,9	10048,0	62,0	49,7
9	Ўзбекистон	сабз.	18203,0	2205,0	11231,0		61,7
10	Оҳангарон	сабз.	16831,0	3120,3	9793,0		58,2
11	Ғаллақудуқ	ғалла.	797,4	441,2	128,0		16,1
Жами:			138777,0	23152,0	71743,0	176,0	

3-жадвал.

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги яйловларнинг республика ва вилоят яйлов фондидаги улуши

	Ўзбекистон Республикаси яйлов фонди	Тошкент вилояти яйлов фонди	Оҳангарон тумани яйлов фонди
Майдони	21152,0	437,7	153,3
Тошкент вилояти яйлов фондининг республика яйлов фондидаги улуши	2,1%		
Оҳангарон тумани яйлов фондининг республика ва вилоят яйлов фондидаги улуши	0,7%	35%	

Манба: Жадваллар Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг, 2022 йил 1 январь ҳолати маълумотлариға асосан муаллиф томонидан тузилган.

сан чорвачилик, сабзавотчилик, ғаллачилик ва уруғчиликка асосланган. Тумандаги жами яйлов ва пичанзорлар майдони 153,3 минг га бўлиб, ундан атиги 0,2 минг га суғориладиган яйловлардир.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Оҳангарон туманидаги жами яйлов ерлари республика яйлов фондининг атиги 0,7 фоизини, Тошкент вилоятининг эса 35 фоизини ташкил этади [1].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги жами яйловлар республика умумий

яйлов фондининг атиги 0,7 фоизини ташкил қилса ҳам, тумандаги яйлов ерлари асосан тоғолди ва тоғ минтақаларига тўғри келганлиги боис, муҳим экологик ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам, тумандаги мавжуд яйловларнинг бугунги кунга келиб пасайиб кетаётган маҳсулдорлигини ҳамда ундаги яйлов ўсимликлари озуқавийлигини ошириш яйлов ерларидан унумли фойдаланишни ташкил этишнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Камола ХАЙТОВА,
“ЎЗДАВЕРЛОЙИХА” ДИЛИ таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳисоботи. Тошкент-2022 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди. Тошкент-2022 й.
3. М.И.Рузметов, Р.А.Тураев. “Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма”. Тошкент. 2022 й.
4. Яйловларда чорвачиликни ташкил этиш. 75-китоб. Қўлланма. Агробанк. 2021 й.

УЎТ: 621.315.592.2

ТАДҚИҚОТ

МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДИНАМИК ЮКЛАМАЛИ КУЧАЙТИРГИЧНИНГ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛИШИ

Аннотация: Ҳозирги кунда ярим ўтказгич тузилмалардан турлича янги қўлланишлар учун ажойиб имкониятлар юзага келмоқда. Транзистор типидagi кучайтириш қурилмаларини бундай жабҳадан қараб чиқиш уларнинг ҳарорат, ёруғлик нурланиши, босим ва б. ларни қайд қилиши мумкинлигини кўрсатди. Ушбу мақолада диод ва транзистор тузилмаларнинг ҳарорат ва ёруғликка сезгирликнинг физикавий асослари бўйича, шунингдек, уларнинг хоссаларини конструктив ва схематик ечимлар орқали бошқариш масалалари бўйича маълум ишлар кўриб чиқилади.

Аннотация: В настоящее время полупроводниковые структуры имеют большой потенциал для множества новых приложений. Рассмотрен усилительного устройства транзисторного типа с этой точки зрения показали, что они могут записывать, их температура, световое излучение, давление и т.д. В данной статье рассмотрены отдельные работы по физическим основам термо- и светочувствительности диодных и транзисторных структур, а также вопросы управления их свойствами посредством конструктивных и схемных решений.

Abstract: currently, semiconductor structures have great potential for a variety of new applications. transistor-type amplification devices from this point of view, their temperature, light radiation, pressure, etc. showed that it can record. in this article, certain works on the physical basis of temperature and light sensitivity of diode and transistor structures, as well as on the issues of controlling their properties through structural and schematic solutions are considered.

Ташкил этилаётган динамик юкломали кучайтиргич, иккита 1 ва 2 майдоний транзисторларидан, иккита 7 ва 8 қаршиликлардан, иккита 4 ва 5 сифимлардан ва манба 6 дан ташкил топган. Бунда ҳар бир майдоний транзисторнинг затвори қаршилик орқали истокка қисқа туташтирилган, лекин биринчи транзисторнинг стоки иккинчи транзисторнинг истокига уланган. Манбадан қувват иккинчи транзисторнинг стоки ва биринчи транзисторнинг затвори чиқишларига берилади. Фойдали сигнал $U_{\text{вх}}$ конденсатор 4 орқали транзистор 1 истокига берилиб, иккинчи транзистор 2 нинг истоки $U_{\text{вых}}$ дан конденсатор 5 орқали олинади. Иккала транзисторларнинг стоки тоқлари қийматлари қаршиликлар қийматларини танлаш йўли билан идентификация қилинган.

1-мисол. Динамик юкломали кучайтиргич иккита майдоний транзисторлари: максимум ток токи 1.8 мА ва каналнинг узлиши кучланиши 1.0 В бўлган 1-типли КП 303 Ж ва максимум ток токи 3.5 мА ва каналнинг узлиши кучланиши 1.9 В бўлган 2-типли КП 303 И лардан; иккита 7, 8

қаршиликлардан ва сифимлари бир хил 0.1 мкФ га тенг иккита 4 ва 5 конденсаторлардан йиғилган. Биринчи транзистор 1 қаршилиги 30 кОм га, иккинчи транзистор 2 нинг қаршилиги эса 68.0 кОм га тенг. Бунда биринчи ва иккинчи транзисторларнинг алоҳида олинганларидаги ўлчанган стоки тоқлари ўзаро тенг. Ҳар бир майдоний транзисторнинг затворлари кўрсатилган қаршиликлар орқали истокка қисқа туташтирилган, лекин биринчи транзисторнинг стоки иккинчи транзисторнинг истокига уланган, қувват эса 9 вольт кучланишли манбадан иккинчи транзистор стоки ҳамда биринчи транзистор затвори чиқишларига берилади. Фойдали сигнал $U_{\text{вх}}$ конденсатор 4 орқали товуш сигналлари генератори ГЗ-109 дан истокка берилади. Чиқиш сигнали конденсатор 5 орқали иккинчи майдоний транзистори 2 истокидан олинади ва осциллограф С1-70 ёрдамида қайд қилинади.

Частотанинг 10 дан 10000 Гц гача бўлган диапазонда, 2 мВ га тенг кириш сигналида кучайтириш коэффициенти 2700÷1700 ни ташкил этган, 1-жадвал.

Берилган 400 Гц частотавий диапазонда ва 2 мВ кириш сигналида, қаршилиқ қийматининг 0.43 кОм дан 40 килоомгача ортиши билан синусоидал сигнални кучайтириш коэффициентини 400 дан 3500 гача ортган, 2-жадвал. Ўтишдаги кучланиш -0.377 В дан -0.955 В гача ортади, ток токи эса 878 мкА дан 23 микроампергача камаяди.

Источни затвор билан уловчи турлича частоталар ва қаршилиқларда чиқиш сигнали ва кучайтириш коэффициентларининг қийматлари

1-жадвал.

U _{вх} = 2 мВ										
f, Гц	50	100	400	1000	5000	6000	7000	8000	9000	10000
U _{вых} , В	5,4	5,4	5,4	5,4	5,4	5	4,4	4,0	3,6	3,4
K _{ус}	2700	2700	2700	2700	2700	2500	2200	2000	1800	1700

Кучайтириш коэффициентининг кузатилаётган ортиши, истокли қисм камбағаллашган қатлами қалинлигининг ортиши билан, резистордан олинадиган қаршилиқнинг база соҳаси модуляцияси чуқурлигининг ортишига олиб келади катталашши ҳисобидан юзага келади. Бунда, қаршилиқ қиймати ортгани сари, затвор-исток ўтишидаги кучланиш -0.377 В дан -0.955 Вольтгача катталашади, ток ток эса 878 мкА дан 23 микроампергача камаяди ва узатиш характерисикасининг линеаризацияси, яъни умумий истокли схемадагига нисбатан каттароқ кучайтиришга олиб келади стокнинг кичик тоқларида эгриликнинг ортиши юз беради. Кучайтириш коэффициентини субчизиқли қонун бўйича, узатиш характерисикаси эгрилигининг тўсувчи кучланишга нисбатан камаювчи характерни сабабли, қаршилиқ катталигига пропорционал равишда ортади.

Источни затвор билан уловчи турлича қаршилиқларда чиқиш сигнали ва кучайтириш коэффициентларининг қийматлари

2-жадвал.

F=400 Гц, U _{вх} = 2 мВ									
R _{исп} , кОМ	0.43	1.0	3.0	5.0	10	20	30	40	
U _{из} , В	0.377	0.531	0.710	0.778	0.853	0.911	0.938	0.955	
I _{ср} , мкА	878	531	236	155	85	45.5	31	23	
U _{вых} , В	0.8	1.0	2.0	2.4	3.2	5.0	6.0	7.0	
K _{ус}	400	500	1000	1200	1800	2500	3000	3500	

Шунингдек, кучайтиригичнинг таклиф этилаётган схемаси паст (суст) (1 мВ) сигналларни юқори коэффициент билан кучайтиришда ҳам аҳамиятга эга [91А; Патент].

Бекзод КАМАНОВ,
ТАТУ Нурафшон филиали катта ўқитувчиси,
Олмос КОДИРОВ,
ТошДАУ Самарқанд филиали ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Патент РУз №1АР 05322 от 14.12.2016. Усилитель напряжения с динамической нагрузкой / Каримов А.В., Ёдгорова Д.М., Абдулхаев О.А., Каманов Б.М.
2. М. Ахмедов, Каманов Б.М. Ярим ўтказгичлар физикаси. Ўқув қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги №538 сонли буйруғига асосан 60720600 — Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (ярим ўтказгичлар ва лазер технологияси) талабалари учун тавсия этилган. “ТИҚХММИ”МТУ нашриёти, 2022 йил.
3. Каманов Б.М., Эргашов А.Р., Ёдгорова Д.М., Рахматов А.З., Хакимов А.А., Абдулхаев О.А., Каримов А.В. Некоторые особенности работы усилителя напряжения на полевом транзисторе с динамической нагрузкой // Scientific-technical journal (STJ FerPI, ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ, 2021, Т.25, №1) стр. 9-13.

УДК: 681.5

ИССЛЕДОВАНИЕ

ДИСТАНЦИОННЫЙ КЛИМАТКОНТРОЛЕР

Аннотация. В данной статье освещены вопросы возможного внедрения в отрасли сельскохозяйственного производства автоматизированной системы контроля температуры микроклимата при хранении продукции на складах. Автор привёл тщательный и детальный анализ работы установки. Приведены выводы по результатам исследований.

Аннотация. Ушбу мақолада маҳсулотларни омборларда сақлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш саноатида автоматлаштирилган микроқлим ҳароратини бошқариш тизимини жорий этиш масалалари ёритилган. Муаллиф ўрнатишни батафсил таҳлил қилди. Таdqиқот натижаларининг барча маълумотларини умумлаштириб, хулоса чиқарилган.

Annotation. This article highlights the issues of the possible introduction of an automated microclimate temperature control system in the agricultural production industry for the storage of products in warehouses. The author gave a thorough and detailed analysis of the installation. Summarizing all the data of the research results, the conclusion is made.

Одной из основных целей Стратегии развития Узбекистана является «создание конкурентоспособной отрасли на основе развития научно-технического и кадрового потенциала, оптимизации и технического перевооружения производственных

мощностей, создания и освоения новых промышленных технологий, а также совершенствования нормативно-правовой базы для удовлетворения потребностей в современной электронной продукции» [1].

О температуре нагретого тела можно судить на основании измерения параметров его теплового излучения, представляющего собой электромагнитные волны различной длины. Чем выше температура тела, тем больше энергии оно излучает.

Особое место в современном развитии занимают датчики температуры, которые применяются во многих производственных процессах и не только, на сегодняшний день они являются одними из самых востребованных измерительных приборов. Датчики температуры нужны для того, чтобы контролировать температуру в помещении, жидкости твёрдого объекта или расплавленного металла.

Остановимся на классификации температурных датчиков, особенностях различных типов, схемах подключения. Основой действия температурных датчиков в автоматизированном управлении является изменение температуры в звуковой сигнал. Это обуславливает преимущества электрических измерений: величины могут преобразовываться друг в друга и обратно. Цифровой код создаёт повышенную точность замера, скорость и чувствительность [2].

Как понятно из названия, главная задача датчиков данного типа - контроль температуры самых различных объектов. Это и температура воздуха, и температура различных жидкостей, газов, твёрдых тел и др. Благодаря востребованности температурных измерений, они находят широкое применение в самых разных областях - от систем управления автоматизации технологических процессов до применения в бытовом секторе.

Несмотря на все различия и особенности применения, в основе работы всех датчиков температуры лежит принцип преобразования измеряемой температуры в некий электрический сигнал. А вот что это будет за сигнал, зависит уже непосредственно от вида датчика.

Разработанная установка для измерения температуры на дистанции имеет своеобразную электрическую схему, в котором основным элементом является датчик LM35, оперативный усилитель LM358 и микросхема LM3915. Эта установка работает под постоянным напряжением в 12 В.

Принцип функционирования состоит в следующем:

тепло чувствует датчик LM35, у которого 1 (первая) ножка подключена к положительному источнику напряжения, со второй ножки 2 исходит сигнал, который входит в пятую ножку 5 LM358. Третья ножка заземлена. 8-я ножка подключена к положительному напряжению в 12 В. 4-я ножка операционного усилителя LM358 заземлена. 6,7 и 3 ножка соединены в одной точке. Датчик LM35 принимает тепло и передаёт сигнал на предварительный каскад LM358. Полученный сигнал передаётся на 5-ю ножку LM3915. Далее по полученной информации микроконтроллер LM3915 определяет количество теплоты в цифровом режиме и эту информацию подаёт на светодиодное табло.




Рис. 1. Микросхема установки контроля температуры.

Исходя из вышеприведённого, разработанная установка обеспечивает дистанционный контроль и наряду с этим даёт возможность экономии материальных ресурсов и времени. Эта установка будет обеспечивать повышение уровня локализации производства электронной продукции, встраивания в мировые цепочки по производству и поставкам комплектующих на международный рынок электротехнической промышленности, один из наиболее динамично развивающихся сегментов международной экономики.

Асрор КИЯМОВ,

доктор философии по техническим наукам (PhD.),
и.о. доцента кафедры "Механизации сельского хозяйства и сервиса" Каршинского инженерно-экономического института.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28.01.2022 г. «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы». // Электронный ресурс: <https://lex.uz/ru/docs/5841077>
2. Датчики температуры. Виды и принципы действия // Электронный ресурс: <https://electrosam.ru/glavnaja/jelektrooborudovanie/ustrojstva/datchiki-temperatury/>
3. Киямов А.З. Автоматизация контроля микроклимата при длительном хранении овощей и фруктов. «Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциясининг материаллари тўплами. 4-шуъба "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда замонавий технологияларни қўллаш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш" (10-11 январь, 2020).
4. <https://rg.ru/2020/01/22/utverzhdena-strategiia-razvitiiia-elektroniki.html>

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРИДА ШАКЛЛАНАЁТГАН МЕЛИОРАТИВ ТАРТИБНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. В статье приведены расчёты водно-солевых балансов, формируемых на орошаемых землях Джиззакской области. Проанализирована разность поступления солей с оросительной водой и отводимой коллекторно-дренажной сетью, а также негативное влияние их на урожайность хлопка.

Annotation. The article presents the classification of water-salt balances formed on irrigated lands of the Jizzakh region. The salt intake from irrigation water and the drainage collector network, as well as their negative impact on cotton yield, are analyzed.

Аннотация. Ушбу мақолада Жиззах вилоятининг суғориладиган майдонларида охириги йилларда шаклланаётган сув-туз балансининг ҳисоби келтирилган. Суғоришга олинган сув билан кириб келган ва майдондан коллектор-зовур орқали олиб чиқилаётган тузлар миқдорининг салбий томонга ўзгариши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири таҳлил қилинган.

Жиззах вилояти Мирзачўлнинг иқлими иссиқ, ёза қуруқ минтақасида жойлашган бўлиб, унинг қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка, ирригация ва дренаж тизимларининг техник ҳолатига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда очиқ каналлар, коллектор-зовур тизимларининг иш фаолияти ва техник ҳолати пасайиб кетиши кузатилмоқда (ҳам очиқ, ҳам ёпиқ завур ва коллекторлар, ҳам тик дренаж қудуқлари бўйича). Бунинг сабаблари очиқ дренаж ва йиғувчи коллекторлар ўзани лойқа ва қамиш ўтлар билан тўлиши, ёпиқ дренаж қувурларида тешиқларини лойқа билан ёпилиб қолиши, тик дренаж қудуқларида сув тортувчи қувурлар тешиқлари физик-кимёвий таъсирлар натижасида қисман беркилиб қолиши, айниқса металл каркасли қувурларда занглаш кабилар кенг тарқалган. Ушбу ҳолат республикамизнинг барча йирик гидромелиоратив тизимларида ва хўжалик ички суғориш ва дренаж тармоқларида кузатилмоқда. Бунинг натижасида каналларнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) пасайиши, зовурларнинг эса дренаж модули камайиб кетиши рўй бермоқда ва охир-оқибат суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Суғориладиган майдонларда сув-туз баланси ҳам ёмонлашилига замин яратилмоқда.

Маълумки мелиорация фанида суғориладиган майдонларда сув-туз балансининг ўзгарувчанлигини миқдорий баҳолаш учун асосан А.Н.Костяков [1], С.Ф.Аверьянов [2], Х.Э.Якубов, Р.К.Икрамов [3] каби олимларнинг тенгламаларига асосланилади:

$$\Delta W_{об} = \Sigma W_{к} - \Sigma W_{ч}, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (1)$$

$$\Delta C_{об} = \Sigma S_{к} - \Sigma S_{ч}, \quad \text{т}/\text{га} \quad (2)$$

бунда $W_{об}$ – умумий сув баланси, $\Sigma W_{к}$ – майдонга кириб келган барча сувлар йиғиндиси; $\Sigma W_{ч}$ – майдондан зовурлар орқали олиб чиқилган оқова сувлар миқдори; $\Delta C_{об}$ – суғориладиган майдонда тузларнинг йиғилиши (+) ёки камайиши (-); $\Sigma S_{к}$ – суғориш суви билан кириб келган (+) ва $\Sigma S_{ч}$ – зовурлар билан чиқарилган (-) тузлар миқдори.

Ушбу жараёнларнинг кўп йиллик ўзгариш тартибини биз Жиззах вилояти туманлари мисолида таҳлил қилдик

(1 жадвал). Ўрганилган ҳудудда сув-туз мувозанатининг шаклланишида суғориладиган майдонга олинган сувлар миқдори 2019-2020 йилларда 2690,9-3014,9 млн.м³ ни ташкил этган ва суғориш сувларининг ўртача шўрлиги 0,81-1,08 г/л га тенг бўлган ҳолда вилоятга шу йилларда 2172,3-3256,1 минг тонна туз кириб келган. Сув-туз балансининг чиқим қисмида асосий ролни коллектор-зовурлар орқали чиқарилган дренаж сувлари ва тузлар оқими эгаллаган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоят суғориладиган майдонидан олиб чиқилган зах сувларининг умумий миқдори 2019-2020 йилларда 867,9-1080,7 млн.м³ ни ташкил этган. Ушбу зовур сувларининг ўртача минераллашуви (шўрлиги) 2,23-2,78 г/л га тенг бўлган ҳолда вилоятдан йилига 2409,9-2414,5 минг тонна туз чиқаришга эришилган. Натижада суғориш сувлари билан кириб келган ва зовур тизимлари орқали чиқарилган туз миқдорининг умумий баланси, яъни фарқи ҳар гектар ер ҳисобига ўртача – 0,8 дан 2,28 т/га гача ўзгариб турган. Бунда 2019 йили 2,28 т/га туз йиғилган, 2020 йил эса ҳар гектардан 0,80 тонна туз олиб чиқилган ҳолат юз берган. Шу билан бирга туманлар кесимида келтирган рақамлардан кўринмоқдаки баъзи туманларда ҳар йили тузлар мувозанати туз йиғилиш ҳолатида шаклланапти мисол учун Ш.Рашидов туманида 5,11 т/га туз йиғилса, Зомин туманида 8,1 т/га гача туз йиғилиш режими кузатилган. Демак вилоят туманларидан олиб чиқилаётган тузлар миқдори йилига бор-йўғи 0,11-1,15 т/га тенг, яъни кириб келган тузлар миқдори олиб чиқилганга қараганда анча кўп.

Вилоятда шаклланаётган сув-туз мувозанатининг бу тарзда ўзгариши суғориладиган майдонларнинг тупроқлари шўрланиш ҳолатига ҳам салбий таъсирини кўрсатади.

Вилоят суғориладиган майдонлари 299,2 минг гектар га тенг бўлса, уларнинг 225,4-228,5 минг гектари (75-76%) турли даража шўрликка учраган ерлардир. Шўрланиш даражаси бўйича қарасак, асосий ўринда кам шўрланган майдонлар вилоят бўйича 59,2-61,3% ни, ўртача шўрланган майдонлар 13,7-14,7% ни, кучли шўрланган майдонлар 1,4% ни ташкил этади. Баъзи туманларда ўртача шўрланган ерлар улуши 15-31,0% ни эгаллаган.

Жиззах вилояти туманлари кесимида суғориладиган майдонларида сув-туз балансининг ўзгариш ҳолати

Туманлар	Йиллар	Суғориш майдони, мингга	Кириш қисми			Чиқиш қисми			Тузлар баланси	
			Сув олиш, млн.м ³	суғориш сувининг шўрлиги, г/л	тузлар микдори, минг.т	коллектор зовур сувлари оқими, млн.м ³	оқим шўрлиги, г/л	тузларнинг чиқиш микдори, минг.т	Камайиш (-) орғиши (+), минг.т	Солиштирма микдори, т/га
Вилоят бўйича	2019	299,2	3014,9	1,08	3256,13	1080,7	2,23	2409,96	+846,17	+2,28
	2020	299,2	2690,9	0,81	2172,27	867,97	2,78	2414,53	-242,26	-0,80
Арнасой	2019	33,5	359,1	1,38	495,56	111,11	2,61	289,99	+205,57	+6,13
	2020	33,5	343,9	1,02	350,86	109,5	3,83	419,38	-68,52	-2,04
Бахмал	2019	12,4	64,2	0,48	30,8	20,76	0,53	11,0	+19,8	+1,59
	2020	12,4	45,8	0,25	11,46	15,51	0,76	11,79	-0,33	-0,02
Ғаллаорол	2019	12,02	82,8	0,31	25,67	26,91	0,9	24,22	+1,45	+0,12
	2020	12,02	63,5	0,29	18,41	20,87	0,95	19,78	-1,37	-0,11
Ш.Рашидов	2019	34,7	339,0	0,98	332,23	99,2	1,56	154,75	+177,48	+5,11
	2020	34,7	308,9	0,74	228,59	99,81	2,44	243,54	-14,95	-0,43
Дўстлик	2019	35,2	353,3	1,08	381,55	102,43	2,81	287,83	+93,72	+2,66
	2020	35,2	331,7	1,01	334,71	103,88	3,58	371,89	-37,18	-1,05
Зомин	2019	20,89	336,8	1,22	410,84	101,94	2,37	241,59	+169,25	+8,10
	2020	20,89	299,8	0,89	266,79	95,13	2,85	271,12	-4,33	-0,20
Зарбдор	2019	53,08	345,3	1,24	428,12	102,59	2,44	250,32	+177,8	+3,34
	2020	53,08	298,2	0,91	271,39	94,84	2,86	271,24	-0,15	-0,00
Зафаробод	2019	28,2	338,6	1,4	473,99	159,92	2,45	391,80	+82,19	+2,91
	2020	28,2	300,9	1,05	315,93	98,36	3,75	368,85	-52,92	-1,87
Мирзачўл	2019	32,9	380,1	1,43	543,51	182,42	2,78	507,13	+36,38	+1,10
	2020	32,9	339,7	1,02	346,47	110,02	3,93	432,38	-85,91	-2,61
Пахтакор	2019	28,8	346,6	1,18	409,04	152,06	2,4	364,94	+441,1	+1,53
	2020	28,8	315,3	0,95	299,57	104,83	3,44	360,62	-61,05	-2,11
Фориш	2019	1,97	69,2	1,22	84,44	21,36	3,72	79,46	+4,98	+2,52
	2020	1,97	43,3	0,75	32,51	15,27	2,21	33,75	-1,23	-0,62

Адабиётлардан маълумки тупроғи шўрланган майдонларда экилган пахтанинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ердагига қараганда 15-50% гача кам бўлиши кузатилади.

Ушбу хулосалар Жиззах вилоятининг пахта етиштириладиган ҳудудлари учун ҳам ўринлидир. Охириги йиллардаги маълумотлар кўрсатишча, вилоят кесимида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 24,0-28,3 ц/га тенг бўлса, умумий шўрланган майдонлари 80~95% бўлган Арнасой туманида ҳосилдорлик 18,7 ц/га, Зарбдор туманида 17,2 ц/га, Пахтакор туманида 16-21,0 центнерга тенг бўлган йилларни кузатиш мумкин.

Бажарилган таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мирзачўлнинг янги суғориладиган Жиззах вилоятида суғориш ва дренаж тизимларининг ишчи ҳолатига, экин-

ларга берилаётган суғориш нормалари ва суғоришлар сони, тупроқда шаклланаётган сув-туз режимлари ва экинлар ҳолати илмий асосланган оптимал мелиоратив режим (тартиб)ни ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ қилишни талаб этмоқда.

Нурбек РАХИМОВ,
таянч докторант (PhD),
ИСМИТИ,

Мурат ЯКУБОВ,
т.ф.д., профессор,
ИСМИТИ,

Зулфия МИРХАСИЛОВА,
т.ф.ф.д., доцент,
“ТИҚХММИ” МТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Костяков А.Н. 1 Костяков, А.Н. Основы мелиорации / А.Н. Костяков. - М.: Сельхозгиз, 1967. - 624 с.
2. Аверьянов С.А. Борьба с засолением орошаемых земель. М.: Колос, 1978. -288с.
3. Якубов Х.Э. Икрамов Р.К. Принципы расчета и корректировка режима работы вертикального дренажа в целях ускорения эффективности мелиорации. //Сб.научных трудов САННИРИ. 1985. Вып. 173. С. 19-34.

ҚУРУҚ МЕВАЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УНИВЕРСАЛ ҚУРИЛМАСИНИНГ ТИШЛИ ВАЛЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ


Аннотация. В статье освещается расчёт качества раскалываемых сухофруктов и степень повреждения косточек при обосновании параметров зубчатых валов универсального оборудования с использованием эмпирических выражений для переработки сухофруктов.

Annotation. The article highlights the calculation of the quality of split dried fruits and the degree of damage to the bones when justifying the parameters of gear shafts of universal equipment using empirical expressions for processing dried fruits.

Бирламчи олиб борилган экспериментлар таҳлилига асосан, тишли валларнинг айланишлар сони ошиши билан данакларнинг чақилиш сифати ҳам яхшиланиб борди. Ҳамда тишли валларнинг айланиш сони юқори даражада 165 мин⁻¹ бўлганда кам чақилиш сифати (90%) кўтарилмади. Мағизларнинг зарарланишини камайтириш мақсадида тишли валларнинг айланишлар сонини қисқартирсак, яъни 125 мин⁻¹ бўлса, бунда чақилиш сифати 83,9% бўлди. Бунда чақилиш сифатини кўпайтириш учун тишли валларнинг диаметри ва айланиш сонини қулай хусусиятларини топиш керак.

Тажрибалар орқали тишли валларнинг диаметрини 95, 115, 135, 155 мм ҳолда ясалди ва тажрибалар амалга оширилди. Иккала тишли валларни қовурғалари радиуси бир хил, яъни 14 мм бўлиб, тишли вал диаметридан кўтарилган баландлиги 4 мм қилиб олинди, тишли валлар орасидаги оралиқ яна ҳам 9,5-10 мм бўлди. Ҳосил бўлган натижалар қуйидаги 1-расмда келтирилган [1].

Ўрганилганлардан маълум бўлдики, тишли валлар диаметри ўлчамидан қатъий назар, валларнинг айланишлар сони кўпайиши билан данакларнинг чақилиш сифати ошди. Масалан, диаметри 95 мм ли тишли валда айланишлар сони 85 мин⁻¹ қилиб танланганда данакларнинг чақилиш сифати 75% бўлса, айланишлар сони 165 мин⁻¹ бўлганда данакларнинг чақилиш сифати 92,1% бўлди (1-а расм, 1- эгри чизиқ).



а)

б)

1-расм. Қуруқ меваларнинг чақилиш сифати (Ch_t) ва мағизлар зарарланиши (Sh_u) нинг боғлиқ ҳолда тишли валлар диаметри (D) ва айланишлар частотаси (n) асосида тусланиши:

1. $D=95$ мм; 2. $D=115$ мм; 3. $D=135$ мм; 4. $D=155$ мм.

Диаметри 155 мм ли тишли валлар учун тишли валларнинг айланишлар сони 85 мин⁻¹ бўлганда қақиш сифати 93,1% бўлса, айланишлар сони 115-125 мин⁻¹ га яқин бўлганда чақилиш сифати 100% бўлди (1-а расм, 4- эгри чизиқ).

1-а расмдаги турли йўналишдаги чизиқларнинг таҳлили шуни ифодалайдики, тишли валларнинг айланишлар сони

ортиши билан данакларнинг чақилиш сифати ҳам доимий равишда ортиб борар экан. Чунки, айланишлар сони кўпайганда тишли валларнинг данакларга ўзаро таъсир этиш частотаси кўпаяди. Тишли валлар диаметри 135-155 мм бўлганда ҳамда айланишлар сони 120-145 мин⁻¹ га яқин бўлганда данакларнинг чақилиш сифати 100% ни ташкил этди.

Айнан шундай қонуният данак мағизларининг зарарланишида ҳам аниқланди (1- б расм). Тишли валлар диаметри ва айланишлар сони ошганда, мағизларнинг зарарланиш кўрсаткичлари ҳам ошиб кетди. Масалан, тишли валлар диаметри 95 мм га, айланишлар сони 85 мин⁻¹ бўлганда мағизларнинг зарарланиши аниқланмаган бўлса, айланишлар сони 165 мин⁻¹ бўлганда мағизларнинг зарарланиши 4,4% ни ташкил этди (1- б расм, 1- эгри чизиқ).

Тишли валлар диаметри 155 мм, айланишлар сони 85 мин⁻¹ бўлганда мағизларнинг зарарланиши 2,2% ни ташкил этганда, айланишлар сони 165 мин⁻¹ этиб белгиланганда мағизларнинг зарарланиши 7% гача ошиб кетди.

1- расмда чизилган турли чизиқларнинг асосланишидан шу маълумки, мағизларнинг зарарланиш миқдорини минимумга келтириш учун тишли валлар диаметрини кичик қилиб олиш керак. Ва албатта шу билан бир қаторда данакларнинг чақилиш сифати ҳам сифат талабларига жавоб бериши керак. Шундан келиб чиқиб кейинги тажрибаларда тишли валлар диаметрини 125-135 мм, айланишлар сонини 115-135 мин⁻¹ ўлчамида белгиланиши керак.

Данакларнинг чақилиш сифати ва мағизларни зарарланишини мос равишда тишли валлар диаметри ва улар айланишлар сонига боғлиқ равишда ўзгаришини қуйидаги эмперик боғланишлар билан белгилаш жоиз:

Данакларнинг чақилиш сифати бўйича:

- 95 мм ли тишли вал учун
 $Cht = 59,7000 + 0,3157D$, $R_2 = 0,8848$;
- 115 мм ли тишли вал учун
 $Cht = 64,9000 + 0,3300D$, $R_2 = 0,9964$;
- 135 мм ли тишли вал учун
 $Cht = 56,7142 + 0,7845 D - 0,0032$, $R_2 = 0,9812$;
- 155 мм ли тишли вал учун
 $Cht = 60,2081 + 0,6961D - 0,0028D^2$, $R_2 = 0,9962$.

Мағизларнинг зарарланиши бўйича:

- 95 мм ли тишли вал учун
 $Shu = 4,7865 - 0,0799 D + 0,0005 D^2$, $R_2 = 0,89861$;
- 115 мм ли тишли вал учун
 $Shu = 4,2439 - 0,08285 D + 0,0006 D^2$, $R_2 = 0,9992$;

- 135 мм ли тишли вал учун
 $Shu = 3,1257 - 0,0410 D + 0,0003 D^2, R_2 = 0,9855;$

- 155 мм ли тишли вал учун
 $Shu = 3,6748 - 0,0344 D + 0,0002 D^2, R_2 = 0,9841. [2, 3]$

Хулоса. Ушбу эмпирик ифодалар орқали данакларнинг чақириш сифати ва мағизларнинг зарарланиш даражасини

тишли валлар диаметри ва айланишлар сонини ўрганишда ҳисоблаш имконияти мавжуд.

Акбар ХУРРАМОВ,
т.ф.ф.д. (PhD),
 Чирчиқ ОТҚМБЮ “Умумтехника фанлари” кафедраси
 катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Мардонов, А.И. Такомиллаштирилган чақириш қурилмасининг кинематик ва динамик параметрлари / А.И. Мардонов, И.А. Аширбеков // Агро – илм. – Т., 2015. - 4 [36]-сон. – Б. 91-93.

2. Хуррамов, А.И. Мева данаги ва ёнғоқларни мағзини ажратиш учун чақириш қурилмасининг параметрлари / А.И. Хуррамов // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. – Т., 2017. -2 (68)-сон. – Б. 104-109.

3. Хуррамов, А.И. Мева данакларини чақириш ва мағзини ажратиш қурилмаси механизмнинг синтезини шакллантириш / А.И. Хуррамов, Б.А. Юнусов // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. – Т., 2018. -2 (72)-сон. –Б. 84-89.

УЎТ: 621.78.6

ТАДҚИҚОТ

ПЛУГ ЛЕМЕХЛАРИНИНГ ДАЛА СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада юқори частотали ток билан термик ишлов берилиб ресурси оширилган плуг лемехларининг дала синовлари натижалари келтирилган.

Аннотация. В данной статье представлены результаты испытаний плужных лемехов с повышенным ресурсом путем термической обработки током высокой частоты.

Annotation. This article presents the test results of ploughshares with an increased resource by heat treatment with high frequency current.

Бизга маълумки, бугунги кунда плуг лемехларининг иш ресурси уларга қўйилган талабларга мос келмайди. Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотларимизда юқори частотали ток билан термик ишлов бериш технологиясини қўллаб лемехларнинг иш ресурсини ва ейилишга бардошлилигини оширишга қаратилган илмий изланишлар олиб бордик.

Лемехларга термик ишлов бериш Андижон машинасозлик институти лабораториясида мавжуд “TG-45 Kw” юқори частотали ток билан термик ишлов бериш қурилмасида бажарилди.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услулари. Плуг лемехларига термик ишлов бериш технологияси, режим параметрлари ва материалларига аниқлик киритиб олинди ва термик ишлов берилди. Шундан кейин плуг лемехлари дала синовларига қўйилди.

Дала синовларидан кўзланган асосий мақсад дала шароитида мавжуд ва термик ишлов берилган плуг лемехларининг иш ресурсини орттириш ҳисобига ерга ишлов берувчи агрегатнинг ишончлилигини аниқлашдан иборат.

Дала синовларида бугунги кунда лемехлар тайёрлашда қўлланилаётган 45Г маркали пўлати солиштириш учун намуна сифатида танлаб олинди. Ушбу маркадаги пўлат билан бирга тажриба намунасига танлаб олинган режим параметрлар асосида термик ишлов берилди.

Синовлар Марҳамат тумани фермер хўжалиқларида ва Асака туманидаги “Толибжон Чорвачи” фермер хўжалигида ёзги ва кузги шудгорлашларда олиб борилди. Тажриба ўтказилган даланинг тупроғи ўрта-оғир, соз механик

таркибдаги бўз тупроқ. Назорат лемехлар ўрнатилган плугларнинг ҳайдаш чуқурлиги 35 см, ишчи тезлиги 9.5 км/соат гачани ташкил қилди.



1-расм. Плуг лемехларининг дала синовлари.

1-жадвал.

Плуг лемехларининг дала синовидан олинган натижалари

№	Синов материаллари	Ўртача ейилиш жадаллиги g/ha	Ишлаш давомийлиги чегараси, ha	Дала синовларидан чиқарилиши сабаби	Иш ресурси нисбати
1	45Г маркадаги пўлат	161	10,9 / 11,2	Ейилиш чегарасига етиб кетганлиги	1,0
2	45Г маркадаги пўлат сувда тобланган	89	19,8 / 20,1		1,81
3	Тажриба намунаси тобланмаган	135	13,1 / 13,3		1,19
4	Тажриба намунаси сувда тобланган	115	15,6 / 15,7		1,40

Дала синовлари (1-расм) учун тайёрланган лемехлар массаси ва геометрик ўлчамлари аниқлаб олинди ва 140 от кучига эга New Holland T6070 тракторига агрегатланган “Урганчкорммаш PON 3+1 P/P” ҳамда “Lemken EurOpal 3+1” плугларига ўрнатилди.

Плуг лемехининг иш унуми ва тракторнинг ёнилғи сарфини аниқлаш учун махсус хронометрик кузатувлар олиб борилди.

Ўтказилган синов даврида пухталантирилган ишчи органлар ишга яроқлилигини сақлаб қолди. Синовлар даврида ейилиб яроқсиз холга келиб қолган лемехларни бир хил турдаги янги лемехлар билан алмаштирилиб турилди. Оралик ўлчашлар синов даври яқунлангунга қадар давом эттирилди.

Синов натижаларидан (1-жадвал) аниқландики 45Г маркадаги пўлатдан тайёрланган плуг лемехининг ейилиш жадаллиги 161 g/ha ни ташкил этди. Термик ишлов берилган

худди шу маркадаги пўлат маркасидан тайёрланган лемехлар хар бир гектари учун ўртача 89 г ейилди. Тажриба намунаси материалига термик ишлов бериб тайёрланган лемехлар иш ресурси 15,7 гектарга етиб, ейилиш жадаллиги 115 g/ha ни ташкил этди.

Хулоса. Плуг лемехларига юқори частотали ток билан термик ишлов бериш орқали уларнинг ейилишга чидам-лилигини орттириш хисобига уларнинг иш ресурсини 1.40 мартадан 1,81 мартагача ортишига, эҳтиёт қисмлар сарфини камайишига ва лемехдан фойдаланиш самарадорлигини эришилди.

Назиржон ҚОДИРОВ,
таянч докторант;
Мадаминжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
катта ўқитувчи,
Андижон машинасозлик институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Қосимов К.З., Мадазимов М.Т., Қодиров Н.У., Султонов Р.Ш. Тупроққа ишлов берадиган иш органлар ўрганилганлик даражаси//Рақамли технологиялар, инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқариш соҳаси ва қўллаш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий анжумани материаллар туплами. - 2-шуъба. -АнДМИ, Андижон, 2021. - Б. 161-163.

2. Қосимов К.З., Мадазимов М.Т., Қодиров Н.У., Султонов Р.Ш. Плуг лемехларини ўрганиш натижалар таҳлили. ФарПИ илмий-техника журнали, Фарғона, 2022, Т.26, №1, 160-163 б.

3. Kasimova M., Abdullayev Sh., Kadirov N. The results of researches on wear of welding flat. European Scholar Journal (ESJ) Vol. 3 No.5, May 2022 ISSN: 2660-5562 pp. 84-89.

УДК: 631.624:631.33.024.5 (575.1)

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ТЕРРАСИРОВАНИЯ ПРИ ОСВОЕНИИ ПРЕДГОРНЫХ СКЛОНОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье приводятся сведения о том, что почти 46,6% территории Республики Узбекистан расположены на склоновых землях предгорной зоны. Также говорится о нерациональном использовании этих земель под выгонами и пастбищными угодьями, указывается на то, что имеется реальная возможность построить на этих землях ступенчатые террасы под сады и виноградники. Это в свою очередь даст возможность рационально использовать эти земли, охранять их от эрозионных процессов и вырастить солнечные плоды и виноград, и получить хорошую прибыль.

Annotation. The article cites that 46,6% of the land area of the Republic of Uzbekistan is located on the sloping lands of the foothill zone. It is said about the irrational use of these lands under pastures and pastures, it is indicated that there is a real opportunity to build stepped terraces on these lands for gardens and vineyards. This, in turn, will make it possible to rationally use these lands, protect them from erosion processes and grow sunny fruits and grapes and make a good profit.

Земельные ресурсы Узбекистана характеризуются многими особенностями, отличающими его от соседних республик. Земли, пригодные для сельскохозяйственного освоения, составляет 59% его общей площади, но из них под пашней находится - 9,13%. под выгонами и пастбищами - 46,6 %. На поливных землях Узбекистана выращивают ряд ценных теплолюбивых культур: хлопчатник, кенаф, рис, южные плодовые и тутовые деревья. Такие как широко распространённые культуры, как пшеница, кукуруза, овоще-бахчевые и другие дают на поливных землях высокий и устойчивый урожай.

Необходимость создать устойчивый урожай пшеницы, независимые от погодных условий, потребовало развития зерновых посевов на орошаемых землях нашей

республики. Повышая уровни агротехники в Узбекистане намечается увеличить сбор зерна с поливных и богарных земель. В южных районах, сея пшеницу вслед за другими скороспелыми культурами (или до них), с одного поля можно снимать два урожая в год.

Большие задачи стоят и в области расширения и интенсификации садово-водства и виноградарства. Подъём садоводства и виноградарства особенно важен потому, что Узбекистан кроме обеспечения населения страны свежими фруктами и виноградом может стать главным поставщиком фруктов и винограда во многие страны.

Террасирование склонов, создание на склонах площадок в виде широких ступеней, ограниченных валиками, для выращивания плодовых культур, винограда и др. Террасы

с давних пор распространены в странах с горным рельефом (Япония, Индия, Шри-Ланка, страны Южной Африки, Турция, Греция, Италия и др.), в США; на Кавказе, в Молдавии, республиках Средней Азии и др. Плодовые культуры размещают на высоте до 2—3 тыс. м над уровнем моря, несколько ниже — виноград, ещё ниже по склону — цитрусовые культуры. Наиболее распространены ступенчатые террасы, устраиваемые на склонах от 10—12 до 40—50°. Они состоят из площадки (полотна) террасы, выемочного (внутреннего) откоса, насыпного (наружного) откоса и бермы — нетронутой части склона между двумя террасами. При устройстве террас с вертикальными откосами бермы отсутствуют, и выемочный откос террасы, лежащей ниже, является насыпным откосом верхней террасы. Террасы могут быть горизонтальными или с уклоном по продольному или поперечному профилю. На щебнистых почвах (напр., в Дагестане) устраивают террасы с вертикальными откосами, выложенными камнем (сухая кладка), высотой до 2 м. В горных районах Узбекистана распространены гребневые террасы — по горизонталям вырывают небольшие канавки, рядом насыпают валики для посадки деревьев. При террасах устраивают нагорные водоотводные канавы, регулирующие сток. При ширине площадок 4,5—5 м возможна механизированная обработка почвы. На террасах шириной 6 м размещают по 2 ряда яблони и груши на шпалерах. При устройстве террас применяют бульдозеры, плантажные и обычные плуги.

В зоне орошаемого земледелия проживает основная часть населения Республики Узбекистана, расположена большая часть промышленных городов и сельских населенных пунктов, по ней проходят железнодорожные линии и автомагистрали и в ней размещается почти вся обрабатывающая промышленность, в том числе перерабатывающая сельскохозяйственное сырьё, производимое на месте и поступающее из районов богарного земледелия и пустынной зоны. Сельское хозяйство зоны орошаемого земледелия трудоёмкое и многоотраслевое при ведущем значении хлопководства.

Зона богарного земледелия мало населена, селения в ней редки, промышленность не развита, сельское хозяйство ведётся экстенсивно, специализация узкая: зерновое животноводческое с очагами садоводства, виноградарства и овощеводства около небольших водных источников. Богарная пашня занимает около 757 тыс. га или 18,6% всей территории пашни, или 1,7% земельного фонда республики. Но общая площадь пригодных под богарные посевы земель составляет несколько миллионов гектаров. Недостаточная распаханность этой зоны объясняется неустойчивостью посевов зерновых на богаре, нередко дающих очень низкие урожаи, что заставляет отдавать предпочтение использованию незанятых земель под выпасы. Основные массивы богарных земель приурочены к возвышенностям (в пределах высот от 600 до 1600 м над уровнем моря), окружающим долины Зеравшана, Сурхандарьи, Кашкадарьи, частично Ташкентской области и Ферганскую долину. В той полосе находится до 50% богарных посевов зерновых и масличных (лен, кунжут) культур. Здесь есть и посевы бахчевых культур. Нижняя часть богарной зоны находится близко от зоны поливного земледелия, доступна всем видам транспорта и допускает механизированную обработку земли. Однако богарные по-

севы в этой полосе страдают от недостаточного количества осадков, к тому же выпадающих нерегулярно. Поэтому на этой территории есть смысл построения ступенчатых террас с капельным орошением и создания садов и виноградников на террасах. Выше 1000 м климатические условия для богарных посевов наиболее благоприятны, однако эти земли из-за их удалённости и неблагоприятного для земледельческих работ рельефа мало используются. На этих землях целесообразно строительство ступенчатых террас для разведения садоводства и виноградарства, что даст эффект как противоэрозионного характера, так и экономического характера.

Установлено, что террасирование является одним из важных средств защиты почв от эрозии на горных склонах республики. Однако рассматривать террасирование в свете решений правительства, которые ставит перед узбекским народом задачу изыскивать резервы по увеличению сельскохозяйственного производства, то в республике имеются большие возможности. И этой возможностью является террасирование. Если на склоне гор нарезать горизонтальные площадки (террасы) и посадить на них многолетние насаждения (яблони, орех, виноградник, цитрусовые) то можно трансформировать малопродуктивные сельскохозяйственные угодья (выпас, залежь) в более продуктивные — сады, виноградники и т.д. В богарном земледелии имеются площади, обеспеченные осадками и не требующие орошения. В данном случае террасы являются мощными концентратами влаги. Одновременно они играют и противоэрозионную роль перехватывая то количества осадков, которые не успевают впитываться и стекает вниз по склону.

В республике имеются площади, не обеспеченные осадками. Значительная крутизна склонов препятствует освоению, и здесь террасирование с последующим орошением позволит вовлечь в сельскохозяйственный оборот малопродуктивные земли.

Ниже будет рассмотрено, какие площади являются перспективными под террасирование, но целесообразность его, как средства борьбы с эрозией почв на горных склонах и вовлечения новых малопродуктивных земель в сельскохозяйственный оборот очевидно.

При террасировании склонов должны быть решены следующие задачи:

- а) прекращение смыва почвы;
- б) задержание поверхностного жидкого стока и обращение его во внутренний сток;
- в) максимальная механизация работ по устройству террас и по дальнейшему уходу за многолетними насаждениями;
- г) создание наиболее благоприятных условий для роста многолетних культур (наличие гумусовых горизонтов почв на полотне террас);
- д) максимальное использование площади на террасируемых склонах;
- е) сооружение террас не должно обходиться дорого.

Способ вовлечения новых земель путём террасирования не новый не только в целом для Средней Азии, и для нашей республики, а сам процесс строительства террас не является сложным. Поэтому невольно напрашивается вопрос, почему же эта тема была избрана как научная и целесообразно ли выполнять её? Ниже будет

рассмотрено и обосновано то, что террасирование должно проводиться на научной основе, потому что главное условие успешной борьбы с эрозией почв - глубокие теоретические и практические изучение природы эрозионных

процессов и применение комплекса противоэрозионных мероприятий.

Абдулло АШУРОВ,
соискатель ТИИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 15 декабря 2021 года № ПП-52 «О мерах по государственной поддержке плодовоовощной отрасли, дальнейшему развитию кластерной системы и кооперации в отрасли».

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2020 года N ПП-4610 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию лимонководства».

3. Бакуев Ж.Х., Кучмезов Х.И., Бишенов Х.З. Инновация в строительстве ступенчатых террас для интенсивных садов. Евразийский союз ученых (ЕСУ) 6(75), 2020.

4. Бакуев Ж.Х. Интенсификация садоводства в предгорьях Кабардино-Балкарии // Издательство «Центр печати» - Нальчик, 2012. - 360

УЎТ: 331.444

ТАДҚИҚОТ

ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ АМАЛИЁТИ

Аннотация. В данной статье описаны критерии и показатели повышения эффективности труда на предприятиях геологоразведочной промышленности. В результате проведенного исследования был предложен «показатель труда» позволяющий определить эффективность труда.

Annotation. This article describes the criteria and indicators for improving labor efficiency at the enterprises of the exploration industry. As a result of the study, a "labor indicator" was proposed to determine the efficiency of labor.

Кириш. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги назарияси кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шунга қарамай унинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинмасдан мунозаралигича қолмоқда. Геология қидирув саноати корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми мезонлари ва кўрсаткичлари ҳақидаги масалалар шулар жумласидандир. Иқтисодий адабиётларда меҳнат самарадорлигини ўрганиш масаласига анчагина илмий ишлар бағишланган, бироқ улардаги асосий эътибор корхоналарда меҳнат муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига қаратилган.


Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган ресурслар ва кўлга киритилган натижани ҳаққоний таққослаш учун меҳнат унумдорлигининг асоси ва ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш самарадорлиги сингари тушунчаларни яхлит ижтимоий-иқтисодий тушунча сифатида "меҳнат самарадорлиги" бирлаштиради. Меҳнат самарадорлиги ошиши асосини унинг унумдорлиги ортиши ташкил этса-да, иқтисодий самарадорликга эришмай туриб асосий мақсадни амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам, моддий ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигининг асосини икки тушунча: ижтимоий (ижтимоий-иқтисодий) ва иқтисодий ишлаб чиқариш асослари ташкил этади.

Материаллар ва усуллар. Ижтимоий-иқтисодий меҳнат самарадорлиги ва иқтисодий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлиги мезонларини таснифлашда уларнинг натижалар яхлитлиги (мезоннинг мақсади, натижа кўрсаткичи) ҳамда индикаторларни ташкилий ва иқтисодий индикаторларга бўлган ҳолда ифода этиш мумкин. Қуйидаги 1-расмда ифода этилган ижтимоий-иқтисодий меҳнат самарадорлиги ва иқтисодий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлиги мезонининг натижа кўрсаткичи ҳар бир мезон мақсадини ва индикаторлар

билан ўзаро боғлиқлигини ўз аксида топган. Механизмдаги ташкилий ва иқтисодий индикаторлар тадқиқот ва кўзатувлар натижасида ишлаб чиқилиб, муносиб меҳнат шароитларида меҳнат билан банд бўлган ходимлар улуши; ўртача иш ҳақи даражасидан кам бўлмаган иш ҳақини олувчилар улуши; бахтсиз ҳодиса ва касб касаллигига дуч келмаган ходимлар улуши; лавозим даражасида салоҳиятга эга бўлган ходимлар улуши; ички меҳнат самарадорлигини, истеъмолчилар эҳтиёжининг қондирилиш даражаси; яратилаётган товарлардан истеъмолчиларнинг мамнунлик даражаси; меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқлари бузилмаган ходимлар улуши; ташқи меҳнат самарадорлигини, меҳнат натижасида юқори меҳнат сифатининг улуши; ресурслардан фойдаланишда ресурс маҳсулдорлиги даражаси; кутилган натижани намоён этади. Натижа кўрсаткичлари меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми мезонининг мақсадли натижасини акс эттиради.

Механизмдаги индикаторлар ижтимоий меҳнат муносабатларида инсон меҳнати имкониятларини кенгайтиришни, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, хавфсиз ва қулай замонавий технологиялар қўлланиладиган меҳнат шароитига ҳамда меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Уларни ҳисоблаб топилган меҳнат самарадорлигини ҳисобловчи кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини услубий жиҳатдан тадқиқ этиш ва ўзаро таққослаш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмида кўрсаткичларнинг нақадар муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан саноат ишлаб чиқариш корхоналари-



Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва қўшимча киритилган

1-расм. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми мезон ва кўрсаткичлари

да меҳнат самарадорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш услуби ва умумий ҳисоблаш формуласи яратилган эмас. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда Меҳнат иқтисодиёти мактаби асосчиси Академик Абдураҳмонов Қаландар Ходжаевич томонидан "...меҳнат самарадорлигини ҳисоблашни ифода этувчи кўрсаткич сифатида умумий, хусусий, мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш" услуби таклиф этилган. Умумий кўрсаткичлар ишлаб чиқариш мақсадлари ва уларга эришишда ишлатиладиган воситаларни ҳамда усулларни акс эттиради. Хусусий кўрсаткичлар сирасига меҳнат унумдорлиги, иш вақтидан самарали фойдаланиш, ишчиларнинг меҳнат тажрибалари, жонли меҳнатни тежаш, меҳнат натижасининг сифати, меҳнат ҳақи сарфларининг тежалиши ва ҳоказолар қиради. Мутлақ кўрсаткичлар қиймат ёки натурал бирликларида, нисбий кўрсаткичлар эса фозилларда ифодаланади.

Меҳнат самарадорлигини ҳисоблашнинг умумий кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда аниқлашда ишлаб чиқариш жараёнида маълум вақт бирлиги (минут, соат, смена) давоми-

да ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорини шу маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришда иштирок этган ишчилар сони билан корхонанинг ўзига хос иш фаолиятига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган меҳнат сифати кўрсаткичи кўпайтма йиғиндисига нисбати асосида ҳисоблаб топилади. Аммо, ҳисоблаш услубининг меҳнат самарадорлигини тўлақонли баҳолашда камчиликлари мавжуд. Масалан, ишчиларнинг меҳнат фаолиятидаги иш тажрибаси ва маҳоратини, сарфланган иш вақти, ишчи кучи тежалишини ҳамда бажарилган иш сифатини ифода этмайди. Умумий кўрсаткич ифода этмайдиган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини хусусий кўрсаткичларда алоҳида кўрсаткичларга бўлинган ҳолда ҳисоблаб топиш мумкин. Бироқ хусусий кўрсаткичлар асосида меҳнат самарадорлигини умумий ҳолда аниқлаш имкони мавжуд эмас, чунки хусусий кўрсаткичларда алоҳида кўрсаткичларга бўлинган ҳолда аниқлаб топилади. Муаллиф фикрича, Геология қидирув саноати корхоналарида меҳнат самарадорлигини кенг қамровли ифода этувчи ягона ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бунинг учун умумий ва хусусий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда "меҳнат кўрсаткичи"дан фойдаланиш аҳамиятлидир. Муаллифнинг тадқиқот ва кўзатувлари натижаси сифатида меҳнат самарадорлигини аниқлаш учун таклиф этилаётган "меҳнат кўрсаткичи" пировард меҳнат натижаси ўзгаришига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичларни тавсифлайди.

Меҳнат самарадорлиги меҳнат натижасини ифода этувчи ва унинг сифат ўзгаришига таъсир кўрсатувчи асосий кўрсаткичларни кўпайтма ва нисбати асосида (M_c) аниқланади:

$$M_c = \frac{M_n}{M_{\text{сарфи}} \times I_c \times M_m \times I_{\text{в.ф.д}}},$$

бунда: M_c – меҳнат самарадорлиги; M_n – меҳнат натижаси (вақт бирлиги давомида); $M_{\text{сарфи}}$ – меҳнат сарфи; I_c – иш сифати; M_m – тежалган жонли меҳнат; $I_{\text{в.ф.д}}$ – иш вақтидан фойдаланиш даражаси.

Меҳнат самарадорлигини ҳисоблашда ифодаланган меҳнат сарфи ишчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлганлар сони ёки сарфланган вақтни, иш сифати ўзида меҳнат ва бошқарув сифати, ишчилар тажрибаси ва технологик даражасини, жонли меҳнат мавжуд ишчи кучидан самарали фойдаланишни, иш вақтидан фойдаланиш даражаси эса нормал иш вақтининг давом этиш меъёридан тўлиқ фойдаланишни намоён этади.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат самарадорлигини аниқлашда "меҳнат кўрсаткичи" асосида ҳисоблаш услуби, натижаси ишончли бўлиб, ундан фойдаланиш ниҳоятда унумли ҳисобланади ва бу қуйидагиларни: биринчидан, умумий меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи ифода этмаган

кўрсаткичларни ифодалаш; иккинчидан, ишчи меҳнатининг ривожлантириши меҳнат натижасига таъсир кўрсатишини; учинчидан, умумий ва хусусий меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзаро уйғунлигини; тўртинчидан, меҳнат натижасининг самарасига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичларни яхлит бир тизимга солган ҳолда ҳисоблашни; бешинчидан, меҳнат ҳажми ва меҳнат сифати ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Меҳнат самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган “меҳнат кўрсаткичи” услуги меҳнат самарадорлиги моҳияти ва олиб борилган тадқиқот ҳамда кўзатувларимиз натижасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу услуб ёрдамида, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини аниқлаш ишончли меҳнат

натижасини олиш имконини беради.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий меҳнат самарадорлиги ва иқтисодий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлиги мезонлари ҳамда кўрсаткичлари орқали, шуни қайд қилиш мумкинки, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг устувор вазифалари ва муносиб меҳнат таъминларини таъминлаш имкони яратилади.

Холида САИДРАСУЛОВА,
Геология фанлар университети
Иқтисодий геология кафедраси мудири, и.ф.ф.д. (PhD),
Жамшид ТУХТАБАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти,
и.ф.ф.д. (PhD).

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. - Т.: “Фан”, 2019.
2. Тухтабаев Ж.Ш. “Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини миқдорий ёндашувлар асосида баҳолаш”. “Биржа-Эксперт” журнал, 2015.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т., Бакиева И.А. “Меҳнат иқтисодиёти” (Дарслик). - Т.: “ТДИУ”, 2011.
4. Тухтабаев Ж.Ш. Корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Монография / ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: “Фан ва технология”, 2017. - 198 б.

ТАДҚИҚОТ

БАНК ТИЗИМИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада банк тизими ва тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, банклар фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Аннотация: В статье анализируется значение банковской системы и коммерческих банков в экономике страны. Есть также предложения по развитию деятельности банков.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимини ривожлантиришда миллий банк тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва доимий таҳлил қилиб бориш лозим. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг мақсади миллий иқтисодий тизимини ривожлантириш, банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, банк акциядорлари, шунингдек, банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. Манба <https://cbu.uz/oz/statistics/bulet/en/>

1-жадвалда келтирилган статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, сўнги йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти билан бир қаторда банкларнинг активлари, капитали ҳам ўсиб бормоқда. Жумладан, ЯИМ ҳажми 2020 йил сўнгида 2017 йилга нисбатан 277666.4 млрд. сўмга ёки 191.8% ошган бўлса, банк активлари 2020 йил сўнгида 2017 йилга нисбатан 199489.3 млрд сўмга ёки 219.8% га ошган. Банк активлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 55-63% ташкил этиши ҳам иқтисодиётни маблағ билан таъминлашда, универсал

товар бўлмиш пулнинг ҳаракатланишида ва иқтисодий фойда келтиришида банкларнинг аҳамияти юқори эканлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, ушбу жадвалда кўришимиз мумкинки, банк капитали деярли 1.5 баробарга ёки 2020 йил сўнгида 2017 йилга нисбатан 37675.2 млрд. сўмга, фойзда эса 282% га ошган. Банк активлари ва капиталининг бундай юқори ўсишини янада чуқур таҳлил қилиш ва унинг таркибий ўзгаришлари, минтақалараро тақсимланиши динамикасини

1-жадвал.

Банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрни (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар номи	31.12.2017	31.12.2018	31.12.2019	31.12.2020
1	2	3	4	5
ЯИМ	302 536,8	406 648,5	510 117,2	580 203,2
Банк активлари	166 631,8	214 419,6	272 726,9	366 121,1
Активларнинг ЯИМга нисбати, фойзда	55,1	52,7	53,5	63,1
Кредит қўйилмалари	110 572,1	167 390,6	211 580,5	276 974,8
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фойзда	36,5	41,2	41,5	47,7
Депозитлар	59 578,7	70 001,4	91 009,0	114 746,9
Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фойзда	19,7	17,2	17,8	19,8
Капитал	20 676,1	26 678,9	51 030,7	58 351,3
Капиталнинг ЯИМга нисбати, фойзда	6,8	6,6	10,0	10,1

тахлил қилиш орқали мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мумкин.

Иқтисодиётнинг классик назариясига кўра, бозорни “кўринмас кўл”, яъни талаб ва таклиф бошқариши муҳим аҳамият касб этади. Банк тизимида ҳам ушбу қоидага амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда хусусий тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқ нормаларига тўғри келиши Марказий банк томонидан назорат қилиб борилса кифоя қилади.

Тижорат банклари капиталининг миқдори мамлакат иқтисодий тизими ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий машинани ҳаракатга келтирувчи куч бу дастлабки капитал бўлганидек, тижорат банкларининг капитали банклар фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари капитали 2020 йил сўнгига 2016 йил сўнгига нисбатан 49 370 млрд. сўмга ёки 649,7 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Лекин, капиталнинг чет эл валютасидаги улуши кескин камайганлигини, яъни 2020

йил сўнгига 2016 йил сўнгига нисбатан -1948,3 млрд. сўмга камайганлигини қайд этиш лозим.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда тижорат капиталининг активлари, кредитлар ҳажми, депозитлар ҳажми ва банк капитали миллий валюта билан ҳисоблаганда ўсиб бормоқда. Қайд этиш лозимки, бундай иқтисодий ўсишга бевосита 2017 йил сентябрь ойида валюта бозорини эркинлаштириш, ўзбек сўмини девальвация қилиш каби иқтисодий сиёсат натижалари ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Хулоса ўрнида таъкидлаганда, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик мамлакат банк тизимида ҳам таъсирини ўтказмоқда. Барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш қайд қилинмоқда, реал иқтисодий ҳолатда бу ўзгаришларнинг иқтисодий тизимга қанчалик ижобий ёки салбий таъсир қилаётганини, шунингдек, тижорат банклари фаолиятига қанчалик таъсир қилаётганлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ахмаджон ЭРГАШЕВ,

Наманган муҳандислик-қурилиш институти ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. У.Азизов, Т.Каралиев, Т.Бобакулов ва б. Банк иши. Дарслик. – Т.: «Фан ва технология», 2016 йил, 640 бет.
2. Антонов А.Г., М.А.Пессель. Денежное обращение, кредит и банки: Учебник / Н.Г.Антонов. – М.: Финстатинформ, 1995. – 329 с.
3. Лаврушин О.И. Банковское дело: Учебник, 5-е изд./ О.И.Лаврушин, И.Д.Мамонтов, Н.И.Валенцева – М.: КноРус, 2007. – 768 с.

Polimer Galantery

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

☎ (+998) 94-638-33-33

☎ (+998) 95-142-31-19

☎ (+998) 97-342-50-08

✉ polimergalantery@mail.ru

🌐 www.polimergalantery.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

САМИИЙ ВА БЕҒУБОР ОЛИМ



Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илғор илм-фан инновацион сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш бўлими раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, ёшлардек серғайрат касбдошимиз Ғиёсжон Раҳимов 70 ёшни қаршилади. У ўзининг ибратли ҳаёт йўли, илмга фидойилиги билан жамиятга катта обрў-эътибор қозонган инсон.

1952 йилда Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида туғилган Ғиёсжон 1973 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини тугатган. 1973 йилда Андижон пахтачилик институтида ўқитувчи, сўнгра Ўзбекистон Шолчилик илмий-тадқиқот институтида аспирантурада ўқиб, 1979 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У 1981-1991 йилларда ўн йил Ўзбекистон Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиалида фаолият олиб борди. Унинг ҳаммуаллифлигида қорақалпоқ тилида ёзилган “Салигершилик” китоби чоп этилиб, олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. Шולי етиштириш деҳқончилигида, сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш ва барча илғор комплекс агротехнологияларни қўллаб юқори ҳосил етиштириш бўйича 30 тадан ортиқ китоб ва тавсияномалар тайёрлаб, уларни амалиётга жорий этишга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича хўжалик мутахассисларини ўқитиб, ўргатиб боришга муносиб ҳисса қўшган. Ушбу хизматлари ҳисобга олиниб Ғ.Раҳимов 1993 йилда “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланган.

Ёш олим 1994 йилда докторлик диссертациясини ёқлаб, 1995-2005 йиллар давомида Ўзбекистон Шолчилик илмий-тадқиқот Институтида Бош директор лавозимида ишлади. Унинг раҳбарлигида шолчининг “Мустақиллик”, “Искандар”, “Истиқбол”, навлари ҳамда дуккакли дон экинларидан соя ва мошнинг “Орзу”, “Қаҳрабо” навлари яратилиб, районлаштирилган. Шолини кўчат усулида экишни механизациялаштириш бўйича Ҳиндистон, Жанубий Корея ҳамда Хитой олим ва мутахассислари билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориб, Жанубий Корейадан 130 та шолини кўчат усулида экиш механизмларини ва кўчат тайёрлаш линияларини олиб келиб, Тошкент, Хоразм вилоятларида ушбу технологияни кенг жорий этишни амалга оширди. Шу асосида ҳозирги вақтда деҳқон ва фермер хўжаликлари шолини кўчат усулида асосий экин сифатида экиш ҳамда ғалладан бўшаган ерларга шолини кўчат усулида такрорий экин сифатида экиб, йиллик сув сарфини ҳар гектаридан 30-35 фоиз камайтиришга эришиб, бир йилда 2 марта ҳосил олиш имкониятларига эга бўлмоқда.

Ғ. Раҳимов ўзбек олими сифатида бугунги кунда халқаро миқёсда ҳам кенг танилган. У АҚШ, Франция, Япония, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон каби мамлакатларда бир неча марта ўтказилган илмий-амалий конференция, симпозиум ва конгрессларга қатнашиб, соҳа бўйича дунё олим ва мутахассислари билан тажриба алмашиб, илмий-амалий ишлар олиб бормоқда.

Ғ.Раҳимовнинг ҳаммуаллифлигида ёзилган “Ўсимликшунослик” китоби Давлат буюртмаси асосида чоп этилиб, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги олий

ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган ҳамда Ўзбекистон Олий таълим вазирлигининг I даражали дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланган.

Ғ.Раҳимов қарийб ярим аср давомида 200 дан ортиқ илмий мақолалар 10 га яқин монография, китоб-рисолалар ва ўқув юртлари, техникум, колледжлар учун дарсликлар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари учун тавсияномалар ёзган ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилган, унинг илмий изланиш ва ихтиролари маҳсули бўлиш муаллифлик гувоҳномалари ва патентлари бор. Унинг илмдаги меҳнат ютуқлари залворли.

Ҳаётда олим ёшлардан ўз ёрдамини, маслаҳатини аямай-диган инсон. У 6 нафар фан доктори, фан номзоди ҳамда магистрларга раҳбарлик, илмий маслаҳатчилик қилган. Айни дамда 2 нафар докторант ва мустақил тадқиқотчига устозлик қилмоқда.

Ғ.Раҳимов кўп йиллик илмий изланишлари, бошоқли ва дуккакли дон экинларини навларини яратишдаги, юқори ҳосил олиш технологияларини жорий қилишдаги, уруғчилигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Шухрати” ордени билан тақдирланган.

Унинг ибратли хусусиятлари жуда кўп. Яхшилиқни кўпайтириб, ёмонликни яшириб яшайди. Атрофдагиларининг ютуқларидан хурсанд бўлади. Хатоларини ўз вақтида тўғирлаб юришга одатланган. У билимдонлиги, ҳозиржавоблиги, ўз фикрини дадил айтишга одатланганлиги билан жамоада нуфузга, ҳурматга эга инсон.

Республикамиз вилоятларига доимий равишда бориб, фермер, деҳқонларни, ер эгаларини, агрофирма мутахассисларини ўқитиб-ўргатишда улар орасида оддий инсон сифатида тез тил топишиб кетади ва фикрини аниқ ва содда тилда тушунтириш хислатига эга.

У кўзга кўринган йирик олим бўлишига қарамай, ўта камтарин, меҳрибон ва эътиборли ота, суюкли бободир. 4 фарзанди ва 9 набиралари бор. Ғ.Раҳимов бор давра ҳамиша хушчақчақ ва завқли. У ҳазилкаш, аскиячи, чапани одам. Агар сал аскияни бошлаб берсангиз, кучли пайровга олиб, ҳаммани кулдириб, ўзидаги кўтаринчилик ва кувноқликни барчага баробар улашади. Айниқса, Андижон полкаси ва “Дилхирож”га ниҳоятда берилиб, чиройли ўйнайди. Унда ҳеч қачон иззатталаблиқни кўрмаймиз. Ана шундай самимий ва беғубор инсон Ғиёсжон ака.

Айрим соҳа олим ва мутахассислари касбий тақозоси билан эрта нафақага чиқади. Ҳақиқий олимлар эса илмда борган сари билимдон, доно бўлиб боради. Ғ.Раҳимов 70 ёшга кирган бўлса ҳам унинг бугунги ғайрати, илмдаги ва ҳаётдаги изланишлари янада юксалиб борапти. Бу йўлда унга сиҳат-саломатлик, толмас куч-қувват тилаб қоламиз.

Совет ХУДОЙҚУЛОВ,
т.ф.д., профессор,
Мурод ЁҚУБОВ,
т.ф.д., профессор.
ИСМИТИ.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV

Aziz VOITOV

Shavkat XAMRAYEV

Shuhrat TESHAYEV

Azimjon NAZAROV

Bahodir TOJIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBOV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Dekabr №12.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Азиз Воитов: Ўзбекистон 2019-2022 йилларда озик-овқат хавфсизлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришди	2
Кўш байрам қувончи	3
М.ТОШБОЛТАЕВ. «Дехқон одам дон сочар, эл-юртига нон сочар»	4
Ш.СОДИҚОВА. Эл хизмати – ҳоритмас	5
Ш.НОРМУРОДОВ. Дехқондан дехқонга тилақлар	6
К.ЭРГАШЕВ. Навбат тadbиркорликка	7
Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Мўл ҳосил олай десангиз, боғларни вақтида парвариш килиб туринг	8
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машиналарни авайлаб сақлайлик	9
А.ИБРОХИМОВ. Томорқаларда қайси кимёвий моддалардан фойдаланиш мумкин?	11
М.МУҲАМЕДОВА. Сувни тежаш бўйича янги авлод дарслиги яратилди	12
“Кегейли” каналида ишлар якунланмоқда	13
Х.КАРИМОВ. Ўзани мустаҳкам дарё раvon оқади	14
Бугунги меҳнат — келгуси ҳосилга замин	16
Кластер тизимида тежамкор технологиялар	17
Ш.ЖАББАРОВА. Дарёқалб миришкорлар	18
М.БОБОНАЗАРОВ. Tadbиркор ҳуқуқлари – суд химоясида	21
Ғ.МИРЗАЕВ. Ер муносабатлари тартиби бузилса	23
Ф.РАХМОНОВ. Чигитли пахтани сақлаш	24
Т.СЕЙТНАЗАРОВА, Ж.ТУҒОНОВ. Ғўзанинг узок географик тизмаларида тола сифати параметрларининг шаклланиши	25
Л.ХАЛИЛОВА. Кузги бугдой янги навлари қишга чидамлилигининг нав хусусиятларига боғлиқлиги	26
А.ҒАФУРОВ, Р.НОРМАХМАТОВ. Қуритилган узум тўппасининг макро- ва микроэлементар таркиби	27
Ҳ.ҚУРБОНОВ, Ғ.САНАЕВ, М.РОЗИҚОВ. Самарқанд вилояти шароитида порей пиёзи етиштириш	28
Т.ТОРЕНИЯЗОВ. Мева боғларидаги данаклилар турлари зарарқундаларига қарши кураш	29
Н.ЕРГАСHEV, Ғ.МЕНГЛИЙЕВ. Қо'ylarning bradzot va yuqumli anaerob entrotoksimiya kasalliklarining klinik belgilari va patologoanotomik o'zgarishlari	30
К.ХАЙТОВА. Тошкент вилояти оҳангарон туманидаги яйловлар ва уларнинг ҳолати	32
Б.КАМАНОВ, О.КОДИРОВ. Майдоний транзисторлари асосида ишлаб чиқилган динамик юкламали кучайтиргичнинг синовдан ўтказилиши	34
А.КИЯМОВ. Дистанционный климатконтролер	35
Н.РАХИМОВ, М.ЯКУБОВ, З.МИРХАСИЛОВА. Жиззах вилояти суғориладиган майdonларида шаклланаётган мелiorатив тартибнинг хусусиятлари	37
А.ХУРРАМОВ. Қуруқ меваларни қайта ишлаш универсал қурилмасининг тишли валлари параметрларини асослаш	39
Н.ҚОДИРОВ, М.ЭГАМБЕРДИЕВ. Плуг лемехларининг дала синовлари натижалари	40
А.АШУРОВ. Использование метода террасирования при освоении предгорных склонов Республики Узбекистан	41
Х.САИДРАСУЛОВА, Ж.ТУХТАБАЕВ. Геология қидирув саноати корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг мезон ва кўрсаткичлари амалиёти	43
А.ЭРГАШЕВ. Банк тизимининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти таҳлили	45
С.ХУДОЙҚУЛОВ, М.ЁҚУБОВ. Самимий ва беғубор олим	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 13-dekabr.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 13-dekabr. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 22. Nusxasi 1000 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar – B.ESANOV, A.TAIROV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Зомин миллий табиат боғи жамоаси

Барча юртдошларимизни, дала меҳнаткашларини, деҳқон ва фермерларни, сувчи ва миробларни, Конституция байрами ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни билан самимий муборакбод этади!

Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкин ва файзли бўлиши йўлида қўшаётган ҳиссангиз янада баракали бўлсин!





Журналларимизга 2023 йил учун обуна давом этмоқда!

АГАР СИЗ «O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:

- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва
“Матбуот тарқатувчи” АКнинг
жойлардаги бўлимларида,
шунингдек, таҳририятимиз орқали
расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:
«O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi» – 895
«Agro ilm» – 859